

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ



## МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ

Мактабгача таълим фанларини  
ўқитишнинг инновацион  
муҳитини лойиҳалаш

МОДУЛИ БЎЙИЧА  
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА



ТОШКЕНТ-2021



**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчи:** **Н.Н.Джамилова** - Низомий номидаги ТДПУ “Мақтабгача таълим методикаси” кафедраси п.ф.д., доцент

**Тақризчилар:** **М. Умарова** - Низомий номли ТДПУ, п.ф.н., доцент

**Хорижий эксперт:** Lee Yu Mi - Сеул педагогика университети (Жанубий Корея), профессор.

**Ўқув-услубий мажмуа ТДПУ Кенгашининг 2020 йил 27 августдаги 1/3.6- сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.**



## МУНДАРИЖА

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>4</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ. ....</b>	<b>12</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....</b>	<b>17</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....</b>	<b>117</b>
<b>V. КЕЙСЛАР БАНКИ .....</b>	<b>120</b>
<b>VI. ГЛОССАРИЙ .....</b>	<b>131</b>
<b>VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>141</b>



## I. ИШЧИ ДАСТУР

### КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Президентининг «Мақтабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 30 сентябрдаги ПҚ-3955-сон, Вазирлар Маҳкамасининг “Мақтабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 13 майдаги 391-сонли Қарорларида ва Ўзбекистон Республикаси мақтабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сон қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Мақтабгача таълим фанларини ўқитиш «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида»ги етук мутахассисларни тайёрлашга қўйилган талаблар билан уйғундир. Фанни ўқитиш жараёнида мутахассисларнинг юксак касбий маҳорат ва касбий фаолиятини шакллантириш технологияларига эътибор қаратилади.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**“Мактабгача таълим фанларини ўқитиш технологиялари ва лойиҳалаштириш” модулининг мақсади:** Мактабгача таълим йўналишидаги фанларининг ўқитилишидаги ўзига хос хусусиятларни ва методикасини ёритиб беришдан иборат.

**“Мактабгача таълим фанларини ўқитиш технологиялари ва лойиҳалаштириш” модулининг вазифалари:**

- тингловчиларни келгуси илмий ва касбий фаолиятлари учун пухта назарий асос яратиш;
- тингловчиларда назарий ва амалий машғулотларни ташкил қила олиш малака ва кўникмаларини шакллантириш;
- касбий педагогик маҳорат ва касбий маданиятни тарбиялаш.

**Мактабгача таълим фанларини ўқитиш технологиялари ва лойиҳалаштириш модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар:**

#### **Тингловчи:**

- мактабгача таълим фанларини ўқитиш қонуниятлари ва тамойиллари;
- мактабгача таълим фанлари таълим мазмунини танлаш мезонлари;
- мактабгача таълим фанларини ўқитиш метод ва воситалари;
- мактабгача таълим фанларини ўқитишнинг ташкилий шакллари;
- мактабгача таълим фанларини ўқитишнинг ахборот технологиялари;
- мактабгача таълим фанларини ўқитиш технологиялари;
- мактабгача таълим фан ўқитувчисининг ўқув меёрий ҳужжатлари ва методик ишлари, уларни режалаштириш, ташкил этиш ва тайёрлаш методикаси **билимларга эга бўлиши;**

#### **Тингловчи:**

- мутахассислик фанларидан талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш;
- талабаларнинг диққатини жалб қилиш ва машғулот самарадорлигини ошириш таълим шакл, методлари ва воситаларини танлаш;
- мутахассислик фанларини ўқитиш шакллари (маъруза, семинар, амалий, лаборатория, мустақил таълим, курс ишлари лойиҳалари, битирув малакавий ишлари лойиҳаларини таҳлил қиилиш;
- мутахассислик фанлари бўйича мустақил таълимни ташкил этиш этиш **кўникмаларини эгаллаши;**

#### **Тингловчи:**

- мактабгача таълим фанларининг дидактик таъминотини ишлаб чиқиш;
- машғулот ишланмаларини тайёрлаш;



- мақтабгача таълим фанларининг ўқув-услугий мажмуаларини ишлаб чиқиш;
- мақтабгача таълим фанларини ўқитиш жараёнида рейтинг тизимини қўллаш;
- мақтабгача таълим фанларини ўқитишда машғулотларнинг режасини тузиш ва маъруза матнини тайёрлаш;
- очиқ машғулотларни ўтказиш ва ҳужжатларини расмийлаштириш;
- ўқитиш жараёнида ахборот технологиялари ва интерфаол технологияларни қўллаш **малакаларини эгаллаши;**

#### **Тингловчи:**

- олий таълим тизимида бугунги давр талаби нуқтаи назаридан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ўқув жараёнини ташкил этиш **компетенцияларни эгаллаши лозим.**

#### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Мақтабгача таълим фанларини ўқитишнинг инновацион муҳитини лойиҳалаш” курси маъруза машғулотлари шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

#### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Мақтабгача таълим фанларини ўқитишнинг инновацион муҳитини лойиҳалаш” модули мазмуни ўқув режадаги “Мақтабгача таълимнинг концептуаль асослари ва замонавий ёндошувлар” ўқув модули билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

#### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар мақтабгача таълим педагогикаси фани ўқитувчисининг ўқув-меъёрий ҳужжатлари ва методик ишлари, уларни режалаштириш, ташкил этиш ва тайёрлаш методикаси. мақтабгача таълим фанларини ўқитиш мазмунини интеграциялаш ва уни амалда



қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

**Модул бўйича соатлар тақсимоти**

№	Модул мавзулари	Жами	Жумладан	
			Назай	Амалий машғулот
1.	Мақтабгача таълим фанларини ўқитиш жараёни яхлит тизим сифатида. Мақтабгача таълим педагогикаси фани ўқитувчисининг ўқув-меъёрий ҳужжатлари ва методик ишлари, уларни режалаштириш, ташкил этиш ва тайёрлаш методикаси	2	2	
2.	Фан дастурлари, ишчи фан дастурларини ва ўқув режаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш	2		2
3.	Масофавий таълимни ташкил этиш технологиялари. Таълим жараёнини лойиҳалаштириш ва уни ташкил этиш технологияси.	2	2	
4.	Мақтабгача таълимга кредит –модул тизимини жорий этиш. Таълим жараёнига STEAM ўқитиш технологияларини тадбиқ этиш	2	2	
5.	Таълим жараёнига STEAM ўқитиш технологияларини тадбиқ этиш.	2		2
6.	Мақтабгача таълим фанларини ўқитишнинг инновацион шакллари, метод ва воситалари. Маъруза турлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Семинар, амалий ва лаборатория машғулотларини ва мустақил таълимни ўтказиш технологияси	2	2	
7.	Маъруза машғулотларини лойиҳалаштириш. Маъруза матнини тузиш Мини маърузалар ўтказиш	2		2
8.	Семинар, амалий, машғулотларини ўтказиш технологияси.	2		2

9.	Мустақил таълимни лойиҳалаштириш ва уни ташкил этиш технологияси. Мақтабгача таълим фанларидан курс иши (лойиҳаси)ни ва битирув малакавий ишларини тайёрлашнинг ташкилий ва илмий-методик таъминоти ва уларни он-лайн ҳимояларини ташкил этиш технологияси.	4		4
10	Ўқув ва малакавий педагогик амалиётни ташкил этиш ва ўтказиш технологияси	2		2
<b>Жами</b>		<b>22</b>	<b>8</b>	<b>14</b>

## НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУН

**1-Мавзу: Мақтабгача таълим фанларини ўқитиш жараёни яхлит тизим сифатида. Мақтабгача таълим туркум фанларини ўқитиш қонуниятлари ва тамойиллари. Мақтабгача таълим педагогикаси фани ўқитувчисининг ўқув-меъерий ҳужжатлари ва методик ишлари, уларни режалаштириш, ташкил этиш ва тайёрлаш методикаси**

Мақтабгача таълим фанларини ўқитиш қонуниятларининг ўзига хосликлари, унинг таълим қонуниятлари билан боғлиқлиги.

Мақтабгача таълим фанларини ўқитиш тамойиллари, таълимнинг тарбиявий хусусияти, илмилик, тизимлилик, кўргазмалилик, тушунарлилик, онглилик ва фаоллик-таълимнинг самарадорлиги ва ишончилиги (мустаҳкамлиги); таълимнинг тушунарлилиги; гуруҳли ва индивидуал таълим бирлиги; таълимнинг ўқувчилар ёши ва индивидуал хусусиятларига мос келиши; оқилона талабчанлик билан бола шахсини ҳурмат қилишнинг мувофиқлиги; педагогик ҳамкорлик, тамойиллари.

Мақтабгача таълим педагогикаси фани ўқитувчисининг ўқув-меъерий ҳужжатлари ва методик ишлари, таълим мазмунининг ўқув режаси, ўқув дастури ва дарсликлар каби меъерий ҳужжатларда ўз ифодасини топиши. Мақтабгача таълим педагогикаси фани ўқитувчисининг ўқув меъерий ҳужжатлари, давлат таълим стандарти ДТС тузилиши ва мазмуни, ўқув режасининг тузилиши, фан дастурига қўйиладиган талаблар, фан бўйича ишчи режанинг тузилиши. Методик ишлар, уларни режалаштириш, ташкил этиш ва тайёрлаш методикаси.

**2-Мавзу: Масофавий таълимни ташкил этиш технологиялари. Таълим жараёнини лойиҳалаштириш ва уни ташкил этиш технологияси**

Масофавий таълимни ташкил этиш технологиялари. Масофавий таълим методлари. Масофавий таълим шакллари. Таълим жараёнини лойиҳалаштириш





ва уни ташкил этиш технологияси

### **3-Мавзу Мақтабгача таълимга кредитъ –модул тизимини жорий этиш. Таълим жараёнига**

Кредитъ-модуль тизимининг аҳамияти. Ўқиш юкламасининг мувозанатли тақсимоти. Фанларни танлаш имконияти. Таълим жараёнига STEAM ўқитиш технологияларини тадбиқ этиш. STEAM ўқитиш технологияларини тадбиқ этиш.

### **4-Мавзу: Мақтабгача таълим фанларини ўқитишнинг инновацион шакллари, метод ва воситалари. Маъруза турлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Семинар, амалий ва лаборатория машғулотларини ва мустақил таълим ва уни ташкил этиш ўтказиш технологияси**

Мақтабгача таълим фанларини ўқитиш мазмунини интеграциялаш. Мақтабгача таълим фанларини ўқитиш метод ва воситалари; Таълим методларининг функциялари, мотивацияли, ривожлантирувчи, таълимий, ташкилий, тарбиявий вазибаларнинг мазмуни: кўргазмали, амалий ва оғзаки методлар. Таълим воситалари техник ҳамда ахборот қурилмалари, лаборатория жиҳозлари ва ҳоказолардан фойдаланилиши.

Маъруза турлари ва уларга қўйиладиган талаблар; маъруза машғулотларига тайёргарлик кўриш. Маъруза машғулотларини ўтказиш методикаси.

Семинар машғулотларини ташкил этиш, семинар машғулотларига тайёргарлик кўриш ва амалий машғулотларни ўтказиш технологияси; лаборатория машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш методикаси. Талабаларни мустақил ишлари учун мавзулар танлаш, талабаларни мустақил ишларига раҳбарлик қилиш, мустақил ишларни расмийлаштириш тартиби, мустақил ишларни қабул қилиш.

## **АМАЛИЙ МАШЎУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-амалий машғулот: Фан дастурлари, ишчи фан дастурларини ва ўқув режаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш.**

Мақтабгача таълим педагогика туркум фанлари ўқув режаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш. Мақтабгача таълим педагогика туркум фан дастурлари ва ишчи фан дастурларини ўрганиш ва таҳлил қилиш. Мақтабгача таълим педагогика фани ўқитувчисининг ўқув-методик хужжатларни режалаштириши, ташкил этиши ва тайёрлаши.

## **2-амалий машғулот: Таълим жараёнига STEAM ўқитиш технологияларини тадбиқ этиш.**

Мактабгача таълим ташкилотларида STEAM ўқитиш технологияларини тадбиқ этиш. Турли фаолиятларда STEAM ўқитиш технологияларини қўлланилиши.

## **3-амалий машғулот: Маъруза машғулотини технологиясини ишлаш. Маъруза матнини тузиш Мини маърузалар ўтказиш.**

Кейс технологиясидан фойдаланган ҳолда мактабгача таълим педагогикасидан машғулотларни ташкил этишни ишлаб чиқиш. Педагогик туркум фанлари билан боғлиқликда кейс топшириқларини ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаб кўрсатиш.

## **4-амалий машғулот: Семинар, Амалий, машғулотларини ўтказиш технологияси.**

Мактабгача таълимпедагогика туркум фанлар бўйича семинарларни тайёрлаш ва ўтказиш. Мактабгача таълим педагогика туркум фанлар бўйича амалий машғулотларини тайёрлаш ва ўтказиш. Мактабгача таълим педагогика туркум фанлар бўйича лаборатория машғулотларини тайёрлаш ва ўтказиш.

## **5-амалий машғулот: Мустақил таълимни лойиҳалаштириш ва уни ташкил этиш технологияси. Мактабгача таълим фанларидан курс иши (лойиҳаси)ни ва битирув малакавий ишларини тайёрлашнинг ташкилий ва илмий-методик таъминоти ва уларни он-лайн ҳимояларини ташкил этиш технологияси.(4соат)**

Мактабгача таълим фанларидан курс иши (лойиҳаси) си учун мавзулар танлаш, мактабгача таълим фанларидан курс иши (лойиҳаси)ни тайёрлаш методикаси Битирув малакавий ишларини мавзуларини танлашга қўйиладиган талаблар, битирув малакавий ишларига қўйиладиган талаблар, битирув малакавий ишларига раҳбарлик қилиш, раҳбар хулосасини тайёрлаш, битирув малакавий ишларига тақриз тайёрлаш, битирув малакавий ишларини баҳолаш.

## **6-амалий машғулот: Ўқув ва малакавий педагогик амалиётни ташкил этиш ва ўтказиш технологияси.**

Ўқув амалиётни ташкил этиш ва ўтказишни технологияси. Амалиёт дастурларини тузиш. Малакавий педагогик амалиётни ташкил этиш ва ўтказиш технологияси.



## ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидадан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

### 1. “ВЕНН ДИАГРАММАСИ” ГРАФИК ОРГАНАЙЗЕРИ (ГО)

Таълим олувчиларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизида мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш) кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади. У кичик гуруҳларни шакллантириш асосида аниқ схема бўйича амалга оширилади.

ГО қуйидаги схема (график тасвир)га эга бўлиб, топшириқ шу схема асосида бажарилади:




График органайзер таълим олувчилар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билим, маълумот ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради. Ундан муайян бўлим ёки боблар бўйича якуний дарсларни ташкил этишда фойдаланиш янада самаралидир.

### 2. “Кейс-стади” технологияси

“Кейс-стади” (инглиз тилида “case” – метод, “study” – муаммоли вазият; вазиятли таҳлил ёки муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш) технологияси таълим олувчиларда аниқ, реал ёки сунъий яратилган муаммоли вазиятни таҳлил қилиш орқали энг мақбул вариантларини топиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. У таълим олувчиларни бевосита ҳар қандай мазмунга эга вазиятни ўрганиш ва таҳлил қилишга ўргатади.


Технологиянинг негизда муайян муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнининг умумий моҳиятини акс эттирувчи элементлар ётади.

Булар қуйидагилардир: таълим шакллари, таълим методлари, таълим воситалари, таълим жараёнини бошқариш усул ва воситалари, муаммони ҳал қилиш юзасидан олиб борилаётган илмий изланишнинг усул ва воситалари, ахборотларни тўплаш, уларни ўрганиш усул ва воситалари, илмий таҳлилнинг усул ва воситалари, ўқитувчи ва таълим олувчи ўртасидаги таълимий алоқанинг усул ва воситалари, ўқув натижалари.

### 3. “Концептуал жадвал” ГО

Таълим олувчиларни ўрганилаётган мавзу (масала ёки муаммо)ни икки ёки ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослашга ўргатади. Ундан фойдаланишда таълим олувчиларнинг мавзу юзасидан мантиқий фикрлаш, маълумотларни тизимли баён қилиш қобилиятлари ривожлантирилади.

Машғулотлар чоғида ГОдан қуйидагича фойдаланилади:



### 4. “Балиқ скелети” ГО

Таълим олувчиларда мавзу юзасидан муайян масала моҳиятини тасвирлаш ва ечиш қобилиятини шакллантиради. Уни қўллашда таълим олувчиларда мантиқий фикрлаш, мавзу моҳиятини ёритувчи таянч тушунча, маълумотларни муайян тизимга келтириш, уларни таҳлил қилиш кўникмалари ривожланади.

### 5. “Инсерт” ГО

Янги мавзу бўйича ўқувчи (таълим олувчи)ларнинг муайян тушунчаларга эғаликларини аниқлаш, уларда матнга нисбатан таҳлилий ёндашиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади.

## 6. “Кластер” ГО

“Кластер” (ғунча, тўплам, боғлам) график организери пухта ўйланган стратегия бўлиб, уни таълим олувчилар билан якка тартибда, гуруҳ асосида ташкил этиладиган машғулотларда қўллаш мумкин. Кластерлар илгари сурилган ғояларни умумлаштириш, улар ўртасидаги алоқаларни топиш имкониятини яратади.

## 7. “Муносабат” методи

Технология таълим олувчиларга улар томонидан мавзу бўйича ўзлаштирилган билимларни эркин баён қилиш, мазмунини ўз фикри, ҳаётий мисоллар ёрдамида ёритилишини таъминлашга хизмат қилади.

Ўқув жараёнида технологиядан фойдаланиш ўрганилаётган муаммо бўйича муайян масалаларни ҳал этиш, маълум жараён (воқелик, ҳодиса)нинг

келиб чиқиш сабаблари, уларни бартараф этиш йўллари топиш асосида таълим олувчиларда мустақил фикрлаш, ижодий изланиш, фикрини исботлаш ва турли вазиятлардан чиқа олиш кўникма, малакаларини ҳосил қилади.

Технология тарбиявий характерга эга бўлиб, таълим олувчиларга ўзларида ижобий фазилатларни кўпроқ шакллантириш, салбий хислатлардан эса воз кечишларида ёрдам беради.

## 8. “Нилуфар гули” ГО

Технология дидактик муаммоларни ечишнинг самарали воситаларидан бўлиб, нилуфар гули кўринишига эга. Асос, унга бириккан тўққизта “гулбарг” (квадрат, тўртбурчак ёки айланалар)ларни ўз ичига оладиган бу метод ёрдамида асосий муаммо ва унинг мазмунини ёритишга имкон берадиган хусусий масалалар ҳал этилади.

## 9. “Режа” методи

Метод таълим олувчилар томонидан муайян бўлим ёки боблар бўйича ўзлаштирилган назарий билимлар асосида педагогик фаолиятни ташкил этишга оид режани ишлаб чиқиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Уни қўллаш таълим олувчилардан ўрганилаётган мавзу мазмунини пухта ўзлаштириш, асосий ғояларни умумлаштириш, маълум тизимга солиш лаёқатига эга бўлишни тақозо этади.

Метод таълим олувчилар фаолиятини жуфтлик, гуруҳ ва жамоа асосида ташкил этиш имконини беради. Уни маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш, волонтерлик ҳаракатларини олиб бориш, педагогик амалиётни ташкил этишда қўллаш янада самарали ҳисобланади.

Одатда режани ишлаб чиқишда педагогик вазият, таълим олувчиларнинг ёш, психологик хусусиятлари, маънавий-маърифий ишнинг йўналиши, мазмуни ҳамда самарадорликка эришиш имкониятига эгаллик инобатга олинади.

### 10. “Т-жадвал” ГО

График органайзер таянч тушунчаларни бир-бири билан ўзаро солиштириш, қиёслаш асосида ўрганилаётган мавзу ёки масаланинг муайян жиҳатини бир неча асосий белгиларга кўра батафсил ёритиш мақсадида қўлланилади. Кўп ҳолларда график органайзер мавзу мазмунида ёритиладиган бир неча ҳолатларнинг афзаллик ёки камчиликларини, самарадорли ёки самарасизлигини, бугунги кун ва истиқбол учун аҳамиятини таққослаш мақсадида қўлланилади.

### 11. “SWOT-таҳлил” стратегияси

Стратегия муаммонинг асосий тўрт жиҳатини ёритишга хизмат қилади. Таълим оловчилар мавзунинг мазмунига мос муаммоларни атрофлича ўрганиш орқали моҳиятини ёритади, уларни келтириб чиқарувчи омилларни излаб, ҳал қилиш имкониятларини топади.

У ёрдамида муаммонинг қуйидаги тўрт жиҳати таҳлил қилинади:




График органайзер таълим оловчиларда ўрганилаётган мавзу юзасидан фикрларни мустақил баён этиш, шахсий мулоҳазаларни далиллаш (мисоллар билан асослаш), баҳслашиш қобилиятини шакллантиришга хизмат қилади.

Таълим оловчиларга қуйидаги схема билан ишлаш тавсия этилади:

№	Тушунчалар	(Ф)	(С)	(М)	(У)
1.	Таълим методлари				
2.	Таълим воситалари				
3.	Таълимни ташхис қилиш				

### 13. “Қарама-қарши муносабат” стратегияси

Стратегия ўз моҳиятига кўра таълим олувчилар томонидан ўзлаштирилган билимларни таҳлил ҳамда синтез қилиш асосида мавзунини ёритишда аҳамиятли бўлган таянч тушунчаларни асосий ва иккинчи даражали сифатида гуруҳларга ажратиш имконини беради.

Таълим олувчилар фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш учун уларнинг эътиборига қуйидаги жадвални тақдим этиш мақсадга мувофиқ:


Таянч тушунчалар			
№	Муҳим тушунчалар	№	Муҳим бўлмаган тушунчалар
1.		1. 2.	

#### 14. “Қарорлар шажараси” (“қарор қабул қилиш”) стратегияси

Стратегия муайян фан асосларига оид бир қадар мураккаб мавзуларни ўзлаштириш, маълум масалаларни ҳар томонлама, пухта таҳлил этиш асосида улар юзасидан муайян хулосаларга келиш, муаммо юзасидан билдирилаётган бир нечта хулоса орасидан энг мақбул ҳамда тўғриси топишга йўналтирилган техник ёндашувдир. У аввалги вазиятларда қабул қилинган қарорларни яна бир бора таҳлил қилиш, уни мукамал тушунишга хизмат қилади.

Таълимда стратегияни қўллаш ўрганилаётган муаммо юзасидан оқилона қарор қабул қилиш (хулосага келиш) учун таълим олувчилар томонидан билдирилаётган ҳар бир вариантни таҳлил қилиш, мақбул ва номақбул жиҳатларини аниқлаш имкониятини яратади.

Унга кўра машғулотларда таълим олувчилар қуйидаги чизма асосида ишлайди (у ёки бу тартибдаги фаолиятни олиб боришда ёзув тахтасидан фойдаланади):





### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

**1-Мавзу: Мактабгача таълим фанларини ўқитиш жараёни яхлит тизим сифатида. Мактабгача таълим туркум фанларини ўқитиш қонуниятлари ва тамойиллари. Мактабгача таълим педагогикаси фани ўқитувчисининг ўқув-меъёрий ҳужжатлари ва методик ишлари, уларни режалаштириш, ташкил этиш ва тайёрлаш технологияси.**

#### Режа:

1. Мактабгача таълим фанларини ўқитиш жараёни яхлит тизим сифатида.
2. Мактабгача таълим туркум фанларини ўқитиш қонуниятлари.
3. Мактабгача таълим туркум фанларини ўқитиш тамойиллари.
4. Ўқув режаси ва ишчи дастурларга қўйиладиган талаблар.
5. Мактабгача таълим йўналиши бўйича фанлардан ўқув-методик комплекслар тайёрлаш.

**Таянч иборалар:** Таълим, яхлит тизим, мактабгача таълим, ўқитиш қонуниятларининг ўзига хосликлари, тамойиллари, таълимнинг тарбиявий хусусияти, илмлик, тизимлик, кўргазмалилик, тушунарлилик, онглилик ва фаоллик- таълимнинг самарадорлиги ва ишончилиги (мустаҳкамлиги); таълимнинг тушунарлилиги; давлат таълим стандарти, ўқув режасининг тузилиши, фан дастурига қўйиладиган талаблар ўқитувчининг ўқув-меъёрий ҳужжатлари ўқув режа, ўқув дастури ва дарсликлар, фан дастурига қўйиладиган талаблар, фан бўйича ишчи режанинг тузилиши. Методик ишлар, уларни режалаштириш, ташкил этиш ва тайёрлаш методикаси.

#### 1.1. Мактабгача педагогика фанларини ўқитиш жараёни яхлит тизим сифатида

**Педагогика** (юнонча *paidagogike* бўлиб, *paída*-«бола» ва *gogike*-«етаклайман») ижтимоий тарбиянинг умумий қонуниятлари, муайян жамиятда ягона ижтимоий мақсадга мувофиқ ёш авлодни тарбиялаш ҳамда унга таълим беришнинг моҳияти ва муаммоларини ўрганадиган фан. Педагогика ижтимоий фанлар тизимига кирувчи фан саналиб, ёш авлод ҳамда катталарни миллий истиқлол ғоялари асосида тарбиялаш, унга таълим бериш муаммоларини ўрганади.

**Мактабгача педагогика-**мактабгача таълим ёшидаги болаларни тарбиялаш, уларни интеллектуал, маънавий-ахлоқий ва жисмоний жиҳатдан камолотга етказиш масалаларини ўрганади

Шунингдек мактабгача ёшдаги болаларга таълим-тарбия бериш ва уларда ахлоқий фазилатларни шакллантириш ва уларни мактаб таълимига тайёрлаш муаммоларини ўрганади.

Мактабгача педагогикафани бола шахсини ривожлантиришнинг икки муҳим жиҳати-унига таълим бериш ва уни тарбиялашга асосий эътиборни қаратади.

Мактабгача педагогика-тарбия жараёни мазмуни, шакл, метод, восита ва усуллари, уни ташкил этиш муаммоларини ўрганади.

Тарбия муайян, аниқ мақсад ҳамда ижтимоий-тарихий тажриба асосида ёш авлодни ҳар томонлама ўстириш, унинг онги, хулқ-атвори ва дунёқарашини таркиб топтириш жараёнидир.

Ижтимоий тарбия ақлий, ахлоқий, жисмоний, меҳнат, эстетик, ҳуқуқий, иқтисодий, экологик ва жинсий тарбия каби йўналишларда ташкил этилади.

**Мактабгача педагогика фанининг вазифалари.** Мактабгача педагогикафани шахсни шакллантиришдек ижтимоий буюртмани бажариш асосида жамият тараққиётини таъминлашга алоҳида ҳисса қўшади. Мактабгача педагогика фани мақсади ва вазифаларининг белгиланишида ижтимоий муносабатлар мазмуни, давлат ва жамият қурилиши, унинг ҳаётида етакчи ўрин тутувчи ғоялар моҳияти муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасида демократик, инсонпарвар ҳамда ҳуқуқий жамиятни барпо этиш шароитида мазкур фан юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрни тарбиялаш тизимини ишлаб чиқиш, миллий истиқлол ғояси асосида таълим ва тарбия бериш жараёнини назариясини ижодий ривожлантириш вазифасини ҳал этади. Мазкур жараёнда қуйидаги вазифаларни бажаришга эътибор қаратилади:

1. Маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи шахсни тарбиялашга йўналтирилган педагогик жараённинг моҳиятини ўрганиш.

2. Шахсни ҳар томонлама камол топтириш қонуниятларини аниқлаш.

3. Ижтимоий тараққиёт даражасидан келиб чиққан ҳолда, ривожланган хорижий мамлакатлар мактабгача таълим тизими тажрибасини ўрганиш асосида мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш.

4. Мактабгача таълим муассасалари ҳамда, уларда фаолият олиб бораётган педагоглар фаолияти мазмунини асослаш.

5. Мактабгача таълимдаги илғор педагогик тажрибаларни умумлаштириш ва амалиётга жорий этиш.

6. Бўлғуси тарбиячларни мактабгача педагогика оид билимлар ҳамда таълим-тарбия бериш усуллари билан қуроллантириш.

7. Мактабгача таълимда таълим-тарбия бирлиги ҳамда ижтимоий тарбия йўналишлари ўртасидаги ўзаро алоқадорликни таъминлашнинг педагогик шарт-шароитларини ўрганиш.

8. Мактабгача таълим муассасаларида таълим ва тарбия бериш жараёнининг самарали технологияларини яратиш.

9. Оила тарбиясини муваффақиятли ташкил этиш юзасидан ота-оналар учун илмий-методик тавсияларни ишлаб чиқиш.

**Мактабгача педагогика фанининг асосий категориялари.** Бизга яхши маълумки, ҳар бир фан ўзининг таянч тушунчалари, қонуниятлари, тамойиллари, қоидалари тизимига эга. Айнан мана шу ҳолат унинг фан сифатида эътироф этилишини кафолатлайди. Фаннинг моҳиятини очиб берувчи энг муҳим, асосий тушунча категория деб аталади. Мактабгача педагогика фанининг асосий категориялари шахс камолотини таъминлаш, таълим ва тарбия самарадорлигига эришишга ҳаратилган жараёнларнинг умумий моҳиятини ёритади. Энг муҳим категориялар сирасига қуйидагилар киради: шахс, тарбия, таълим (ўқитиш, ўқиш), билим, кўникма, малака, маълумот, ривожланиш.

**Шахс** – психологик жиҳатдан тараққий этган, шахсий хусусиятлари ва хатти-ҳаракатлари билан бошқалардан ажралиб турувчи, муайян хулқ-атвор ва дунёқарашга эга бўлган жамият аъзоси.

**Тарбия**-муайян, аниқ мақсад ҳамда ижтимоий-тарихий тажриба асосида ёш авлодни ҳар томонлама ўстириш, унинг онги, хулқ-атвори ва дунё-қарашини таркиб топтириш жараёни.

**Таълим**-мактабгача ёшдаги болаларни назарий билим, амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, уларнинг билиш қобилиятларини ўстириш ва дунёқарашларини шакллантиришга йўналтирилган жараён.

**Билим**-шахснинг онгида тушунчалар, схемалар, маълум образлар кўринишида акс этувчи борлиқ ҳақидаги тизимлаштирилган илмий маълумотлар мажмуи.

**Кўникма**-шахснинг муайян фаолиятни ташкил эта олиш қобилияти.

**Малака**-муайян ҳаракат ёки фаолиятни бажаришнинг автоматлаштирилган шакли.

**Маълумот**-таълим-тарбия натижасида ўзлаштирилган ва тизимлаштирилган билим, ҳосил қилинган кўникма ва малакалар ҳамда таркиб топган дунёқараш мажмуи.

**Ривожланиш**-шахснинг физиологик ва интеллектуал ўсишида намоён бўладиган миқдор ва сифат ўзгаришлар моҳиятини ифода этувчи мураккаб жараён.

### **Мактабгача педагогика фанларини бошқа фанлар билан боғлиқлиги.**

Шахс камолотини таъминлаш, унинг интеллектуал, маънавий-ахлоқий ҳамда жисмоний жиҳатдан ривожланишига эришишда турли ёш даврлари, ҳар бир даврнинг ўзига хос жиҳатлари, шунингдек, боланинг физиологик, психологик ҳолатини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир. Шу боис яхлит педагогик жараён муайян туркумни ташкил этувчи педагогик фанлар томонидан ўрганилади. Улар қуйидагилардир:

1. Ёш физиологияси-мактабгача ёшидаги болаларнинг ёш ва физиологик хусусиятларини ўрганади.

2. Болалар психологияси-мактабгача ёшидаги болаларни психологик хусусиятларини ўрганади

3. Коррекцион (махсус) педагогика-ривожланишида турли психологик ва физиологик нуқсонлари бўлган болаларни тарбиялаш ва ўқитиш билан боғлиқ муаммоларни ўрганади.

Ўз навбатида коррекцион педагогика таркибига махсус педагогика ва психологиянинг турли соҳалари киради. Улар қуйидагилардир:

3.1. Сурдопедагогика ва сурдопсихология-эшитиш қобилияти бузилган болаларни ривожлантириш, ўқитиш ва тарбиялаш масалаларини ўрганади.

3.2. Олигофренопедагогика ва олигофренопсихология-ақли заиф болаларни ривожлантириш, ўқитиш ва тарбиялаш масалаларини ўрганади.

3.3. Тифлопедагогика ва тифлопсихология-кўриш қобилияти бузилган болаларни ривожлантириш, ўқитиш ва тарбиялаш масалаларини ўрганади.

3.4. Логопедия ва нутқий бузилишлар психологияси-нутқи, шунингдек, моторли-ҳаракатланиш доирасида мураккаб нуқсонлари бўлган болалар (кўр, соқов ва қар болалар)ни ривожлантириш, ўқитиш ва тарбиялаш масалаларини ўрганади.

4. Методика – хусусий фанларни ўқитиш хусусиятларини ўрганади.

5. Педагогика тарихи – таълим ва тарбиянинг юзага келиши, тараққий этиши, муайян тарихий даврларда етакчи ўрин эгаллаган педагогик фикрлар тараққиёти масалаларини ўрганади.

6. Педагогик технология–таълим ва тарбия жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш, технологик ёндашув асосида таълим ва тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш муаммоларини ўрганади.

7. Педагогик маҳорат-бўлажак тарбиячиларнинг касбий маҳоратларини ошириш, такомиллаштириш муаммоларини ўрганади.

8. Таълимни бошқариш-таълим муассасаларининг фаолиятини йўлга қўйиш, бошқариш, назорат қилиш ҳамда истиқболларини белгилаш масалаларини ўрганади.

9. Ижтимоий педагогика-ижтимоий муносабатлар жараёнида мактабгача ёшидаги болаларни ижтимоий ҳаёт ва фаолиятга йўналтириш муаммоларини ўрганади.

▪ **Педагогик жараён ва унинг тузилиши.** Педагогик касбининг пайдо бўлишига эътибор қаратилса, шу нарса кўринадики, дастлаб унинг доирасида дифференциаллашув ва интеграциялашув жараёни чегараланган бўлса, кейинчалик очикчасига таълим ва тарбия қарама-қарши қўйила бошлади: ўқитувчи ўқитади, тарбиячи эса тарбиялайди. Лекин XIX асрга келиб, тараққийпарвар педагогларнинг ишларида аргументларни асослашда объектив нуқтаи назардан таълим ва тарбияга бир бутун, яхлит ҳодиса сифатида қарала бошлади. И.Ф. Гербартнинг фикрича, тарбиясиз таълимда восита бор, лекин мақсад йўқ, таълимсиз эса мақсад бор, восита етишмайди.

▪ Немис педагоги А. Дистервег, таълимни тарбиянинг бир қисми сифатида қарайди: “Таълим принциплари бор экан, ҳамиша тарбия принциплари ҳам бўлади, ёки аксинча”.

▪ Педагогик жараённинг ягоналиги ғояси К.Д Ушинский ғояларида чуқур ифодаланган. У педагогик жараённи мактаб фаолиятининг маъмурий, ўқув ва тарбия элементларини бир бутун тизим сифатида тушунди. К. Д. Ушинскийнинг тараққийпарвар ғоялари унинг издошлари: Н.Ф. Бунаков, П.Ф. Лесгафт, К.В Елниский, В.П Бахтеров ва бошқаларнинг ишларида ўз аксини топган.

▪ Педагогик жараён муаммоси билан П.Ф. Каптерев алоҳида шуғулланди. У педагогик жараёнларнинг кўптомонлама ҳам ички, ҳам ташқи жиҳатларини таҳлил қилади ва қуйидаги хулосаларга келди: “Таълим, ўқитиш, ўргатиш, тарбия, панд-насихат, ўғит ва бошқа бир қатор сўзлар турли хусусият, жиҳатлар, восита ва вазиятларни ифодалайди, лекин уларнинг ҳаммаси ягона педагогик жараёндир”.

▪ XX асрнинг 70-йилларида Ю.К. Бабанский, В.С.Ильин, В.М.Коротов, В.В.Краевский, В.Т.Лихачев, Ю.П. Соколников ва бошқалар ягона педагогик жараёнга илмий қизиқиш билан қарашди.

▪ Педагогик жараённинг моҳияти тизимли методологик ёндашув асосидагина замонавий муаллифлар томонидан очиб берилди. У педагогик объектларни тизимлар сифатида қарашни таклиф этади, айнан: таркибий қисмларининг тузилишини, улар орасидаги ўзаро алоқадорликни аниқлаш кабиларни ўзида жамлайди.

▪ **Педагогик жараён**–педагогик фанларнинг энг муҳим, асосий категорияларидан бири.

▪ **Педагогик жараён** тарбиячиларнинг педагогик фаолияти бошқарувчилик роли туфайли фаол ҳаётий фаолият натижасида боланинг ўзини-ўзи ўзгартиришининг мақсадга йўналтирилган мазмундор, ташкилий ҳаракатидир.

▪ У ҳақиқатдан илмий асосланган, ривожлантирувчи ва такомиллашиб боровчи тизим сифатида мавжуд бўлади ҳамда тарбия қонуниятлари, тарбиячиларнинг ижодкорлиги ва таълим олувчиларнинг ёш билан боғлиқ ўзгаришлари динамикасига асосланади.

▪ Педагогик жараён бошқа барча ижтимоий жараёнлар (иқтисодий, сиёсий, ахлоқий, маданий ва бошқалар) билан чамбарчас боғланган. Унинг моҳияти, мазмуни ва йўналганлиги ижтимоий жараёнларнинг ҳолати, ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларининг реал ўзаро ҳаракатига боғлиқ бўлади.

▪ Таълим-тарбия жараёнининг асосий хусусияти-**ягоналик**, ундаги барча муҳим таркибий қисмларни сақлаб қолиш зарурияти.

▪ **Яхлитлик** асосига таълим, тарбия ва ривожланиш бирлигини таъминлаш педагогик жараённинг моҳиятини ташкил этади.

▪ Педагогик жараён-кўплаб жараёнларнинг ички алоқадорлиги йиғиндисидир. Унда ўқитиш, таълим, тарбия, шахснинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнлари **бирлашади**.

▪ Педагогик жараённинг умумийлиги ва бирлиги уни ташкил этувчи барча жараёнларни ягона мақсадга бўйсундиради. Педагогик жараённинг мураккаб ички муносабатлари:

- уни ташкил этувчи жараёнларнинг бирлиги ва мустақиллиги;
- ундаги жараёнларнинг яхлитлиги ва тенг ҳуқуқлилиги;
- умумий мавжудлик ва ўзига хосликни сақлашда намоён бўлади.

▪ Педагогик жараёнга унинг таркибий қисмларининг ўзаро алоқадорликда қонуний жой эгаллаши бирлигини ўзида ифода этувчи ягона тизим сифатида қараш мумкин. **Тузилиш** (структура)–бу таркибий қисм(элемент)ларнинг тизимдаги жойлашувидир. Тизимларнинг тузилиши таркибий қисмларни қабул қилиш мезонларида белгилангани бўйича, бундан ташқари улар орасидаги алоқадорликда ташкил этилади. Педагогик жараённинг ўзи мақсад, вазифа, мазмун, методлар, педагог ва тарбияланувчиларнинг ўзаро ҳаракати шакллари, шу билан бирга эришилган натижалар билан характерланади.

▪ Педагогик жараёнда иштирок этадиган тизим таркибий қисмларига қуйидагилар киради:

- педагог-тарбиячилар;
- тарбияланувчилар;
- тарбиявий шарт-шароитлар.

▪ Жараённинг **аниқ мақсадли таркибий қисми** педагогик фаолиятнинг барча кўп образли мақсад ва вазифаларини: бош мақсад – ҳар томонлама ва баркамол шахсни тарбиялашдан – алоҳида сифатларни шакллантиришнинг аниқ вазифасигача ўз ичига қамраб олади.

▪ **Жараённинг аниқ мақсадли таркибий қисми** педагогик фаолиятнинг барча кўп образли мақсад ва вазифаларини: бош мақсад – ҳар томонлама ва баркамол шахсни тарбиялашдан – алоҳида сифатларни шакллантиришнинг аниқ вазифасигача ўз ичига қамраб олади.

▪ **Мазмунли таркибий қисм** умумий мақсад билан бирга, худди шундай аниқ вазифани қўядиган маънони акс эттиради.

▪ **Фаолиятли таркибий қисм** – жараёни ташкил этиш ва бошқаришда бусиз белгиланган натижаларга эришиш мумкин бўлмаган педагоглар ва тарбияланувчиларнинг ўзаро ҳаракати ва уларнинг ҳамкорлиги. Мазкур таркибий қисм педагогик адабиётларда яна ташкилий ёки ташкилий-бошқарувли деб ҳам номланади.

▪ **Жараённинг натижали таркибий қисми** уни амалга ошириш самарадорлигини акс эттиради, қўйилган мақсад билан боғлиқликда муваффақиятли ўзгаришларга олиб келиш билан характерланади.

## 1.2. Мактабгача таълим туркум фанларини ўқитиш қонуниятлари

▪ **Педагогик жараён қонуниятлари** – бу объектив мавжуд бўлган, такрорланадиган, барқарор ҳодисалар орасидаги маълум алоқадорлик, мазкур жараённинг алоҳида томони.

▪ Қонуниятлар нима ва педагогик жараёнда қандай боғланган, нима билан у боғлиқликда эканлигини кўрсатади.

▪ Педагогик тараққиёт сифатидаги бу қадар мураккаб, катта ва динамик тизимда кўплаб турли тавсифий алоқалар намоён бўлади.

▪ Замонавий педагогикада педагогик жараён қонуниятларнинг ягона таснифи мавжуд эмас. Шу сабабли қуйида мавжуд таснифлардан баъзиларини кўриб ўтамиз.

### ▪ И. П. Подласый таснифи бўйича:

✓ Тарбия ва ижтимоий тизимларнинг алоқадорлиги: аниқ тарихий шароитлардаги тарбия характери жамиятнинг эҳтиёжлари, иқтисодий, миллий-маданий ўзига хосликлари билан аниқланади.

✓ Таълим ва тарбия орасидаги: бу жараёнларнинг ўзаро боғлиқлигини, уларнинг кўптомонлама ўзаро таъсирини, бирлигини белгилаб берувчи алоқадорлик.

✓ Тарбия ва фаолиятнинг алоқадорлиги: тарбиялаш – фаолиятнинг турли турларига тарбияланувчиларни жалб этиш демакдир.

✓ Тарбия ва шахс фаоллигининг алоқадорлиги: агар унинг объекти (шахс) бир пайтнинг ўзида субъекти сифатида акс этса, тарбия муваффақиятли амалга ошади, яъни шахс ўзининг фаол хулқ-атворини, шахсий эркинлигини, мустақиллигини, фаолиятдаги эҳтиёжини намоён этади.

✓ Тарбия ва мулоқотнинг алоқадорлиги: тарбия жараёни ҳар доим одамлар – ўқитувчилар ва таълим олувчиларнинг ўзаро ҳаракатида кечади.

✓ Бола тарбияси мувафаққияти тўғридан-тўғри шахслараро алоқалар-нинг интенсивлиги ва бойлигига боғлиқ бўлади.

✓ Педагогик жараённинг динамик қонунияти-таълим олувчининг кейинги барча мувафаққиятларининг қиммати унинг дастлабки босқичлардаги мувафаққиятига боғлиқ бўлади.

✓ Педагогик жараёнда шахснинг ривожланиши қонунияти – шахс ривожидаражаси ва суръати:

- ирсият;
- тарбия ва ўқув муҳити;
- педагогик таъсир этиш усул ва воситаларининг қўлланишига боғлиқ бўлади.

✓ Ўқув-тарбия жараёнини бошқариш қонунияти–педагогик таъсирнинг самарадорлиги:

- таълим олувчилар ва педагоглар орасидаги қайта алоқаларнинг интенсивлиги;
- таълим олувчиларга кўрсатиладиган коррекцияли таъсирларнинг асосланганлиги ҳамда характери, қимматига боғлиқ бўлади.

✓ Педагогик жараёнда ҳиссиёт, мантиқийлик ва амалиётнинг бирлиги қонунияти –ўқув-тарбия жараёнининг самарадорлиги:

- ҳиссий идрокнинг сифати ва интенсивлиги;
- идрок этилганнинг мантиқий англаниши;
- англанишнинг амалий қўлланилишига боғлиқ бўлади.

✓ Ташқи (педагогик) ва ички (билиш) фаолиятнинг бирлиги қонунияти–педагогик жараённинг самарадорлиги:

- педагогик фаолиятнинг сифати;
- тарбияланувчиларнинг шахсий ўқув-тарбиявий фаолиятининг сифатини шарт қилиб қўяди.

▪ **М. Коджаспиров бўйича:**

✓ Ижтимоий шарт-шароитлар билан шартланганлик қонунияти: таълим ва тарбиянинг ижтимоий эҳтиёжлар ва шароитларга боғлиқлиги.

✓ Инсон табиати билан боғланганлик қонунияти:

- шахсни шакллантиришда мулоқот ва фаолиятнинг ҳал қилувчилик роли;
- таълим ва тарбиянинг таълим олувчиларнинг ёш ва индивидуал ўзига хосликларига боғлиқлиги.

✓ Тарбивий жараён моҳиятининг шартланганлик қонунияти:



- тарбия, ўқитиш, маълумот ва шахс ривожига жараёнларининг ўзаро боғлиқлиги;

- ўқув-тарбиявий жараёнда шахс ва ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро алоқаси.

- М.Коджаспировнинг мазкур таснифи Ю.К.Бабанскийнинг таснифига жуда яқин. Ягона педагогик жараённинг қонуниятлари, айнан академик **Ю.К.Бабанский** томонидан содда ва тушунарли очиқ берилган:

- ✓ Таълим ва тарбия жамиятнинг эҳтиёжлари ва ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларига боғлиқ ҳолда амалга ошади.

- ✓ Тарбия, ўқитиш, маълумот ва ривожланишнинг ўзаро боғлиқлиги қонунияти.

- ✓ Тарбия ва ўзини-ўзи тарбиялашнинг бирлиги қонунияти.

- ✓ Таълим ва тарбия жараёнида мулоқотнинг ҳал қилувчилик роли қонунияти.

- ✓ Педагогик жараёнда таълим олувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш.

- ✓ Педагогик жараёнда жамоа ва шахснинг ўзаро алоқадорлик қонунияти.

- ✓ Педагогик жараён вазифалари, шакллари, методларининг ўзаро алоқадорлик қонунияти.

- Ягона педагогик жараён қонуниятлари сингари тамойиллари масаласида ҳам турли қарашлар мавжуд. Ҳатто баъзи педагоглар уларни қонуният сифатида эътироф этишга мойилдирлар. Бироқ юқорида таъкидлаб ўтилганидек, қонуниятлар объектив, энг муҳим, барқарор, ўзгаришда, шу билан бирга, аниқ шароитлардаги ҳаракатни ифода этади. Педагогик жараён қонуният-ларидан уни самарали ташкил қилишга нисбатан муайян муҳим талаблар келиб чиқадики, буни тамойиллар (принциплар) деб атаймиз.

- Ягона педагогик жараён тамойилларининг ҳам ҳозиргача турли таснифлари адабиётларда ўз аксини топган. Агар уларни синчиклаб ўрганиб чиқилса, таснифларнинг бир-бирига яқинлигини кўриш мумкин. Шу сабабли биз қуйида кўпчилик томонидан тушунарли деб топилган иккита (Ю.К.Бабанский, Б.Т.Лихачев) таснифини беришни маъқул деб топдик.

- **Ягона педагогик жараён тамойилларининг Ю.К.Бабанский бўйича таснифи:**

- ✓ педагогик жараённинг мақсадга йўналтирилганлиги;

- ✓ таълим ва тарбия мазмунининг илмийлиги;

- ✓ таълим олувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш, тушунарлилик;

- ✓ тизимлилик ва кетма-кетлик;

- ✓ онглилик, фаоллик, ташаббускорлик, таълим олувчиларнинг ижодкорлиги;

- ✓ таълим ва тарбиянинг ижтимоий фойдали, ишлаб чиқариш меҳнати билан алоқаси;

- ✓ таълим ва тарбиянинг жамоавий характери;

- ✓ кўргазмалилик;

- ✓ онгли талабчанлик билан биргаликда таълим олувчи шахсини ҳурмат қилиш;

- ✓ таълим ва тарбиянинг қўлай метод, шакл ва воситаларини танлаб олиш;

- ✓ сабабийлик, онглилик ҳамда таълим, тарбия ва ривожланишининг амалий натижалари;

- ✓ тарбияга комплекс ёндашув.

▪ **Б. Т. Лихачев таснифи:**

- ✓ ўқув-тарбия жараёнининг ижтимоий-қадриятли мақсадга йўналганлиги;

- ✓ таълим олувчилар фаолиятининг турли турларининг ўзаро ҳаракатини ташкил этишга комплекс ёндашувни амалга оширилиши;

- ✓ бутун ўқув-тарбиявий ишларнинг ҳаёт билан боғлиқлиги;

- ✓ таълим ва тарбия жараёнида ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантириш, жамоада таълим ва тарбия;

- ✓ таълим олувчиларга талабчанлик ва ҳурматнинг бирлиги;

- ✓ таълим олувчилар ҳаётига раҳбарлик қилишда уларнинг ташаббус-корликларини ҳисобга олиш;

- ✓ барча таълим олувчилар ҳаётини эстетизациялаш;

- ✓ таълим ва тарбиянинг бошқарувчилик роли;

- ✓ таълим олувчиларнинг билиш, меҳнат ва бошқа фаолиятларини рағбатлантиришни ҳисобга олиш, уларда ишга бевосита қизиқиш уйғотиш орқали ахлоқий-иродавий кучини фаоллаштириш;

- ✓ таълим олувчиларда барча турдаги фикрлашни ривожланишини ҳисобга олиш, кетма-кетлик ва тизимлилик;

- ✓ кўргазмалилик;

- ✓ тушунарлилик;

- ✓ сабабийлик.

▪ Умуман олганда, ягона педагогик жараён ва унинг таркибий қисмларининг умумий ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш таълим ва тарбия жараёнининг самарадорлигига хизмат қилади.

Замонавий фанга аниқ қонуниятлар кўплаб сони маълумдир. Улар қаторига қуйидагилар киради:

1. Дидактик қонуниятлар.

2. Гносеологик қонуниятлар.

3. Психологик қонуниятлар.

4. Кибернетик қонуниятлар.

5. Социологик қонуниятлар.
6. Ташкилий қонуниятлар.

### 1.3. Мақтабгача таълим туркум фанларини ўқитиш тамойиллари.

Таълим тамойиллари. Дидактик тамойиллар (дидактика тамойиллари) ўқув жараёнининг умумий мақсадлари ва қонуниятларига кўра ташкил этилувчи таълим жараёнининг ташкилий шакл ва методлари, асосий қоидалари моҳиятини белгиловчи мазмундир. Таълим тамойилларида таълимнинг аниқ, тарихий тажрибага асосланувчи меъёрий асослари (қоидалари) ўз ифодасини топган. Таълим тамойилларини билиш ўқув жараёнини унинг қонуниятлари асосида ташкил этиш, унинг мақсадларини асосли равишда белгилаш ва ўқув материални мазмунини танлаб олиш, мақсадга мувофиқ таълим шакли ва методларини танлаш

Жамиятнинг ижтимоий эҳтиёжига, фан ва ишлаб чиқаришнинг ҳозирги даражасига таяниб, дидактика ўзининг ўрганиш предметини ишлаб чиқади, таълимнинг мақсади (нега ўқитилади), ёш авлодни нимага тайёрланади, таълимнинг мазмуни (нимага ўргатилади), таълимни ташкил этишнинг шакл ва методлари (қандай ўқитиш) ва унинг натижаларини ҳисобга олиш, назорат қилиш.

**Тамойил-раҳбар** ғоя, асосий қоида, фаолиятга, хулққа нисбатан қўйилган асосий талабдир.


**Таълим тамойили**-таълим жараёнига қўйиладиган асосий талабдир.

Таълим тамойиллари ўзида тарихийлик хусусиятини намоён этади. Таълим назарияси ва амалиёти ривожланиб боргани, таълим жараёнининг янги қонуниятлари кашф этилиши билан таълимнинг янги тамойиллари ҳам шаклланади, эски кўринишлари ўзгарди. Бу ишлар бугунги кунда ҳам давом этади. Ўқитиш ва тарбиялаш қонуниятларини акс эттирадиган яхлит педагогик жараённинг умумий тамойилларини келтириб чиқаришга уринишлар кўзга ташланмоқда.

Тамойиллар таълим жараёнининг моҳияти, қоидалар эса унинг алоҳида томонларини акс эттиради.

1. Таълимнинг тарбиявий хусусиятли тамойили.
2. Таълимнинг илмийлиги тамойили.
3. Таълимнинг тизимлилик тамойили.
4. Таълимнинг тушинарлилиги тамойили.
5. Таълимнинг кўргазмалилик тамойили.
6. Таълимнинг онглилиги ва фаоллиги тамойили.
7. Таълимнинг пухталиги тамойили.
8. Таълимни алоҳидалаштириш тамойили.

Таълим тамойилларига куйидагилар киради



**Таълимнинг тарбиявий хусусияти тамойили** Бу тамойил бир қанча йўналишлар бўйича амалга оширилади:

- материал мазмунини Республика ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаёти, мустақил ривожланиш йўлидаги муваффақиятлари, халқнинг меҳнатидаги ютуқлари, ҳозирги замон фани ва техникаси ҳамда маданияти билан боғлаш;
- шахсда маънавий фазилатларни, интизомлиликни, қатиятликни ва меҳнатсеварликни тарбиялаш;
- таълим жараёнида ҳосил бўладиган ҳиссиётлар, кечинмалар ва таассуротларнинг ҳосил бўлиш жараёнини бошқариш;
- ақлий қобилиятларининг ривожлантирилиши ва шакиллантирилишини амалга ошириш.

**Таълимнинг илмийлик тамойили.** Бизни қуршаб турган борлиқни билиш жараёни мураккаб, зиддиятли бўлиши, ҳар-хил босқичларни, шакллар ва турларни ўз ичига олади. Илмий билиш. нарсанинг ташқи тасвиридан унинг ички тузилишини тасвирлашга ўтишидан иборатдир.

Илмийлик тамойили амалга оширишда куйидаги талабларга риоя қилиш лозим.

- Болаларга ўргатилган, берилган ҳар бир илмий тушунча доимий равишда такрорлантирилиб бориши зарур.

- Илмий билиш методларидан фойдаланган ҳолда, болаларда мантиқий тафаккурни ўстириш ва уларни ижодий ишга тайёрлаш.

- Болаларни қидирув-тадқиқот ишларини қўллаб-қувватланг. Уларни энг оддий тажрибаларни ўтказиш асослари билан таништиринг.

**Таълимнинг тизимлилик тамойили** Таълимнинг тизимлилик тамойили болалардаги илмий билимларни мустаҳкам ва чуқур бўлишига асосланади. Болалардаги атроф-муҳат тўғрисидаги билимлар, ўқув материаллари ўқув жараёнида кетма-кетлик асосида чуқурлаштирилиб борилсагина уларда мантиқий фикрлаш ривожланиб боради ва улар ўқув материални осон ўзлаштирадilar.

Бир ҳилдаги билим турли хил методлар, воситалар билан берилиши мумкин. Бунда ўқитувчи тушунтиришнинг энг мақбул методини танлаб олади. Амалий фаолиятга тизимлилик ва кетма-кетлик принципларини тадбиқ.

**Тушунарлилик тамойили** Тушунарлилик тамойили болаларни ёш хусусиятлари қонуниятларига ва болаларни ривожланиш даражаларини таълимий жараёни ташкил этиш ва амалга оширишга мос келишига асосланади.

Болани фикрлаш даражасига, тўплаган билимлари ҳажмига, ўзлаштирган малака ва кўникмаларига мос бўлган билимларгина уларга тушунарли бўлади.

Болалар олган билим, шаклланган кўникма ва малакалар уларнинг ривожланиш даражасини белгиласа, шахсий тажрибаси билан исбот қилиниб, амалиётда қўлланса у билим тушунарли бўлади.

Тушунарлилик тамойили энгилдан-оғирга, аниқдан-ноаниққа, оддийдан-мураккабликка каби қоидаларга риоя қилинади.

Тушунарлилик тамойили амалга оширида қуйидаги талабларга риоя этиш лозим:

-бола ўргатиладиган ва бериладиган билимлар уларни ёш хусусиятларига ва ҳар бир ёшда қабул қилиш имкониятларига мос бўлиши лозим;

-бола онги ва ақли белгиланган предметни ўрганишга тайёрланган бўлиши лозим.

**Таълимнинг кўргазмалилик тамойили.** Кўргазмалилик тамойили-таълим жараёнида жуда кенг қўлланилади.

Таълимнинг кўргазмалилик тамойили амал қилиш, демак бу-кўргазмали курулларга таяниш, болалар ҳиссий билишининг барча жиҳатларига раҳбарлик қилиш ва бошқаришдир.

Мактабгача ёшдаги болалари учун кўргазмали куруллардан фойдаланиш ривожлантирувчи аҳамиятга эгадир. Чунки улар умумлаштириш, таҳлил ва таҳлилдан хулоса чиқариш жараёнининг шаклланишига ёрдам беради.

**Таълимнинг онглилиги ва фаоллиги** тамойили. Бу таълим жараёнида асос қилиб олинган қоида сифатида қуйидаги учта муҳим жиҳатини ўз ичига олади:

- болалар томонидан ўқув материалларининг онгли равишда тушунилиши;
- машғулотларига онгли муносабатда бўлиш;
- билиш фаолиятининг шаклланиши.

Болаларнинг билим олишга онгли муносабатда бўлиши-бу боланинг мтм га, машғулотларга, ўртокларига ўзига бўлган муносабати тушунилади. Онгли муносабатни шакллантириш аввало таълимнинг мазмуни ва таълим бериш методларига боғлиқ. Машғулот қизиқарли бўлсагина бола интилиб туради. Бу ўринда кўп нарса тарбичига, унинг иш услубига, болаларга бўлган муносабатига боғлиқ.

**Ўқитишнинг пухталиги тамойили** Таълим беришнинг муҳим вазифаларидан бири мустақил билим олишга, малака ва кўникмалар таъсир қилишга эришишдан иборатдир.

Билимларни ўзлаштиришнинг пухталиги қуйидаги омилларга боғлиқ:

- тушунтиришнинг илмийлиги ва тизимлилиги,
- тушунишнинг онглилиги,
- болаларнинг билиш фаоллиги,
- ўқиш сабабларига,
- китобларнинг сифатига,
- ўқитувчининг маҳорати ва ҳ.к.заларга.

**Таълимни алоҳидалаштириш тамойили.** Машғулот олиб боришда жамоа ҳолда ўқув фаолияти ташкил қилинади.

Айрим болалар бунда тез ўзлаштириш қобилиятига, айримлари секин ўзлаштириш қобилиятига эгадир. Болаларнинг ёш хусусияти ҳам ўзлаштиришга ижобий ёки салбий таъсир қилади.

Шу сабабларга асосланиб таълим бериш даражалаштирилади (дифференциялаштириш) ва алоҳидалаштирилади (индивидуалаштириш).

Юқорида қайд этилган тамойилларнинг барчаси қамровли тарзда қулланилмайди. Уларнинг ҳар бирига ижодий тарзда ёндашилади.

Таълим тамойилларни қўллашда қуйидаги тавсияларга риоя қилиш керак:

1.Тарбиячи фақат бир таълим тамойилига суянмаслиги керак. Асосан уларнинг тартибига, илмий асосланган мақсад танлашга, методларни белгилашга ва болалар фаолиятини ташкил қилиш воситаларини ажратишга ва ўқув жараёнини ташкил қилишга эътибор бериш лозим.

2. Тарбиячи ҳар бир тамойилни ва уларнинг тартибига, асосий қонунлар ва қонуниятларни ҳаётга татбиқ этувчи, ҳозирги давр таълим концепциясининг негизи деб билиши керак.

3. Тарбиячи педагогик жараённинг ўзаро таъсир этувчи қисмларини билиши ҳамда таълим тамойилини қонуниятларига суянган ва педагогик жараённинг уйғунликда бўлишига эришган ҳолда, қисмларнинг ўзаро таъсирини тартибга солиши керак.

### **Мактабгача таълим педагогикаси туркум фанларини ўқитишга замонавий ёндошувлар.**

Маълумки, давлат ва жамият ривожининг ҳар бир босқичи шахс, жамият ва давлатнинг ижтимоий, иқтисодий, илмий-техникавий, маънавий-маърифий ва маданий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда дидактиканинг тарихий ва мантиқий бирликнинг методологик принципига мувофиқ таълим тизими олдига муайян давлат ва ижтимоий буюртмаларни қўяди.

Таълим жараёнини режалаштириш профессор-ўқитувчилар фаолиятининг асосий жиҳатларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бунда амалга ошириладиган чора-тадбирлар вакуум остида эмас, балки таълим муассасининг шароитидан келиб чиққан ҳолда бажарилади. Профессор-ўқитувчилардан албатта улар фаолият кўрсатадиган таълим муассасаси маданиятини, ташкилотнинг мақсадини ва дунёқарашини, интилишини, кадриятларини ва характерини тушуниши кутилади. Муассасанинг маданияти ва кадриятлари албатта ўқув дастурига таъсир кўрсатади.

Хориждаги олий таълим муассасаларининг кўпчилиги ўзларининг вазифаларини бажаришда талабаларга муассаса мақсадлари ва битирувчи

ўзига хос хислатлари тўғрисида фикрини бериб боради. Мазмунан бу умумий тушунчаларда мазкур университетда таҳсил берилаётган курслар ва дастурлар бўйича талабага кутилаётган натижаларни беради. Ушбу муассаса талаблари албатта махсус фанлар ва фанлараро ўқув дастурларида акс эттирилган ва белгиланган бўлиши лозим.

Масалан, Окленд университетида яхши ҳужжатлаштирилган битирувчи профили мавжуд бўлиб, унда қўйидагилар кўрсатилади:

Окленд университетида бакалавр йўналишида таҳсил олиб битирган талаба юқори даражадаги билимларни эгаллаб, ҳам мутахассис билимларига, ҳам умумий интеллектуал кўникмаларга ва ҳаётий тажрибага эга бўлади ва бу унинг ишга жойлашувида, фуқаролик бурчларини бажаришда, шунингдек давомий таълим олиш ва малакасини оширишда асос бўлиб хизмат қилади.

Битирувчи профили талабанинг таҳсил олишида ҳам муассаса ва ҳам дастур даражасидаги олиниши кутилаётган натижаларни яққол ифодалаб беради. Шу сабабли профиль махсус фанларга асосланган натижалар тавсифлари ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш учун йўриқнома бўлиб ҳисобланади. Профессор-ўқитувчиларнинг факультетлар, мактаблар ва кафедралардаги роли ушбу

мақсадларга эришиш учун ўқув дастурларини, ўқитиш методикасини ва стратегиясини, педагогик ва таълим имкониятларини ишлаб чиқишдан иборат (Маки, 2004). Кўплаб университетлар Битирувчи профилига ёки Битирувчи хислатлари тавсифига эга ёки уларни ишлаб чиқмоқда.

Ўқув дастурини ишлаб чиқишда ўрганиш натижалари ёндашуви ҳали янгилигича қолмоқда, ва кўплаб профессор-ўқитувчилар бошида ушбу ёндашувни ҳам ходимлар, ҳам талабалар учун тушунарли ва мазмунли тавсифлаб беришда қийналишади.<sup>1</sup>

Республикамиз мустақилликка эришгач, таълим ижтимоий соҳадаги устувор йўналиш деб белгиланди, олий таълимни жорий этишнинг методологик ва назарий асоси бўлган “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да олий таълим тизими олдига ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-ҳунар дастурларини онгли равишда танлаган ва кейинчалик пухта ўзлаштирган, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратиш, жамият, давлат ва оила олдидаги ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялаш каби давлат буюртмалари қўйилган.

Жамиятимизда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий, мафкуравий, маънавий-маърифий ўзгаришлар, ҳуқуқий-демократик жамият қуриш тамойиллари ҳисобга олинган ҳолда яратилган “Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” номли рисолада таълим тизими олдида ижтимоий буюртмалар қўйилган.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда мазкур давлат ва ижтимоий буюртмалардан олий таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитишга қўйиладиган мақсад ва вазифалар шакллантирилади.

Мактабгача таълим педагогикаси туркум фанларини ўқитишда ўқитувчи мазкур буюртмаларни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар:

- Мактабгача таълим педагогикаси туркум фанларини ўқитиш жараёнида талаба-ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, маърифий ишларнинг самарали шакллари ва усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- Мактабгача таълим педагогикаси туркум фанлардан ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнида инновацион ва ахборот-коммуникатив технологиялардан фойдаланиш;
- Мактабгача таълим педагогикаси туркум фанларини ўқитишда тайёргарликнинг модуль тизимидан фойдаланган ҳолда ўқитиш жараёнини жадаллаштириш;

<sup>1</sup> A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter IV: Planning teaching and learning Curriculum design and development, Lorraine Stefani, 41-57p.



- халқнинг бой маънавий ва интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида махсус таълимнинг инсонпарварлик йўналишини таъминлаш;

- Мактабгача таълим педагогикаси туркум фанларидан таълим жараёнининг ўқув-методик мажмуалар ва дидактик таъминотнинг янги авлоди силабусни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

- миллий мустақиллик принциплари ва халқнинг бой интеллектуал мероси ҳамда умумбашарий қадриятлар устуворлиги асосида махсус таълимнинг барча даражалари ва бўғинларида талаба-ёшларнинг маънавий ва ахлоқий фазилатларини ривожлантириш;

- Мактабгача таълим педагогикаси туркум фанларини ўқитиш жараёнида талаба-ёшлар онги ва қалбига миллий ғоя ва мафқурани сингдириш, таълим муассасаларида мафқуравий тарбияни бугунги кун даражасига кўтариш;

- Таълим-тарбия жараёнида таълим ва тарбияни узвийлаштириш орқали талабаларнинг баркамоллигини таъминлаш, ҳуқуқий, иқтисодий, экологик ва санитария-гигиеник таълими ҳамда тарбиясини такомиллаштириш;

Бўлажак педагог кадрларнинг мафқура борасидаги билимларини чуқурлаштиришни бажариш лозим.

Мазкур буюртмалар асосида олий таълим муассасаларида мактабгача таълим педагогикаси туркум фанларини ўқитишга замонавий ёндошувлар мавжуд:

1. Мактабгача таълим педагогикаси туркум фанларини ўқитиш жараёнига тизимли ёндошув;

2. Мактабгача таълим педагогикаси туркум фанларини ўқитиш жараёнига модулли ёндошув;

3. Мактабгача таълим педагогикаси туркум фанларини ўқитиш жараёнига инновацион ёндошув;

4. Мактабгача таълим педагогикаси туркум фанларини ўқитиш жараёнига талаба шахсига йўналтирилган ёндошув.

Мазкур ёндошувларга хос хусусиятларни аниқлаш мактабгача таълим педагогикаси туркум фанларини ўқитиш методикасининг долзарб муаммолари саналиб, ҳар бири машғулотлар давомида алоҳида кўриб чиқилади.

Юқорида қайд этилган ёндошувларни муваффақиятли амалга ошириш учун аввало олий таълим тизимида барча ўқув фанлари, хусусан мактабгача таълим педагогикаси туркум фанларидан ташкил этиладиган ўқитиш жараёнини илмий-назарий асослари бўлган ўқитиш принциплари ва қонуниятларини аниқлаш лозим.

**Таълим мазмунини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар.** Илмий педагогик адабиётларда таълим мазмунини шакллантиришнинг қуйидаги уч босқичи кўрсатилади:

1) умумий назарий босқич;

2) ўқув босқичи;

3) ўқув материални ўзлаштириш босқичи, яъни, таълим мазмунининг ўқув режаси, ўқув дастури ва дарсликлар каби меъёрий ҳужжатларда ўз ифодасини топиши.

Ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълими мазмуни давлат таълим стандарти, ўқув режалари мазмунида намоён бўлади.

Ўқув режалари қуйидагилардан иборат: таянч, намунавий ва мактаб ўқув режаси.

Умумий ўрта ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари (академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари) учун таянч ўқув режаси\_давлат таълим стандартининг ташкилий қисми ҳисобланган асосий меъёрий ҳужжат бўлиб, у намунавий ва амалий ўқув режаларини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Таянч ўқув режаси давлат таълим стандарти таркибий қисми сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ўқув режаси–меъёрий ҳужжат ҳисобланиб (таълим муассасаси сертификати) қуйидагиларни белгилайди:

- ўқув йили, чорак (семестр)лар ва таътилларнинг давомийлиги;

- ушбу таълим муассасасида ўрганиладиган ўқув фанлари тартиби;

- ўқиш йиллари бўйича фанларни тақсимлаш;

- ҳар бир фан бўйича яхлит таълим даври ва ҳар бир синф (курс)да фанларни ўрганишга ажратилган соатлар ҳажми;

- ҳар бир фанни ўрганишга ажратилган ҳафталик соатлар ҳажми;

- практикумлар, ишлаб чиқариш ва педагогик амалиётлар ҳамда шу кабиларнинг давомийлиги.

Ўқув режасида, яна шунингдек, аниқ бир ўқув муассаси хусусиятларини акс эттирувчи, ўқувчиларнинг эркин танлови бўйича факультатив ва мажбурий машғулотлар акс эттирилади.

Ўқув дастури-муайян ўқув фани бўйича билим, кўникма ва малакалар мазмуни, умумий вақтни муҳим билимларни ўрганилиши бўйича тақсимлаш, мавзуларнинг кетма-кетлигини белгилаш ҳамда уларнинг ўрганилиш даражасини ёритувчи меъёрий ҳужжат.

Дастурда ўқув материалининг таълимнинг ҳар бир йили ва ҳар бир синф, курс бўйича тақсимланиши тузилиши асослаб берилган. Дастурда кўрсатилган билим, малака ва кўникмаларни ўқувчилар томонидан тўла ўзлаштирилиши

ўқитиш жараёни муваффақиятлилиги ва самаралилиги мезонларидан бири ҳисобланади.

Ўқув дастурлари намунавий, ишчи ва муаллифлик бўлиши мумкин.

Намунавий ўқув дастури у ёки бу таълим соҳасига нисбатан давлат таълим стандартлари талаблари асосида ишлаб чиқилади. Ўқув дастурлари қуйидагилардан иборат бўлади:

- ушбу фанни ўрганиш мақсадлари, ўқувчиларнинг билим ва малакаларига асосий талаблар, ўқитиш тавсия этиладиган шакл ва методлари ҳақидаги тушунтириш хати;

- ўрганилаётган материалнинг тематик мазмуни;

- курснинг алоҳида саволларини ўрганишга ўқитувчи сарфлайдиган тахминий соатлари ҳажми;

- дунёқарашни шакллантирувчи асосий саволлари рўйхати;

- фанлараро ва курслараро боғлиқликни амалга ошириш бўйича кўрсатмалар;

- ўқув ускуналари ва кўргазмали қўлланмалар рўйхати;

- тавсия этиладиган адабиётлар.

Намунавий ўқув дастурлари Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим Вазирликлари томонидан тасдиқланади, тавсиянома хусусиятига эга бўлади. Намунавий дастур асосида мактаб, академик лицей педагогик кенгаши томонидан ишчи ўқув дастурлари ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Намунавий дастурдан фарқли равишда ишчи дастурда регионал компоненти таърифланади, ўқув жараёнини методик, информацион, техник таъминлаш имконияти, ўқувчиларнинг тайёргарлиги даражаси ҳисобга олинади.

Муаллифлик ўқув дастурлари давлат стандарти талабларини ҳисобга олган ҳолда ўқув фанини қурилиши бошқача мантикидан иборат бўлиши, у ёки бу назарияларни ўрганишга муаллифлик ёндашуви, ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнларга нисбатан муаллифлик нуқтаи назарини акс эттириши лозим. Бундай дастурлар ушбу фан соҳасида педагог, психолог, методистларнинг ташқи рецензияларига эга бўлиши керак ва улар мавжуд бўлганида мактаб, академик лицей ҳамда касб-хунар коллежларининг Педагогик Кенгаши томонидан тасдиқланади. Муаллифлик ўқув дастурлари ўқувчиларнинг эркин танлови бўйича (мажбурий ва факультатив) курслар ташкил этишда кенг фойдаланилади.

Ўқув фани таълим муассасаларида ўқувчиларнинг ёш, идрок этиш имкониятларига мувофиқ уларга муайян фан соҳаси бўйича умумий ёки мутахассислик билимларини бериш, кўникма ва малакаларни шакллантиришни таъминловчи манбадир.

Ўқув фанининг мазмуни ҳар бир педагог томонидан ихтиёрий белгиланмайди, балки ижтимоий ҳодиса сифатида таълимнинг тарихий

ривожланиши давомида ишлаб чиқилади. Ўрта мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежи ўқув фанларини илмий билимнинг умумий тузилишига мос равишда шакллантириш керак деб ҳисобловчи нуқтаи назар энг кенг тарқалган ва тан олинган ҳисобланади.

Таълим мазмуни ва ўқув дастурлари ўқув адабиётларида лойиҳалаштирилади. Бундай адабиётлар сирасига дарсликлар ва ўқув қўлланмалари киради.

Ўқув адабиётлари орасида дарслик алоҳида ўрин тутати. Дарслик муайян ўқув фани бўйича таълим мақсади, ўқув дастури ва дидактик талабларга мувофиқ белгиланган илмий билимлари тўғрисидаги маълумотларни берувчи манба бўлиб, у мазмуни ва тузилишига кўра фан бўйича яратилган ўқув дастурига мос келади. Намунавий ўқув дастурлари асосида яратилган дарсликлар мақсадга мувофиқ ҳолда Республика Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим Вазирликлари томонидан барча мактаблар, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари учун тавсия этилади. Ғоявий ва методик жиҳатдан мукамал бўлган дарслик таълим мазмунига қўйиладиган барча талабларга жавоб бера олиши, ўқувчилар учун қизиқарли, иложи борича қисқа, тушунарли, кўргазмалилик нуқати назаридан эстетик хусусиятга эга бўлиши керак.

Дарслик бир вақтнинг ўзида ҳам барқарор, ҳам қулай таркибий тузилмага эга бўлиши керак. Дарслик барқарорлигига кўра мустаҳкам асосга эга, мобиллигига кўра эга асосий тузилмага даҳл этмаган ҳолда янги билимларни тезликда киритиш имкониятини намоён этади. Уларга қўйиладиган талаблар турли-туман ва қарама-қарши бўлиб, мукамал дарсликларнинг етишмовчилиги доимо ҳис этилади. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда муқобил, параллел дарсликлар нашр этилади, шу сабабли ўқитувчилар ва ўқувчилар улар орасидан энг яхшиларини танлаб олиш имкониятига эгалар.

Дарслик ўқувчиларнинг таълим жараёнида, онгли равишда ва фаол иштирок этишлари, ўқув материални тўла ўзлаштиришларини таъминлаши керак. Ана шу масалаларни ҳал этиш йўлида дарсликлар қуйидаги вазифаларни бажаради:

1) мотивацион вазифа-бу вазифа ўқувчиларни ушбу фанни ўрганишга йўналтирадиган, уларда ишга позитив муносабати ва қизиқишини шакллантирувчи рағбат (сабаб)ларни ҳосил қилишдан иборат;

2) ахборот вазифаси ўқувчиларга ахборотларни етказиш, самарали усуллар ёрдамида уларнинг билимлари ҳажмини кенгайтиришга имкон беради;

3) назорат-тузатиш (машқ қилиш) вазифаси-таълим жараёни, унинг натижаларини текшириш, ўқувчиларда ўзини баҳолаш ва тузатиш лаёқати ҳамда зарур бўлган кўникма, малакаларни шакллантириш учун ўрганиш машқларини тавсия этишни назарда тутати.

4) мувофиқлаштириш вазифаси материал устида ишлаш жараёнида таълимнинг бошқа воситалари (хариталар, кўргазмали материаллар, диапозитив ва бошқалар)ни жалб этишни ифодалайди;

5) ривожлантирувчи –тарбияловчи вазифаси дарслик мазмунининг ўқувчиларга маънавий-ахлоқий таъсир кўрсатиши, китоблар билан ишлаш жараёнида улардан меҳнатсеварлик, фаол фикрлаш, ижодий қобилият каби сифатларни шакллантиришдан иборат;

б) ўқитиш вазифаси дарслик билан ишлашда мустақил билим олиш учун зарур бўлган конспект ёзиш, умумлаштириш, асосийсини ажратиб кўрсатиш, мантиқий эслаб қолиш каби малака ва кўникмаларни ривожлантиришга ёрдам беришида кўзга ташланади.

Таълим мазмуни ўқув материали даражасида дарсликлар билан бир қаторда турли хил ўқув қўлланмалари: адабиёт ва тарих хрестоматиялари, справочниклар, математика, физика, химия бўйича масалалар тўпламлари, география, биология бўйича атласлар, тил бўйича машқлар тўпламлари ва бошқаларда очиб берилади. Ўқув қўлланмалари дарсликнинг баъзи томонларини кенгайтиради ва аниқ масалаларни ҳал этиш мақсадига эга бўлади (ахборот, машқ қилиш, текшириш).

### ДТС тузилиши ва мазмуни

**Давлат таълим стандартларининг мазмуни.** Давлат таълим стандарти умумий ўрта таълим, касб-ҳунар таълими ҳамда олий таълим учун алоҳида-алоҳида ишлаб чиқарилди.

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ўқувчилар умумтаълим тайёргарлиги савиясига қўйиладиган мажбурий минимал даражани белгилаб берди. Ўз навбатида касб-ҳунар таълими, давлат таълим стандарти ўқувчилар касб-ҳунар тайёргарлигига, савиясига қўядиган (олий таълим ДТС талаблар мутахассислик тайёргарлигига, савиясига қўйиладиган) мажбурий минимал даражани белгилайди.

ДТС (давлат таълим стандарти) таълим мазмуни шакллари воситалари, усуллари ва уларнинг сифатини баҳолаш тартибини белгилайди. Таълим мазмунининг ўзаги ҳисобланган стандарт воситасида, мамлакат ҳудудида фаолият кўрсатаётган турли таълим муассасаларида (давлат ва нодавлат) таълимнинг барқарор даражасини таъминлаш шарти амалга оширилади. ДТС ўз моҳиятига кўра ўқув дастурлари, дарсликлар, қўлланмалар, низомлар ўқув режаси ва бошқа маъёрий ҳужжатларни яратиш учу насос бўлиб хизмат қилади.

Умумий ўрта (касб-ҳунар ва олий) таълимнинг ДТС ўзининг тузилиши ва мазмунига кўра давлат, ҳудуд таълим муассасалари манфаатлари ва воситалари мувозанатини акс эттиради ҳамда энг муҳими ўқувчи шахси, унинг интилишлари қобилияти ва қизиқишлари устуворлигидан келиб чиқади.

**Давлат таълим стандарти.** Таълим мазмунининг ривожланишида кўзга ташланаётган замонавий тенденцияларидан бири уни стандартлаштириш (давлат миқёсида ягона қоидалар ва талаблар ўрнатилиши) ҳисобланади. Стандартлаштиришда қуйидаги икки омил муҳим аҳамиятга эга:

1) турли таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёшларнинг умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар билимлар ҳажмининг бир хиллик даражасини таъминловчи мамлакатда ягона педагогик муҳитни яратиш зарурлиги;

2) Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти тизимига кириши натижасида халқаро таълим амалиётида умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими мазмунини ривожланиши тенденцияларининг ҳисобга олиниши.

Давлат таълим стандарти:

1) таълим олиш шаклидан қатъий назар битирувчилар эришишлари керак бўлган таълим даражасини белгиловчи асосий ҳужжат;

2) ўқув фани бўйича якуний таълимнинг якуний натижаларини белгиловчи асосий ҳужжат;

3) таълим дастурлари мазмунининг минимуми, ўқувчилар томонидан бажариладиган ўқув ишларининг максимал ҳажми, шунингдек, битирувчиларнинг тайёргарлик даражаларига қўйилувчи талабларни белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни билан бир қаторда таълим стандарти асосий меъёрий ҳужжат ҳисобланади. «Стандарт» инглиз тилидан таржима қилинганда «меъёр», «намуна», «андоза», «модел» маъноларини англатади. Стандарт ёрдамида, республика миқёсидаги турли таълим муассасаларида таълимнинг барқарорлик даражасини таъминлашга эришилади, ўқув ишлари нормативлари мослаштирилади, ўқувчиларнинг билимларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилади. Ўқувчи давлат томонидан белгиланган таълим стандарти билан чекланишлари мумкин, ёки билимларни янада чуқурроқ эгаллаб олиш мақсадида мустақил шуғулланиш имкониятига эга. Унинг учун қийин бўлган ёки қизиқарли бўлмаган фанни ўрганишда ўқувчига стандартга киритилган норматив минимум билан чекланиш имконияти берилади.

Ушбу ҳолатда, ўқувчи ўзига мос келадиган таълим йўлини англаган ҳолда ва мустақил танлаб, ўз қизиқишлари, истаги, қобилиятлари ва интилишларини амалга оширишга имкониятга эга бўлади. Шакли ва мазмуни бўйича тушунарли ифода этилган стандарт талаблари олдиндан ўқувчиларга ва уларнинг оналарига етказилади.

Таълимни стандартлаштириш дунёнинг ривожланган мамлакатларида, мукамал равишда ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш, таълимнинг маълум даражасини белгилаш билан амалга оширилади. Аммо “стандарт”

термини ўзи таълимга нисбатан яқин даврлардан қўлланила бошланган. Давлат таълим стандартлари таълим сифатини оширишга имкон беради. Улар таълим мазмуни минимал ҳажмини қайд этиш ва таълим даражасининг қуйи чегарасини белгилаб беради.

Таълим стандартини киритишдан аввал бундай мажбурий қоидалар мавжуд эмас эди. Ўзлаштиришнинг аниқ белгиланган чегаралари йўқлиги XX асрнинг 80-йилларида кўпчилик битирувчиларининг ҳақиқий билим даражалари жуда паст бўлишига олиб келди.

Давлат таълим стандартларини яратиш бўйича ишлар Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни (1992 йил) қабул қилингандан кейин бошланди. Мазкур ҳужжатнинг 6-бандида жаҳон таълими амалиёти меъёрларига мос келувчи давлат таълим стандартларини яратиш зарурлиги таъкидлаб ўтилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг IX сессиясида (1997 йил) Ўзбекистон Республикасининг янги таҳриридаги “Таълим тўғрисида”ги Қонуни қабул қилингандан сўнг таълим дастурлари янги авлоди яратилди. Жаҳон амалиёти тажрибаси асосида яратилган таълим стандартлари ҳар бир фан бўйича ўзлаштирилиши зарур бўлган билимларнинг минимал даражасини белгилашга имкон берди.

Давлат таълим стандартлари таркибий тузилишига кўра қуйидагилардан иборатдир:

1. Таълимнинг янги ёки аниқлаштирилган мақсадлари, фаннинг ўрганиш объектлари ва асосий мазмунли йўналишлари кўзда тутилган ўқув фанининг умумий таърифи.

2. Ўқув фанининг мазмуни, таянч (инвариант) даражасини тасвирлаш.

3. Таълимнинг мажбурий натижаларини ифодалаш, яъни ўқувчиларнинг ўқув тайёргарликлари зарур бўлган минимал даражасига талаблар.

4. Билим, кўникма ва малакаларга қўйилувчи талаблар, бу уларнинг мажбурий тайёргарликлари даражасининг “ўлчамидир”, яъни, текшириш ишлари, тестлар ва алоҳида топшириқларни бажаришларига қараб ўқувчилар томонидан талабларнинг мажбурий даражасига эришилганлиги ҳақида фикр юритиш мумкин бўлади.

ДТСни, унинг талабларини бажариш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунитдан қатъи назар барча таълим муассасалари учун мажбурийдир.

Умумий ўрта (касб-хунар ва олий) таълимнинг ДТС қуйидаги тамойилларига таянган ҳолда ишлаб чиқилади:

- ДТС ни давлат ва жамият талаблари ва шахс эҳтиёжига мослиги;

- ўқув дастурлари мазмунининг жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ҳамда фан-техника ривожланиши билан боғлиқлиги;

- умумий ўрта (касб-ҳунар ва олий) таълимнинг бошқа таълим турлари ва босқичлари билан узлуксизлиги ва таълим мазмунининг узвийлиги;
- умумий ўрта (касб-ҳунар ва олий) таълим мазмунининг инсонпарварлиги;
- таълим мазмунининг республикадаги барча ҳудудлардаги бирлиги ва яхлитлиги;
- умумий ўрта (касб-ҳунар ва олий) таълимнинг мазмуни, шакли, воситалари ва усуллари танлашда инновация (илғор) технология ютуқларига таяниш;
- педагогик тафаккурда қарор топган анъанавий қарашлар билан «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» мазмунида ифодаланган замонавий талабларнинг узвийлиги;
- илғор демократик хорижий мамлакатларнинг таълим соҳасида меъёрларни белгилаш тажрибаларида миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш.

ДТС нинг таркибий қисми сифатида умумий ўрта (касб-ҳунар ва олий) таълим муассасалари учун таянч ўқув режаси ишлаб чиқилади. Таянч ўқув режа таълим соҳаларини меъёрлаш ҳамда таълим муассасаларини молиявий таъминотини белгилашга асос бўлувчи давлат ҳужжати саналади. Таянч ўқув режаси ўқув предметлари бўйича бериладиган таълим мазмунини ўқувчига етказиш учун ажратилган ўқув соатларининг манимум ҳажмидаги миқдорини белгилайди. Мазкур ҳужжат муайян синфда маълум ўқув предмети бўйича давлат таълим стандартларига мувофиқ бериладиган таълим мазмунини аниқлашга асос бўлади.

Ҳар бир синф якунида ўқувчилар томонидан эгалланиши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар таълим (ўқув) предметлари бўйича ишлаб чиқилган ўқув режаси ва дастурларида ўз ифодасини топади.

#### **4. Ўқув режаси ва ишчи дастурларга қўйиладиган талаблар.**

Олий таълимнинг ўқув-меъерий ҳужжатларига ўқув режаси, ўқув дастури ва дарсликлар киради.

Ўқув режалари қуйидагилардан иборат: таянч, намунавий ва ишчи ўқув режаси.

Таянч ўқув режаси давлат таълим стандартининг ташкилий қисми ҳисобланган асосий меъерий ҳужжат бўлиб, у намунавий ва амалий ўқув режаларини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Таянч ўқув режаси давлат таълим стандарти таркибий қисми сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Намунавий ўқув режа таянч ўқув режаси асосида тузилади ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги томонидан тасдиқланади. Бу режа узоқ муддатга мўлжаллаб тузилади ва унинг асосида мавжуд шароитларни ҳисобга олиб ишчи ўқув режалари ишлаб чиқилади.



Ўқув режаси-меъёрий ҳужжат ҳисобланиб (таълим муассасаси сертификати) қуйидагиларни белгилайди:

- ўқув йили, семестрлар ва таътилларнинг давомийлиги;
- ушбу таълим муассасасида ўрганиладиган ўқув фанлари тартиби;
- ўқиш йиллари бўйича фанларни тақсимлаш;
- ҳар бир фан бўйича яхлит таълим даври ва ҳар бир курсда фанларни ўрганишга ажратилган соатлар ҳажми;
- ҳар бир фанни ўрганишга ажратилган ҳафталик соатлар ҳажми;
- практикумлар, ишлаб чиқариш ва педагогик амалиётлар ҳамда шу кабиларнинг давомийлиги.

Ўқув дастури-муайян ўқув фани бўйича билим, кўникма ва малакалар мазмуни, умумий вақтни муҳим билимларни ўрганилиши бўйича тақсимлаш, мавзуларнинг кетма-кетлигини белгилаш ҳамда уларнинг ўрганилиш даражасини ёритувчи меъёрий ҳужжат.

Ўқув дастурлари намунавий, ишчи ва муаллифлик бўлиши мумкин.

Намунавий ўқув дастури у ёки бу таълим соҳасига нисбатан давлат таълим стандартлари талаблари асосида ишлаб чиқилади. Ўқув дастурлари қуйидагилардан иборат бўлади:

- ушбу фанни ўрганиш мақсадлари, ўқувчиларнинг билим ва малакаларига асосий талаблар, ўқитиш тавсия этиладиган шакл ва методлари ҳақидаги тушунтириш хати;
- ўрганилаётган материалнинг тематик мазмуни;
- курснинг алоҳида саволларини ўрганишга ўқитувчи сарфлайдиган тахминий соатлари ҳажми;
- дунёқарашни шакллантирувчи асосий саволлари рўйхати;
- фанлараро ва курслараро боғлиқликни амалга ошириш бўйича кўрсатмалар;
- ўқув ускуналари ва кўргазмали қўлланмалар рўйхати;
- тавсия этиладиган адабиётлар.

**Муаллифлик ўқув дастурлари** давлат стандарти талабларини ҳисобга олган ҳолда ўқув фанини қурилиши бошқача мантиқидан иборат бўлиши, у ёки бу назарияларни ўрганишга муаллифлик ёндашуви, ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнларга нисбатан муаллифлик нуқтаи назарини акс эттириши лозим. Муаллифлик ўқув дастурлари ўқувчиларнинг эркин танлови бўйича (мажбурий ва факультатив) курслар ташкил этишда кенг фойдаланилади.

Таълим мазмуни ва ўқув дастурлари ўқув адабиётларида лойиҳалаштирилади. Бундай адабиётлар сирасига **дарсликлар ва ўқув қўлланмалари** киради.

Намунавий ўқув дастурлари Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги томонидан тасдиқланади, тавсиянома хусусиятига эга бўлади. Намунавий дастур асосида мактаб, олий таълим муассасаси томонидан ишчи ўқув дастурлари ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Намунавий дастурдан фарқли равишда ишчи дастурда регионал компоненти таърифланади, ўқув жараёни-ни методик, инфорацион, техник таъминлаш имконияти, ўқувчиларнинг тайёргарлиги даражаси ҳисобга олинади.

Ўқув режаси – барча таълим муассасаларида сўзсиз амал қилиниши лозим бўлган давлат ҳужжатидир Таълим муассасалари учун мўлжалланган ўқув режаси ишлаб чиқилади ва тегишли вазирлик томонидан тасдиқланади (Республика халқ таълими ёки олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан). Ўқув режаси таълим муассасаси маъмуриятиг аюборилади ҳамда мазкур режа асосида ўқув жадвали тузилади. Ўқув жадвалида ҳафта давомида ўқитиладиган ўқув предметларининг номи ва уларга ажратилган соатлар миқдори кўрсатилиб, ўқув юрти директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Алоҳида аниқ бир фаннинг ўқув режаси шу фанни ўқитиш учун ажратилган соатлар ва ўқув йилининг тузилишини белгилаб берувчи давлат ҳужжатидир.

Ўқув режасини тузишда қуйидаги омилларга асосланади:

Ўқув тарбия ишининг мақсади, талабаларга аниқ илмий билим бериш, олган билимларини кўникмага айлантириб, уни ҳаётга қўллай олишга ўргатиш.

Ўқув дастури ҳам худди ўқув режаси муҳим давлат ҳужжати бўлиб, унда муайян ўқув предметифаннинг мазмуни очиб берилади ва ўқув йили давомида ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар ҳажми кўрсатилади.

Ўқув дастурлари тегишли таълим (умумий ўрта, касб-ҳунар ёки олий таълим) туридаги барча таълим муассасалари учун ягона, унинг талаблари тўла равишда бажарилиши мажбурийдир.

Дастур тушунтириш хати, бўлим ва мавзулар бўйича ажратилган соатлар ҳажми, дастур материали мазмуни ҳамда тавсия этиладиган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлади.

Тушунтириш хатида ўқув предметининг аҳамияти, унинг фанлар тизимида тутган ўрни, улар ўртасидаги алоқадорлик, материални ўрганиш жараёнида ҳал этилиши лозим айрим бўлим ва мавзуларни ўрганиш хусусиятлари кўрсатилади. Ўқитиш (таълим) методлари ва воситаларини қўллашга доир тавсиялар берилади.

Соатлар ҳисобини асосли ўринларда ўзгартирилишига йўл қуйилади.

Дастур материали бўлимлар ва мавзулар бўйича тақсимланган бўлиб, ҳар бир мавзунини ўрганиш учун ўзлаштириши мажбурий бўлган тушунчалар

тизимини, шунингдек, кўникма ва малакаларнинг аниқ кўрсаткичи берилади, ниҳоят, ўқувчиларга қўйиладиган якуний талаблар баён этилади.

Дастурдаги материал таълим ва тарбия мақсадлари, дидактик тамойиллар узвийлик ва изчилликка мувофиқ равишда танланади ва тақсимланади.

Ўқув дастурлари қуйидаги тамойиллар асосида тузилади:

1. Дастур мазмунининг илмий хусусиятга эгаллиги.

2. Дастур мазмунининг ижтимоий-ғоявий хусусиятга эгаллиги.

3. Назарий ғояларнинг амалиёт билан бирлиги.

4. Дастур мазмунининг ижобий-тарихий хусусиятга эгаллиги ва аниқ бир ғояга асосланганлиги.

5. Дастур мазмунининг муайян тизимга эга бўлиши.

6. Ўқув предметлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, боғланишнинг мавжудлиги.

7. Дастурни тайёрлашда ўқувчиларнинг психологик ва руҳий хусусиятларини инобатга олиш.

Ўқув режаси ва дастури таълим муассасаси маъмурияти, ўқувчилар жамоаларининг

### **5. Мактабгача таълим йўналиши бўйича фанлардан ўқув-методик комплекслар тайёрлаш.**

Мактабгача педагогика туркум фанлари ўқитувчиси ўқув-меъёрий хужжатлар асосида ўзи ўқитадиган фани бўйича ўқув-методик комплекс яратади. Ўқув-методик комплекс тушунчаси турли тадқиқотчилар томонидан турлича талқин этилган бўлиб, бу тушунчаларнинг моҳиятини тўлароқ англаш учун улар томонидан ўқув-методик комплексга берилган баъзи таърифларни келтириб ўтамиз.

Е.Пичугина ўзининг тадқиқот ишларида қуйидагича таъриф беради: “**Ўқув-методик комплекс** – бу фаннинг ўқув мақсад ва вазифаларини тўлиқ ва самарали жорий этиш учун мўлжалланган ўқув дасутрлари, дарслик ва ўқув қўлланмалар, дидактик материаллар ва ўқитувчи учун методик кўрсатмалар мажмуидир”.

Ю.К.Бабанский **ўқув-методик комплексни** замонавий таълимда ўқув-тарбия масалаларини ечишга қаратилган ўзаро органик боғланган ўқув-методик қўлланмалар тўплами деб таърифлайди.

Бугунги кунда ўқув-методик комплексларида қуйидагилар бўлиши шарт қилиб қўйилган:

- ўқув ва ишчи дастурлар,

- таквим-мавзуй режа,

- маъруза, семинар ва амалий машғулотлар ҳамда мустақил таълимнинг

технологик модели ва технологик харитаси,

- маъруза матнлари,
- семинар, амалий ва лаборатория машғулоти ишланмалари,
- мустақил таълим топшириқлари,
- асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхати,
- презентациялар,
- назорат ва баҳолаш учун топшириқлар,
- силлабус,
- фанни ўқитишга доир ташкилий кўрсатмалар

Ўқув-методик комплексларни **ишлаб чиқиш вазифалари**:

1. Ўқув-методик таъминотни тайёрлаш.

2. Ишлаб чиқариш, фан, техника ва иш берувчиларнинг талабларини инобатга олган ҳолда фан мазмунини тизимлаштириш.

3. Сифатли мутахассисларни тайёрлашни таъминловчи ўқув-методик ва бошқа материаллар билан ўқув жараёнини таъминлаш.

4. Таълим жараёнига фаол усул ва инновацион педагогик технологияларни жорий этиш.

5. Талабаларнинг мустақил ишларини ва уларнинг билимларини назорат қилишни тўғри ташкиллаштириш ва режалаштириш.

6. Электрон дарслик, ўқув методик қўлланмаларни ишлаб чиқиш учун ўқув методик материаллар ишлаб чиқиш.

7. Ўқув жараёнини сифатини тизимли назорат қилиш имкониятини яратиш.

Ўқув-методик комплекслар:

- талабалар томонидан ўқув материални мустақил ўзлаштиришни;
- талабалар билимини назорат қилишни;
- барча турдаги машғулотларни ташкиллаштириш бўйича методик

таъминотни;

- қўшимча ахборот таъминотни **таъминлаши керак**.

Ўқув жараёнида ўқув-методик комплекслар:

- ўқув материални ўзлаштиришда талабаларга амалий ва методик ёрдам бериш;

- фан бўйича ўқув жараёнини ташкиллаштиришда ва ўтказишда ўқитувчиларга методик ёрдам кўрсатиш;

- ўқув жараёнини методик таъминотини такомиллаштиришда, уни баҳолаш ва режалаштиришга асос **учун зарур**

**Силлабус** (лат. *Syllabus Errorum* - «иккиланишлар рўйхати») - 1864 йилда Рим черкови томонидан ишлаб чиқилган муҳокама қилинадиган таълимот ва тамойиллар рўйхати. Қадимда мазкур атама (лат. *syllabus* – каталог) Рим черкови томонидан папа томонидан ишлаб чиқилган қонунларни кодификациялаш учун қўлланилган.

**Силлабус** –ўқитиладиган фаннинг манбаларини, унинг қисқача мазмунини, мавзуси ва ҳар бир машғулотнинг давомийлигини, мустақил таълим топшириқларини, маслаҳат берадиган вақтни, ўқитувчининг талабларини, баҳолаш мезонларини, оралиқ назорат жадвалини ва адабиётлар рўйхатини кўрсатиб берадиган ўқув дастури.

**Силлабуснинг таркибий қисмлари:**

1. Профессор-ўқитувчи ҳақида маълумот.
2. Мурожаат учун маълумотнома.
3. Пререквизитлар (Prerequisite).
4. Постреквизитлар (Postrequisite) .
5. Фаннинг қисқача тавсифи.
6. Фаннинг мақсади ва вазифалари.
7. Фанни ўрганишга қўйиладиган талаблар.
8. Таквим-мавзуий режа.
9. Маъруза ва амалий машғулотлар режаси.
10. Талабаларнинг мустақил ишларини ўтказиш (консультация) режаси.
11. Мустақил ишларни бажариш ва топшириш жадвали.
12. Курс иши мавзулари банки.
13. Асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхати.
14. Талабанинг ўқув ишлари натижаларини назорат қилишга доир саволлар.
15. Талабаларнинг билимини баҳолаш тизими.
16. Талабанинг рейтингини белгилаш шкаласи.
17. Якуний баҳолаш тартиби.
18. Талабанинг ўқув натижаларининг рейтинг-балли ва анъанавий баҳолаш тизими.

Силлабусда нафақат талаба ўзлаштириши зарур бўлган фанлар, имкони борича аниқ мавзулар, билим ва кўникмалар рўйхати келтирилиши керак.

Талабаларга ўқув фанини мустақил фаолиятда ўрганиш ва билимлар сифатини доимий ўзи текширишини ташкиллаштиришда ёрдам бериш учун мўлжалланган.

**Сўз боши. (ЎУМ)** бу қисмида, берилган ўқув фанини ўрганишга киришишида ўқитувчини талабага мурожаати, (ЎУМ) тузилиши ва унинг мазмунига қисқача тавсифи берилади.

**I Бўлим. Ўқув фанига кириш.** Қуйидаги ўқув маълумотли материаллардан иборат:

- 1) ўқув фанини ўрганишнинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари;
- 2) Мутахассислик бўйича талабалар томонидан фан мазмунини муҳим ўзлаштириш даражасига давлат таълим стандартларининг талаблари.

3) Фаннинг ўқув дастури: ўқув вақтининг умумий ҳажми ва уни мавзулар ва иш турлари бўйича тақсимланиши кўрсатилади, ўқув фанининг мавзувий мазмуни изчилликда баён этилади.

4) Фан бўйича назорат шакли ва рейтинг баҳолаш.

5) Асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхати.

6) Фан бўйича билмиларни якуний текшириш саволлари.

**II Бўлим. Ўқув фани бўйича режа-топшириқ ва ўқув-методик материаллар тўплами.** Берилган ўқув машғулоти тўғрисида маълумотни, жумладан кўзланаётган ўқув натижалар, мустақил иш учун топшириқлар; уларни бажаришни таъминловчи ўқув материал ва методик тавсиялар; ўқув ютуқларини ўзи текшириши учун тест, топшириқ ва саволлардан иборат. Талабани ўқув машғулотида мустақил тайёрланишида ва ўқув жараёни вақтида унинг мустақил фаолиятини ташкилий-дидактик таъминлаш вазифасини бажаради. Ўқув ютуқларини доимий ўзи назорат қилишини таъминлайди.

**Фан бўйича глоссарий** - асосий тоифа ва атамалар луғати.

**Ўқув фани бўйича талабани ўқув натижаларининг ютуқлар варағи-** талаба томонидан рейтинг балларни тўпланиши тўғрисида тезкор маълумотларни олишни таъминлайди.

**Ўқув фани бўйича талабага мўлжалланган ўқув-методик комплексни (ЎУМ) ишлаб чиқишнинг йўл ва воситалари**

Талабанинг ЎУМ қуйидагилардан келиб чиқиб ишлаб чиқилиши керак:

1) ўқув маълумотининг мақсади, тузилиши, мазмуни ва ҳажми,

2) талабага ДТС томонидан белгиланган, берилган шароитда ва ўқув режасида белгиланган вақтда таълим мақсадларига эришишни кафолатловчи фан бўйича таълим технологияси.

Ўқув фани бўйича талабалар мустақил фаолиятини ташкиллаштириш учун ЎУМ тузилиши ва мазмунли кўрсаткичлари:

1. Режа - топшириқ - ҳар бир ўқув машғулоти учун тузилади. Жадвал кўринишида бажарилиб, қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

1.1. Мавзунинг номи, ўқув машғулоти шакли ва тури.

1.2. Ўқув машғулотининг тузилиши олиб бориш режаси.

1.3. Ўқув машғулоти мақсади.

1.4. Талабанинг ўқув фаолияти натижалари-таълим бериш натижасида талаба бажариши лозим бўлган ҳаракатлар. Улар аниқ ва феълларда (...айтади, ...санаб беради, ... таснифлайди ва ҳ.к) ифодаланиб, олинган натижаларни бир хил маънода ва ҳаққоний баҳолаш, уларни белгиланган мақсадга мос келишини аниқлаш имконини беради.

1.5. Мустақил тайёргарлик учун топшириқ. Улар қисқа маслаҳат ва уларни бажариш бўйича тавсияномалардан иборат бўлган-айтиб беришлар билан берилиши мумкин.

1.6. Назорат шакли: Кузатув, ўқув топшириқларини бажариш, савол-жавоб шакли, тест ва бошқ.

1.7. Ўқув фан бўйича талаба олиши мумкин бўлган, энг юқори балл. Ўқув фан бўйича талаба олиши мумкин бўлган, ҳақиқий балл.

2. Ўқув-методик материаллар ўқув машғулоти мақсади ва мазмунидан ташқари, таълим бериш технологиясига мувофиқ куйидагиларни ўз ичига олади:

2.1. Ўқув материаллар: маърузанинг қисқа (таянч) чизма ва жадвал кўринишидаги ёзмалари.

2.2. Ўқув гуруҳи учун топшириқ, уларни бажаришнинг кўрсаткич ва баҳолаш мезонлари.

2.3. Талабалар ўқув иш жараёнида амал қилишлари лозим бўлган ахборот берувчи материаллар: (ақлий хужум, гуруҳларда ишлаш) қоидаси; (эссе, реферат ёзишга) талаблар; (кейс ва бошқ.) материаллар.

2.4. Ўзини текшириш учун топшириқлар (тест, савол, топшириқ ва машқлар).

Жорий педагогик назоратни ва талаба томонидан кўзланаётган таълимий мақсадларга эришиш даражасини доимий ўзи баҳолашни таъминлайди. Оралиқ ва якуний назоратнинг савол ва топшириқларни ўз ичига олади.

Ўқув-методик материаллар ҳажми чегараланмайди. Лекин улар катта ҳажмли, яхши тузилмага келтирилган ва графикли рамсийлаштирилган бўлиши керак.

### **Назорат саволлари**

1. Мақтабгача таълим педагогикаси фани ўқитувчисининг ўқув-меъерий ҳужжатлари.

2. ДТС тузилиши ва мазмуни.

3. Ўқуврежаси ва ишчи дастурларга қўйиладиган талаблар.

4. Мақтабгача таълим йўналиши бўйича фанлардан ўқув-методик комплекслар тайёрлаш.

5. Таълим мазмунини белгиловчи меъерий ҳужжатлар.

6. Ўқув дастурига қўйиладиган талаблар.

7. Намунавий ўқув дастурининг мазмуни.

8. Давлат таълим стандартлари таркибий тузилиши.

9. Муаллифлик ўқув дастурлари.

1. Мақтабгача таълим фанларини ўқитиш жараёни яхлит тизимни ифодалаб беринг.

2. Мақтабгача таълим туркум фанларини ўқитиш қонуниятларини айтиб беринг.
3. Таълимнинг тизимлилик тамойилини айтиб беринг.
4. Таълимнинг тушинарлилиги тамойили изоҳлаб беринг.
5. Таълимнинг кўргазмалилик тамойили изоҳлаб беринг.
6. Таълимнинг онглилиги ва фаоллиги тамойилини айтиб беринг.
7. Таълимнинг пухталиги тамойили изоҳлаб беринг.
8. Таълимни алоҳидалаштириш тамойили изоҳлаб беринг.

### **Фойдаланиш учун адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12 июнь 2015 йилдаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732 фармони.
4. Н.Н.Джамилова ва О.Хасанбоева Педагогика фанини ўқитиш методикаси.Т.: “Ўзбекистон”. 2008 й. Методик қўлланма
5. Сайидахмедов Н. Педагогик маҳорат ва педагогик технология.- Тошкент: Олий педагогика институти, 2003.
6. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. – Тошкент: Фан, 2006.
- 7.Дьяченко В.К. Новая дидактика. – М., 2001.
- 8.Жукова Е.Д. Технология организации и реализации самостоятельной работы студентов : рабочая тетр. – Уфа : Изд-во БГПУ, 2004.
- 9.Зуфаров Ш. Педагогик инноватика. – Т.: “Фан ва технологиялар” нашриёти, 2012.
- 10.Муслимов Н.А., Қўйсинов О.А. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш-да мустақил таълимни ташкил этиш. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ. Методик қўлланма. 2006.
- 11.Педагогика.// М.Тохтаходжаеванинг умумий таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Файласуфлари Миллий жамияти, 2010.
- 12.Юзликаева Э., Ахмедова М., Қурбонова Г., Ташметова Ш., Хушназа-рова М. Умумий педагогика назарияси ва амалиёти. – Т.: ТДПУ, 2013.
- 13.Юзликаева Э., Мадьярова С., Янбарисова Э., Морхова И.В., Маркендуди М.А. Теория и практика общей педагогики. – Т.: ТГПУ, 2013.



## **2-Мавзу: Масофавий таълимни ташкил этиш технологиялари. Таълим жараёнини лойиҳалаштириш ва уни ташкил этиш технологияси.**

**Режа:**

**1.Масофавий таълим методлари**

**2.Масофавий таълим шакллари**

### **1.Масофавий таълим методлари**

Масофавий таълим (лотинча “дистанция” – масофадан фойдаланиш) ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги тўғридан-тўғри, шахсий алоқасиз “масофадан ўқитиш” имконини яратиб берувчи замонавий ахборот ва телекоммуникация технологиялардан фойдаланиш бўлиб, унга кўра таълим жараёни янги ахборот технологиялари, мультимедиа тизими ёрдамида ташкил этилади. У ўқув фанлари бўйича ўзлаштириш самарадорлигини таъминлаш; идрок этиш қобилиятини ривожлантириш каби имкониятларга эга. Компьютер таълими масофавий таълимнинг ўзига хос тури саналади.

Масофавий таълим методи ўз таркибига бирқанча таълим шаклларини олади. Улардан айримларини кўриб чиқамиз.

### **2.Масофавий таълим шакллари**

Интернет конференциялар – таълим методи

Интернет конференциялар – бу муайян муаммони ҳал қилаётган гуруҳ иштирокчиларининг Интернет тармоғи орқали конференцт алоқаси ёрдамида ўзаро ахборот алмашилиши жараёнидир.

Табиийки, бу технологиядан фойдаланиш ҳуқуқига шахслар доираси чекланган бўлади. Адабиётларда телеконференция атамасини кўп учратиш мумкин.

Телеконференция ўз ичига конференцияларнинг **уч турини:**

**-аудио** конференциялар

**-видео** конференциялар

**-компьютер конференция.**

Компьютер конференцияси иштирокчилари сони аудио ва видеоконференциялар иштирокчилари сонидан анча кўп бўлиши мумкин.

#### **Аудиоконференциялар**

Улар ташкилот ёки фирманинг ҳудудий жихатдан узоқда жойлашган ходимлари ёки бўлинмалари ўртасида коммуникациялари сақлаб туриш учун

аудиоалоқадан фойдаланади. Иккитадан кўп иштирокчи сўзлашувда қатнашишини таъминлайдиган қўшимча қурилмалар билан жиҳозланган тельефон алоқаси тизими аудиоконференцияларни ўтказиш учун қўлланиладиган энг оддий техника воситаси ҳисобланади. Аудиоконференцияларни ташкил этиш компьютер бўлишини талаб этмайди, фақатгина унинг иштирокчилари ўртасида икки томонлама аудиоалоқадан фойдаланишни кўзда тутади. Аудиоконференциялардан фойдаланиш қарорлар қабул қилиш жараёнини энгиллаштиради, у арзон ҳам қулай.

### **Видеоконференциялар**

Видеоконференциялар ҳам аудиоконференциялар қандай мақсадларга мўлжалланган бўлса, шундай мақсадларга мўлжалланган, лекин бунда видеоаппаратура қўлланилади. Видеоконференция – бу шундай компьютер технологиясики, у орқали фойдаланувчи шахслар бир-бирларини реал вақтда кўради, эшитади ва маълумотлар билан алмашади. Видеоконференцияни ўтказиш компьютер ва мониторлар бўлишини талаб этади.

Масофадан туриб мулоқотнинг видеоконференция шакли 1964 йилда АТ&Т компанияси томонидан ишлаб чиқилган . Видеопҳоне (реал вақтда овоз ва тасвирни алмашиш) қурилмасидан бошланади. Бу қурилма ёрдамида иштирокчиларнинг масофадан бир- бирларини реал вақтда кўриб турган ҳолда мулоқотларини ташкил қилинган.

Видеоконференция жараёнида бир-биридан анча узоқ масофада бўлган унинг иштирокчилари экранда ўзларини ва бошқа иштирокчиларни кўриб турадилар. Телевизион тасвир билан бир вақтда овоз ҳам эшитилиб туради. Масофадан видеоконференция тизими – матнли ахборотлар алмашиш, файллар алмашиш имконини беради. Шуниси билан видеоконференция шаклида масофадан туриб интерфаол ўқитиш тизими Интернет ёки локал тармоқ орқали ўқитишдан ҳамда радио ёки телевидение орқали маъруза ўқишдан фарқ қилади. Видеоконференцияда ташқи электрон доскадан фойдаланилганда ўқитувчи доскага ёзади ва уни видеоконференция алоқаси кўмагида бошқа аудитория тингловчиларига кўрсатилади.

Электрон доскадан масофадан ўқитиш тизими фойдаланувчилари бир хил фойдаланишлари мумкин, яъни бир доскага чизилган расм бошқа аудиториядаги доскаларда ҳам кўрсатилади. Дарс олиб бориш жараёнида видеокамера автомат тарзда маъруза ўқиётган профессор, талаба ёки савол берувчи томонга бурилади.

### **Видеоконференция ўтказиш учун асосан иккита шартни бажариш лозим:**

а) видеоконференцияни амалга ошириш учун зарур бўлган компьютер (техник) қурилмалари;

б) видеоконференцияни ўтказиш талабига жавоб берувчи алоқа каналларидан фойдаланган ҳолда мулоқотга чиқувчилар билан боғланиш.

Видеоконференциялар транспорт ва хизмат сафари ҳаражатларини анча қисқартириш имконини беради. Бунда узоқда жойлашган таълим олувчиларда таълимни ўзлаштириш самарадорлиги ошади.

### **ФОРУМЛАР – ТАЪЛИМ МЕТОДИ**

**Форум тушунчаси.** Интернет тармоғида форумлар веб-сайт кўринишида бўлади ва Веб-форум деб аталади. Веб-форум – веб-сайт ташриф буюрувчиларининг ўзаро мулоқотини ташкил этиш учун мўлжалланган веб-сайт саҳифалари ва ускуналари мажмуи. Қисқача айтганда, форум бу веб-сайтнинг ташриф буюрувчилари мулоқот ўрнатадиган майдончаси. Бунда ихтиёрий фойдаланувчи форум веб-сайтига ташриф буюриб, ўзини қизиқтирган мавзунини ўртага ташлаши ва веб-сайтнинг бошқа ташриф буюрувчилари билан муҳокама қилишлари мумкин.

Форум мулоқотнинг яна бир оддий тури бўлиб, бу мулоқотда ихтиёрий вақтда ихтиёрий жойдан қатнашиш ҳам мумкин. Форумни ўтказишда бирор мавзу танланади ва у муҳокамага қўйилади. Қатнашувчилар музокара жараёни билан танишиб, ўз фикрларини жўнатишлари мумкин. Бу усулда сиз муҳокамада қатнашаётганларни кўрмайсиз, фақатгина уларнинг фикрлари билан танишиб чиқишингиз мумкин. Форумда турли-туман мавзулар муҳокама қилинади. Бунда сиз бирор мавзунини танлаб, уларнинг муҳокамасида иштирок этишингиз мумкин.

#### **Миллий ва халқаро интернет форумлари.**

Интернет форумлари алоҳида ённалишларга ихтисослашган ёки умумий бўлиши мумкин. Ихтисослашган Интернет форумларига медицина, дастурлаш технологиялари, дизайн ва мода, компьютер ўйинлари ва транспорт воситаларига бағишланган форумлар мисол бўлади.

Ихтисослашган форумларда фақатгина мўлжалланган соҳага оид мавзулар муҳокама қилинади, умумий форумларда эса, ихтиёрий мавзунини ўртага ташлаш мумкин.

#### **Халқаро форумлар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:**

○ **Medicinform.ru** форуми — ушбу форум тиббиёт соҳасига ихтисослашган бўлиб, у орқали касалликлар ва уларни даволаш, дори воситалари ва уларни тўғри қўллаш ҳамда тиббиёт бўйича юридик маслаҳат олиш мумкин.

○ **Progz.ru** форуми – ушбу форум дастурлаш технологияларидан фойдаланиш, компьютер дастурий воситаларини ишлаб чиқиш ва дастурлаш билан боғлиқ юзага келган муаммоларни муҳокама қилишга мўлжалланган.

○ **Avtomobili.ru** форуми – ушбу форум автомобиль ишқибозлари форуми бўлиб, унда автомобиллар брендлари, маркалари ва турлари ҳамда уларни

таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш мумкин.

○ **Stopforum.ru** форуми – бу компьютер ўйинлари форумидир. Бунда ўйинларнинг турлари, уларни ўйнаш сирлари ва юзага келган муаммолар муҳокама қилинади.

○ **WildDesign.ru** форуми — бу форумда дизайн, мода ва тасвирий санъат ихлосмандлари ва ижодкорлари фикр алмашишади. Бундан ташқари ижодкорлар асарларидан бахраманд бўлиш мумкин.

○ **Uforum.uz** – миллий форуми. Уforum.uz миллий форум ҳисобланиб, у Республикамизнинг ахборот технологиялари, таълим, маданият, молия, соғлиқни сақлаш соҳаларида ҳамда давлат сектори ва электрон ҳукумат тузилмасида рўй бераётган масалалар муҳокамасини ўз ичига олади.

### **ВЕБИНАР МЕТОДИ**

Вебинар методи – замонавий ахборот-коммуникация технологиялари (компьютер, монитор, мультимедиа ва шу каби воситалар) ёрдамида турли жойлардаги иштирокчилар билан масофадан туриб ўтказиладиган интерфаол машғулот тури. Вебинар методи ёки “Webinar” технология тушунчаси мулоқотга 1998 йилда кириб келди.

Вебинар методида дарс масофавий семинар ёки конференция шаклида Интернет орқали бир вақтда ҳозир бўлган талабалар билан масофавий таълим тизимида қўлланаётган кўплаб интерфаол аудио видео алоқа воситалари ёрдамида жонли олиб борилади. Бу дарсларни келгусида керак даражада фойдаланиш учун ёзиб олиш мумкин. Бу методда олиб бориладиган бутун ўқув ёки курс жараёнидаги дарслар ягона ўқув дастуридаги изчилликда ўзаро узвий боғланмайди, улар алоҳида-алоҳида бир марталик дарслардан иборат бўлади.

### **3-Мавзу Мактабгача таълимга кредит –модул тизимини жорий этиш.**

**Таълим жараёнига STEAM ўқитиш технологияларини тадбиқ этиш.**

#### **Режа:**

- 1.Кредит-модуль тизимининг аҳамияти**
- 2. Ўқиш юкламасининг мувозанатли тақсимоли**
- 3. Фанларни танлаш имконияти**
- 4.Таълим жараёнига STEAM ўқитиш технологияларини тадбиқ этиш**

#### **1.Кредит-модуль тизимининг аҳамияти**

Олий таълим муассасалари (ОТМ) ўзининг ҳар бир бакалавр ёки магистратура дастурлари бўйича каталоглар (китобчалар) ишлаб чиқиб, ундан сиз ўқиш давомида қайси фанларни ўрганишингиз мумкинлиги, ушбу фанларни

кимлар ўқитиши, дастур давомида сиз мутахассис сифатида қандай билим, кўникма ва маҳоратларга эга бўлишингиз ҳақида батафсил маълумот олишингиз мумкин бўлиб, шундан сўнг ўқув йили бошланса-я! Бу хусусиятлар мамлакатимиз олий таълим тизимига ҳам аста-секинлик билан кириб келмоқда ва бу тизимнинг номи — **таълимнинг «кредит-модуль» тизими.**

Ўзбекистон Республикаси президентнинг 2019 йил 8 октябрдаги фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси»га кўра, мамлакатдаги ОТМларнинг 85 фоизи 2030 йилгача босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтиши режалаштирилган. Масалан, келаётган 2020-21 ўқув йилининг ўзида мамлакатимиздаги 33дан ортиқ йирик ОТМлар кредит-модуль тизимига ўтиши кутилмоқда. Мазкур ОТМларда асосан ECTS кредит-модуль тизими жорий этилиши кўзда тутилган.


### **Таълимнинг кредит-модуль тизими ўзи нима?**

Бизга маълумки, ҳаётда кўп нарсаларни ўлчов бирлиги мавжуд. Масалан, вақт ўлчов бирлиги — сония, соат, узунлик ўлчови — метр, оғирлик — килограмм, суюқлик — литр, электр кучланиши ўлчови — ампер. Савол туғилади: таълимнинг, хусусан олий таълимнинг ҳам ўлчов бирлиги борми? Сиз «ҳа, бор, олий таълимнинг ўлчов бирликлари бу бакалавр, магистр ва доктор» деб айтасиз. Лекин булар таълимнинг ўлчов бирликлари эмас, балки унинг даражалари ҳисобланади.

**Кредит-модуль тизими авваламбор мамлакатимиз олий таълим тизимига таълимнинг амалдагидан кўра анча мукамал ўлчов бирлигини олиб киради.**

Унга кўра, университетда ўтиладиган ҳар бир фан эндиликда ундаги ўқиш юкламаси миқдорига қараб, **кредитларда** акс этади. Масалан, ҳар бир фан ўртача 5, 6 ёки 7,5 кредитларда акс этиши мумкин. Талаба эса ҳар семестр, ўқув йилида муайян миқдорда кредитлар тўплаб бориши мумкин ва бу миқдорга қараб, унга бакалавр ёки магистр даражаси берилади.

ECTS кредит-модуль тизимида бир йиллик кредитлар миқдори 60ни ташкил этади. Бир ўқув йили 2 семестрдан иборатлигини ҳисобга олсак, талаба ўқиши давомида ҳар семестрда 30 кредит тўплаб бориши керак бўлади. Бакалавр дастури одатда 4 йиллиги ҳисобга олинса, талаба ушбу даражани қўлга киритиш учун жами 240 кредит, магистратура дастурини тугаллаш учун эса 120 кредит тўплаши талаб этилади.



Кредитлар шунчаки рақамлар эмас. Ҳар бир кредит талаба бажариши керак бўлган маълум миқдордаги ўқиш юкласини билдиради. ECTS кредит-модуль тизимида 1 кредит ўртача 25-30 соатлик ўқиш юкласини англатади. Бу дегани, агар фан 6 кредитли фан бўлса, талаба ушбу фан бўйича белгиланган миқдордаги кредитларни қўлга киритиш учун семестр давомида 150-180 соатлик ўқиш юкласини бажариши керак бўлади ( $25 \cdot 6 = 150$ ;  $30 \cdot 6 = 180$ ).



Шундай экан, кредит-модуль тизимини жорий этган ОТМларда талабалар ҳар бир фан учун белгиланган кредитлар миқдорига қараб, ўқиш ҳали бошланмасданок ҳар бир фанни ўқиш ва ўрганишга қанча вақт сарфлашлари кераклигини билиб оладилар. Бу ҳам таълимда шаффофликнинг бир

кўринишидир. 1 кредит ўқиш юкламаси (25-30 соат оралиғида) айнан неча соат бўлишини одатда ҳар бир ОТМ ўзининг ички қоидаларида белгилайди.

Шуни таъкидлаш керакки, 1 кредит учун белгиланган 25-30 соатлик ўқиш юкламаси бу фанни ўрганиш учун сарфланадиган жами ҳаракатлар жамланмаси бўлиб, унга нафақат дарс вақти, балки талабанинг фанни ўрганиш учун уйда ва кутубхонада сарфлаган вақти, имтиҳонлар вақти, қўйингки талаба ушбу фанни ўзлаштириш учун сарфлаган барча тизимли ҳаракатлари вақтини қамраб олади.

Шунда талабада ушбу умумий ўқиш юкламасининг айнан қанча қисми дарсга, аудитория соатларига тўғри келади деган савол туғилиши мумкин. Кредит-модуль тизими амалиётида аудитория ва мустақил ўқиш соатлари нисбати ўртача 40/60 фоизни ташкил этади. Бу нисбат, бошқача қилиб айтганда, 1/1.5га тўғри келади, яъни талаба муайян фан бўйича белгиланган ҳар бир соат дарс учун дарсдан ташқари бир ярим соат мустақил ўқиши, тайёрланиши керак бўлади.

Бунда ОТМ 1 кредит учун 30 соатлик ўқиш юкламаси белгилаган бўлса, ундан 12 соати ( $30 \cdot 40\% = 12$ ) аудитория соатлари, 18 соати ( $30 \cdot 60\% = 18$ ) эса талабанинг мустақил ўқиш соатларига тўғри келади. Ушбу тақсимот асосида 6 кредитлик фан ўқиш юкламасини аниқлайдиган бўлсак, талаба ушбу фан бўйича белгиланган кредитларни қўлга киритиш учун семестр давомида 72 соат ( $(30 \cdot 6) \cdot 40\% = 72$ ) аудитория дарсларини, 108 соат ( $(30 \cdot 6) \cdot 60\% = 108$ ) уйда ва кутубхонада мустақил ўқиш юкламасини бажариши керак бўлади.



**6 Кредит = 180 соат ўқиш юкламаси**  
 (40% аудитория соатлар / 60% мустақил ўқиш соатлар)

Юқоридаги қоидалардан шуни тушуниш мумкинки, ECTS кредит-модуль тизимида талабанинг билим олиш вақти тушунчаси дарс вақти тушунчаси билан чекланиб қолмасдан, талаба ўқиш учун сарфлаган умумий вақт билан ўлчанади. Унда билимнинг манбайи фақат ўқитувчи ёки аудитория эмаслигига ишора қилинади. Қисқача айтганда, кредит-модуль тизимида ўқиш вақти тушунчасига ўқитувчи нуқтайи назаридан эмас, балки талаба нуқтайи назаридан ёндашилади.

Талабанинг ўқиш юкламасининг бу тарзда тақсимланиши талаба таълим олиш жараёнида масъулиятни маълум даражада ўз елкасига олиши, фан бўйича дарсда ва дарсдан ташқарида мунтазам равишда ўқиб бориши кераклигини ҳам билдиради.

Эслатиб ўтамиз, 1 соат аудитория вақти учун талаба 1,5 соат уйда ва кутубхонада ўқиши зарур. Лекин бу жараён кўп жиҳатдан ўқитувчининг масъулиятига ҳам боғлиқ. Чунки талабалар ўз вақтларидан самарали фойдаланишлари учун уларга дарсдан ташқарида ўқиш учун қизиқарли материаллар ва топшириқлар бериб бориш ўқитувчининг вазифасидир.

Шунинг учун кредит-модуль тизимига ўтиш ўқитувчиларнинг иш юкламаларини ҳам қайта кўриб чиқишни, уларнинг иш юкламалари улар ўқитадиган фан кредитларидан келиб чиққан ҳолда белгиланишини тақозо этади. Амалдаги тизимда эса ўқитувчилар иш юкламаси фақат аудитория соатларига боғлаб қўйилган. Талабанинг ўқиш юкламаси бу тарзда — аудитория ва мустақил ўқиш соатларига ажратилиши ОТМлар кутубхоналарида шароитларни яхшилаш, сифатли ўқув қўлланмалари кўламини янада кенгайтиришни ҳам тақозо этади.

Буларнинг барчаси ECTS кредит-модуль тизимининг миқдорий тушунчалари ва ишлаш механизми ҳақидаги асосий қоидалар эди. Энди қуйида кредит-модуль тизими бизга нималарни беради, деган саволга аниқ мисоллар билан жавоб беришга уриниб кўрамыз.

## **2. Ўқиш юкламасининг мувозанатли тақсимоти**

Юқорида таъкидлаганимиздек, ECTS кредит-модуль тизимида талаба ҳар бир ўқув йили учун тўплаб бориши керак бўлган кредитлар миқдори олдиндан белгилаб қўйилган. Бу 60 кредитни ташкил қилади. Ҳар бир семестр учун белгиланган кредитлар миқдори эса 30 кредитни ташкил қилади. Бундан ташқари, талаба ҳар бир кредитни қўлга киритиш учун белгиланган ўқиш юкламаси миқдори ҳам аниқ ва бу 25-30 соат оралиғида. Шундай экан, талабаларнинг ҳар ўқув йилидаги ўқиш юкламаси ўртача 1500-1800 соат ( $60 \cdot 25 = 1500$ ;  $60 \cdot 30 = 1800$ ), ҳар семестрдаги ўқиш юкламаси эса ўртача 750-900 соатни ташкил этади ( $30 \cdot 25 = 750$ ;  $30 \cdot 30 = 900$ ). Талабанинг бир йиллик ва бир



семестрдаги ўқиш юкламаси бу миқдордан кўп ҳам, кам ҳам бўлиши мумкин эмас.

Шундай экан, талабаларнинг бир ўқув йили ёки бир семестр давомидаги ўқиш юкламаси ECTS кредит-модуль тизимида фаолият юритадиган барча университетларда деярли бир хил бўлади. Бу бирхиллик ўқув дастурларига барқарорлик ва мувозанат олиб киради. Эндиликда ОТМлар талабаларга бир семестрда 7та фан, иккинчи семестрда эса 10та фанни ўқишга мажбурлаши қийинлашади. Амалдаги тизимда эса бундай барқарорлик ва мувозанатга кафолат йўқ эди. Шунинг учун талабалар бир семестр давомида баъзида 7та, баъзида 8та, ва яна бошқа семестрда эса 10 фанни ўқишларига тўғри келяпти.

Ҳозирда аксарият маҳаллий университетларда талабалар бир семестр давомида одатда 8-10тагача фанни ўқишига тўғри келмоқда. Аслида 8-10 фанни 4 ой ичида ҳар томонлама ўрганиш — муаммоли масала. Мамлакатимиздаги амалдаги олий таълим стандартлари тўғрисидаги қоидаларда ҳам ОТМлар талабаларга ҳафтасига 36 соатгача аудитория машғулотлари белгилаши мумкинлиги қайд этилган. Бу 5 кунлик ўқув ҳафтасида кунига 7 академик соатни англатади. Бундай ҳолатда аксар талаба фанларни том маънода ўрганиш ўрнига кунини шунчаки дарсдан дарсга, хонадан хонага югуриб ўтказди. Қолаверса, шунча вақтни аудиторияда ўтказган талаба дарсдан ташқаридаги вақтини ўқишга сарфлашига ишониш қийин.

Кредит-модуль тизимида эса кредитларнинг фанлар бўйича ўртача тақсимоли 5, 6 ёки 7.5 ни ташкил этади. Бу дегани талаба бир семестрда кўпи билан 4, 5 ёки жуда борса 6 фан ўрганади ( $30/7.5=4$ ;  $30/6=5$ ;  $30/5=6$ ). Бу талабалар семестр давомида ўрганиши зарур бўлган фанларнинг сони амалдагидан кўра анча қисқаришини англатади. Яъни кредит-модуль тизими ОТМ ўқув дастурларига меъёр ва сифат олиб кириши, таълимни ташкил этишда сон кўрсаткичидан сифат кўрсаткичига ўтишига хизмат қилади. Чунки фанлар сони бу тарзда қисқариши талабалар ўз вақт ва имкониятларини шу кам сонли фанларни чуқурроқ ва ҳар томонлама ўрганишларига имконият яратади.

### 3. Фанларни танлаш имконияти

Ўқишнинг дастлабки йилларида соҳа бўйича умумий билимга эга бўлгандан сўнг талабаларда айрим йўналиш ва фанлар бўйича чуқурроқ билимга эга бўлиш ва келажакда шу йўналишда ишлашга иштиёқ пайдо бўлиши табиий. Талабалар йилдан йилга мутахассис сифатида шаклланиб борар экан, улар учун ўқиш дастуридаги айрим фанларнинг аҳамияти ортиб, айрим фанларнинг аҳамияти камайиб боради.

Ҳозирда университетлар қатъий белгилаб қўйилган ўқув дастурлари асосида иш юритади. Яъни, талабалар ўқишга киргандан бошлаб то битиргунга

қадар дастурда белгиланган барча фанларни ўрганишга мажбур. Бу қай даражада тўғри? ОТМда таълим олаётган талабалар қатъий белгиланган стандарт ўқув дастури асосида таълим олиши шартми? Дастурдаги барча фанлар ҳар бир талабанинг қизиқишлари, келажак режаларига тўғри келмаса-чи?

Аслида, ҳар бир талаба ўз қизиқишлари, имкониятлари, келажакда қайси касбни эгаллаши ва бу учун керакли фанларни университет маъмуриятидан кўра яхшироқ билади. Талабани мажбурлаб хонада олиб ўтириш мумкин, лекин унинг фикр ва эътиборини хонада ушлаб ўтириб бўлмайди.

Кредит-модуль тизимига ўтишнинг муҳим жиҳатларидан яна бири бу — **ўқув дастурига танлов фанларининг кириб келишидир**. Унга кўра, талабалар ўқишнинг дастлабки йилларида соҳага оид асосий, умумкасбий фанларни ўзлаштириб, соҳа бўйича умумий билимни эгаллаб олганларидан сўнг, соҳага оид махсус фанларни ўз қизиқишларидан келиб чиқиб ўзлари танлаш имкониятига эга бўладилар. Бунда ОТМ талабаларга ўқув йили давомида таклиф қилинаётган танлов фанларнинг рўйхатини ва улар ҳақида батафсил маълумот тақдим этади. Талабалар эса ушбу рўйхат ва маълумотлар асосида ўзлари қизиққан фанларни танлайдилар. Бу жараён ҳар бир талаба ўзининг бакалаврият ёки магистратура ўқиш дастурини маълум маънода ўзи шакллантиришига имкон яратади. Яъни, гуруҳда 50 нафар талаба бўлса, уларнинг ҳар бири ўз қизиқишларига кўра ўз ўқиш дастурларига эга бўлишади.

Танлов фанлари сони курсдан курсга кўпайиб бориши зарур бўлади. Чунки талаба курсдан курсга ўтгани сари мутахассис сифатида шаклланиб боради ва унда мустақил қарор қабул қилиш қобилияти ҳам шаклланиб боради. ОТМлар эса аста-секинлик билан талабаларга ўз факультетларидан ташқарида, яъни бошқа факультетлардан ҳам танлов фанлари олишга имконият яратишлари зарур.

Фанларни танлаш амалиёти нафақат талабалар учун ўзлари хоҳлаган йўналиш бўйича чуқурроқ билим олишларига имконият яратади, балки ОТМ ўқув дастуридаги фанлар таркиби табиий равишда сараланиб боришига ҳам хизмат қилади. Чунки талабалар қизиқиш ва эҳтиёжларига жавоб бермайдиган фанлар дастурини тарк этиб боришади, ўрганаётган фанлари рўйхатини давр талаблари ва қизиқишларига мослаштиришади.

Бунда ўқитувчи унинг фани ўзига етарли миқдорда талабаларни жалб қила олиши учун доимий равишда ўз устида ишлаши, фаннинг талабалар учун аҳамиятини сақлаб қолиш учун дарслар сифатини доимий равишда яхшилаб бориши зарур бўлади. Акс ҳолда ушбу фан ўқув дастуридан чиқиб кетиши ва ўқитувчи ўз ишини йўқотиб қўйиши мумкин бўлади. Бу жараён дарслар сифати яхшиланишига ҳам хизмат қилади.

Фанлари танлаш амалиёти ривожланган давлатларда ўзининг фойдасини исботлаган амалиётдир. Улардаги фан тараққиёти, ривожланган иқтисодиёт, мутахассисларнинг салоҳияти хусусан таълимдаги айнан шу жиҳат билан ҳам боғлиқ.

Шуниси аниқки, кредит-модуль тизими тарихи, унинг пайдо бўлиши фанларни танлаш амалиёти билан чамбарчас боғлиқ. Яъни, кредит-модуль тизимининг юзага келишига танлов фанлари амалиёти сабаб бўлган. Шундай экан, агар ОТМ ўзида кредит-модуль тизимини жорий этса-ю, ўқув дастурларига фанларни танлаш имкониятини олиб кирмаса, ушбу ОТМ том маънода кредит-модуль тизимида фаолият юритяпти, деб бўлмайди.

#### **4. Ўқув дастурларида фанларнинг сараланиши**

Мутахассис тайёрлаш ҳам мутахассисликка оид энг зарурий билим, кўникма ва маҳоратларни бўлажак мутахассисда шакллантиришдан иборат. Агар талабага зарур мутахассислик билим ва кўникмалар қолиб, бошқа нарсалар ўргатилса, натижада унда мутахассисликка оид жиҳатлар тўлиқ шаклланмай қолса, ишга олувчи ташкилот битирувчидан ҳам, уни тайёрлаган таълим муассасасидан ҳам ҳафсаласи пир бўлади.

Ҳозирда олий таълим ўқув дастурларида талабанинг мутахассислигига тўғридан тўғри алоқаси бўлмаган фанлар етарлича. Масалан, аксарият университетларда 1-курсда, айрим ҳолларда юқори курсларда ҳам жисмоний тарбия, диншунослик, этика, эстетика ва шунга ўхшаш бошқа фанлар ўтилади. Бу фанларни одатда талабаларнинг мутахассислигига тўғридан тўғри алоқаси йўқ бўлсада, ОТМ ўқув дастурларида анчагина жой ва вақтни эгаллайди. Қолаверса, талаба жисмоний тарбия фанини ОТМда фақат 1-семестр ёки бир йил ўрганиши – ғалати ҳол. Бир мутахассис таъкидлаганидек, «гўёки жисмоний саломатлик ва спорт талабага фақат бир семестр ёки бир йил керак бўлади».

Назаримизда, бу каби фанларнинг аксарияти мактабнинг юқори синф дастурларига хос бўлиши керак. Агар талаба ушбу фанлар бўйича мактабда билим ва кўникмага эга бўлган бўлса, уларни университет даражасида яна такрорлашга қандай эҳтиёж бор? Ундан кўра, талаба шу вақтни ўз соҳасини чуқурроқ ўрганишга сарф қилгани яхшимасми? Тўғри, диншунослик, этика ва эстетика каби умумий фанлар ёшларни шахс сифатида шаклланишида катта роль ўйнаши мумкин, лекин ҳозирда мактаб битирувчиларининг бор йўғи 10-20 фоизигина ОТМга кирмоқда. Бу дегани, агар бу фанлар мактаб юқори синфларида ўргатилмаса, мактаб битирувчиларининг аксарияти бундай билимга эга бўлмайди. Бу каби фанлар ёшларни шахс сифатида шаклланиши учун муҳим деб ҳисобланса, унда улар мактабнинг юқори синфларида ўргатилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

ОТМ ўқиш дастурларини умумий, мутахассисликка тўғридан тўғри алоқаси бўлмаган, ўзини такрорловчи фанлар билан тўлдирилиши талаба университетдаги қисқа ва энг қимматли вақтидан самарали фойдалана олмаслигига олиб келмоқда. Натижада битирувчилар орасида амалиётга боргандан сўнг бизга бундай нарсаларни университетда ўргатишмаган деган ҳолатлар жуда кўп учрамоқда.

ECTS кредит-модуль тизимида эса ОТМлар ўзининг ҳар бир бакалавр ва магистратура ўқув дастури мақсадларини олдиндан аниқ белгилаб олиши талаб этилади. Яъни, улар муайян мутахассислик бўйича ўқиш дастурини яратишдан аввал ўз олдиларига қуйидаги саволларни қўйишлари талаб этилади:

Ҳар бир ОТМ бакалаврият ва магистратура дастури турлича бўлгани сабабли, мақсадлари ҳам турлича бўлиши табиий.

Яъни, ОТМлар ўзларининг ҳар бир бакалавр ва магистратура ўқув дастурининг мақсадларини битирувчи дастур давомида қўлга киритиши зарур бўлган билим, кўникма ва маҳоратлар шаклида олдиндан аниқ белгилаб олишлари зарур. Бу кредит-модуль тизими тили билан «Program Learning Outcomes» деб аталади. Ўқув дастури мақсадлари белгилаб олингандан сўнг, эндиликда дастурда фақат шу мақсадларга хизмат қилувчи фанларгина сақлаб қолинади ёки дастурга киритилади, қолган фанлар эса дастурни тарк этиши зарур.

#### **4. Бакалавр ва магистратура дастурларига шаффофлик кириши**

Кредит-модуль тизими жорий бўлса ОТМ лар нафақат ҳар бир ўқиш дастурлари мақсадларини олдиндан белгилаб олишлари зарур бўлади, балки бу мақсадларни ўзларининг бўлғуси ва ҳозирдаги талабаларига олдиндан, шаффоф тарзда етказиши керак бўлади. Ҳозирда маҳаллий ОТМларга ҳужжат топшираётган талабалар ўзлари ҳужжат топшираётган бакалавр ёки магистратура дастурларида айнан нималарни ўрганишлари мумкинлиги ҳақида етарлича маълумотга эга эмас. Аксарият ҳолларда абитуриентларга фақат университет, факультет ва дастур номигина маълум. Ҳатто университетда ўқиётган талабалар кейинги семестрда қайси фанларни ўқишларини фақат ўша семестр бошидагина биладилар. Яъни, абитуриентлар ва талабаларга бакалавр ёки магистратура дастурларининг мақсадлари, унда ўрганиладиган фанлар, дастур давомида қандай билим, кўникма ва маҳоратга эга бўлишлари ҳақида етарлича маълумот берилмайди.

**Абитуриент ёки талабага бу маълумотлар нима учун олдиндан тақдим этилиши зарур?**

Бунга жуда кўп сабабларни келтириш мумкин. Масалан, ҳозирда талабаларга бир пайтнинг ўзида бир неча университетга ҳужжат топшириш

имконияти берилмоқда. Шундай экан, улар бир пайтти ўзида бир нечта ОТМга қабул қилиниши мумкин. Бўлғуси талабалар қайси ОТМнинг қайси дастурига ҳужжат топшириш ва уларга қабул қилингандан сўнг танловни амалга ошириши учун ОТМ ва уларнинг дастурлари ҳақида етарлича маълумотга эга бўлишга ҳақлидирлар. Танлов учун ОТМ ёки ундаги дастурларнинг номини билишнинг ўзигина етарли эмас. ОТМлар сони кўпайган сари эндиликда талабалар ундаги дастурларнинг номига қараб эмас, балки сифатига қараб танлай бошлайди. Яъни, абитуриентлар ҳаётларини 4 ёки 2 йилини ва қийналиб топилган пулларини нимага сармоя қилаётганликларини олдиндан билишлари керак. Қолаверса, ҳар бир талаба ОТМга анча миқдорда контракт пули тўлаётган мижоз сифатида муайян ўқиш дастури ҳақида батафсил билишни истайди.

Кредит-модуль тизимида ўтгандан сўнг университетлар ўзларининг ҳар бир бакалавр ва магистратура дастурлари бўйича дастур каталогини, яъни китобчасини ишлаб чиқишига тўғри келади. Унда ҳар бир бакалавр ва магистратура ўқув дастурининг мақсадлари, қабул қоидалари, ОТМдаги ўқиш шароитлари, академик тақвим, талабалар 4 йиллик ёки 2 йиллик дастур давомида айнан қайси фанларни ўқишлари мумкинлиги, ушбу фанларнинг қисқача тавсифи, қайси фан айнан қайси курсда ўрганилиши, уларни айнан кимлар ўқитиши, ОТМда талабалар учун ётоқхона имкониятлари, талабаларнинг бир ойлик ўртача яшаш харажатлари, ОТМда қўлланадиган баҳолаш усул ва мезонлари ҳақида абитуриент ва талабаларга олдиндан, шаффоф тарзда маълумот берилиши зарур бўлади. Бу маълумотлар ҳар янги ўқув йили бошида китобча тарзида талабаларга тарқатилади ёки университет веб-саҳифасида юклаб олиш мумкин бўлган форматда жойлаштирилади.

## **5. Ўқув машғулотларини шаффоф тарзда ташкил этиш**

Ҳозирда мамлакатимиздаги аксарият ОТМларда талабалар семестр бошида дарслар бошланиши арафасида фақат ўша семестрда ўтиладиган фанларнинг номи, уларни ўқитадиган ўқитувчилар исмлари, дарслар қайси пайт қайси хоналарда ўтиши ҳақида маълумотга эга бўладилар, холос. Талабаларга ушбу фанларнинг мақсадлари, уларни талаба мутахассис бўлиб етишишида тутган ўрни, талаба ушбу фанлар орқали қандай билим, кўникма ва маҳоратларга эга бўлиши кутилаётгани ҳақида маълумот деярли берилмайди. Чунки амалиётда университет фанлари ҳақидаги бундай маълумотлар талабаларга тизимли, яхлит ва шаффоф тарзда тақдим этилмайди.

Кредит-модуль тизимида эса ОТМнинг ҳар бир ўқитувчиси ўзининг ҳар бир фани бўйича 4-5 варақли фан дастурига яъни «силлабус»га эга бўлиши ва уни семестр бошида талабаларга тақдим этиши керак бўлади. Фан дастури ўз ичида ушбу фаннинг мақсадлари, унинг ўқув дастурида тутган ўрни, талабанинг

келажакдаги касбий фаолияти учун аҳамияти, талабалар ушбу фанни ўрганиш натижасида нималар қила олиши, ушбу фан бўйича семестр давомида ўрганиладиган мавзулар рўйхати, талабалар фойдаланиши зарур ва мумкин бўлган адабиётлар рўйхати, баҳолаш мезонлари ҳақидаги маълумотларни қамраб олади. Агар фан танланадиган фан бўлса, талаба учун бундай маълумотларнинг аҳамияти янада ортади. Талаба, юқорида айтилганидек, фанни танлаш ёки танламаслик бўйича қарорга келиши учун фаннинг номини ёки уни ўқитадиган ўқитувчининг исмини билишининг ўзигина кифоя қилмайди. Талаба бундай қарорга келиши учун фан бўйича етарли маълумотга эга бўлиши керак.

Фан дастуридан кўзланган мақсад жуда оддий – ОТМларда дарс жараёнларини шаффоф, мақсадли ва режа асосида ташкил этишга эришиш. Бу амалиёт авваламбор ўқитувчини ўзи ўқитмоқчи бўлган фан мақсадлари ва аҳамиятини ўзи тушуниб олишига ундайди. Зеро, афсуски, амалиётда ўзи ўргатаётган фанининг мақсадларини билмайдиган ўқитувчилар ҳам етарлича.

Агар ўқитувчи ўз фани мақсадларини олдиндан аниқ белгилаб олса, у семестр давомида барча таълим ҳаракатларини мана шу мақсадларга эришишга қаратади. Имтиҳонлар ҳам талабаларнинг шу кўзланган мақсадларга эришган-эришмаганини текширишга қаратилади. Агар фаннинг мақсадлари белгиланмаса ёки у талабанинг мутахассис сифатида шаклланишига хизмат қилмаса, ушбу фан ўқув дастурида қолиши тўғри эмас. Лекин ушбу амалиёт ОТМ томонидан ўқитувчилар устидан назоратни ҳаддан ташқари кучайтириб юборишига, ўқитувчиларни шу баҳона жазолашга ва қоғозбозликка ҳам олиб келмаслиги керак.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, мамлакатимиз ОТМлари кредит-модуль тизимига ўтиши бу муайян миқдордаги кредитларни йил, семестр ва фанлар бўйича тақсимлаб қўйишнинг ўзидан иборат эмас. Афсуски, ҳозирда айрим ОТМлар кредит-модуль тизимига ўтишни шундай тушунишмоқда.

Агар кредит-модуль тизими тўғри ва тўлиқ жорий этилса, у мамлакатимиз олий таълим тизимига жуда катта ижобий хусусиятларни олиб киришини кутиш мумкин. Жумладан, мамлакатимиз олий таълим тизимига таълимнинг жаҳон тан олган мукамал ўлчов бирлигининг олиб кирилишига, ОТМлар ўқув дастурларида мувозанат ва меъёр пайдо бўлишига, ОТМларда ўқиш жараёнининг шаффофлашишига, ўқув дастурлари иқтисодиёт, меҳнат бозори ва талабалар эҳтиёжлари асосида шаклланишига, дарсларнинг сифати яхшиланишига ва ниҳоят ҳар бир талаба маълум маънода ўзининг мустақил ўқув дастурига эга бўлишига хизмат қилади.

## **2. Таълим жараёнига STEAM ўқитиш технологияларини тадбиқ этиш**

Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепсияси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача

ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олади. Концепсияда Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълимнинг ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган мақсадлари, вазифалари, устувор йўналишлари ва ривожланиш босқичлари белгилаб берилган бўлиб, мактабгача таълимни ривожлантиришга қаратилган дастур ва чора-тадбирлар силсиласини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳар томонлама ақлий, ахлоқий, естетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш мактабгача таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил етишнинг мавжуд тартибини кўриб чиқиш ва мактабгача таълим хизмати кўрсатишнинг замонавий усуллари жорий етишни талаб этади.

Таълимнинг ўзгарувчанлиги Ўзбекистонда замонавий таълим тизимини ривожлантиришнинг асосий тамойиллари ва йўналишларидан биридир. Бу таълим жараёнининг сифатини таъминлайди ва ҳисобга уларнинг жисмоний ва руҳий саломатлигини, индивидуал ва ижодий ривожланиш траекториясини олиб, мактабгача болалар ижтимоий ва шахсий ривожланиши учун оптимал шарт-шароитлар яратади дастури ўзгарувчан қисми ҳисобланади, мактаб учун психологик ва педагогик тайёр амалга ошириш ва атрофидаги жамиятга мослаштириш учун. Жадал ўзгариб бораётган дунёда инсон ҳаётининг барча соҳаларига янги технологиялар жорий етилмоқда. Бу технологиялардан фойдаланиш янги шаклланаётган ўқитувчиларга муваффақиятли тадқиқотчилар, ихтирочилар, олимлар, технологлар, рассом ва математиклар авлодини тарбиялаш имконини беради.

Бу - таълим асосий global тенденциялардан биридир. Асосланган амалий ёндашувни қўллаш, шунингдек, барча бешта йўналишни ягона ривожланиш схемасига бирлаштиришга асосланган.

STEM—қуйидаги маънони англатади: STEAM – science, T – technology, E – engineering, A – art, M – mathematics (фан, технология, муҳандислик, математика, яъний табиий Фанлар, технология, муҳандислик, математика).

Мактабгача таълим ташкилотларида таълимни қандай амалга ошириш мумкин. Лойиҳа ва экспериментал тадқиқот фаолиятини ташкил етиш орқали. Муваффақиятли ишнинг шартли-мақсадли параметрларга мос келадиган замонавий мавзу-фазовий муҳитни яратишдир. Шу билан бирга, мактабгача ёшдаги болаларнинг турли фаолиятлари мазмунини интеграциялаш, мавжуд ўйин қўлланмалари ва материалларнинг кесишиши, мустақил фаолият учун жиҳозларнинг мавжудлиги ва натижаларни намоиш етиш қобилияти бирлаштирувчи омиллар бўлиши мумкин. Шунини таъкидлаш керакки, таълимни янгилаш нуқтаи назаридан дастур-методик таъминотнинг ўткир муаммоси, моддий-техник базани ривожлантириш masala бўйича мактабгача

таълим мутахассисларини ривожлантиришга қаратилган. Ўрганишнинг муҳим шarti болаларнинг жуфт ёки гуруҳли фаолиятидир. Бу мулоқот форматида улар учун ғояларни тўплаш ва ақс еттириш осонроқ ва қизиқарли бўлади.

STEAM ёндашув ёрдамида, воқеалар мантиқни пухта ўрганиш мумкин, уларнинг муносабатларни тушуниш, тизимли дунёни ўрганиш ва шундай қилиб қизиқувчанлик ва фикрлаш муҳандислик услуги ривожлантириш.

Мактабгача таълим муассасаларида STEAM технологиясини амалга ошириш учун қулай шарт шароитларни яратиш муҳимдир.

Биринчидан, дизайн ва экспериментал тадқиқот ишларини амалга ошириш, учун гуруҳ хоналари, лабораториялари ва ЛЕГО марказларини яратиш имконини берадиган аралаш муҳитни яратиш.

Иккинчидан, барча беш соҳаларни (табiiй Фанлар, технология, техник, санъат ва математика) бирлаштирадиган мактабгача ёшдаги болаларнинг турли фаолиятларини бирлаштиради ва таъминлайди фан ва санъатни ҳаётда қандай қўллаш натижаларини намойиш этиш учун педагогик шарт-шароитлар яратиш..

Фақат ўқитувчиларнинг инновацион ёндашуви амалий тадқиқот фаолияти орқали юқори натижаларга еришиш имконини беради. Муваффақиятли ишнинг шarti-мақсадли параметрларга мос келадиган замонавий мавзу-фазовий муҳитни яратишдир. Шу билан бирга, мактабгача ёшдаги болаларнинг турли фаолиятлари мазмунини интеграциялаш, макондаги ўйин қўлланмалари ва материалларнинг кесишиши, мустақил фаолият учун жиҳозларнинг мавжудлиги ва натижаларни намойиш этиш қобилияти бирлаштирувчи омиллар бўлиши мумкин.

STEAM технологияларининг афзалликлари

- \* Қизиқувчанликни ривожлантириш.
- \* Муҳандислик кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам.
- \* Жамоада ишлаш учун керак бўлган сифатларни намён қилишга имкон бering.
- \* Тугалланган фаолият натижаларини таҳлил қилиш қобилиятини рағбатлантириш.
- \* Мактабгача ёшдаги болаларнинг энг яхши билиш фаолиятига ҳисса қўшиш.

STEAM технологияларининг интеграциялашган ёндашув фикрлаш қобилиятини ривожлантиришнинг энг яхши даражасига ҳисса қўшади ва янада истиқболли ва машҳур касбни танлаш учун катта ешик очади. Замонавий усуллар болаларни илмий-ижодий фаолиятга осон жалб қилади. Бу еса катталар ҳаётида зарур бўлган ақлий қобилиятларнинг тизимли ривожланишига ёрдам беради.

МТТ ларда технологияни тадбиқ этиш учун нима қилмоқ керак.



- Конструктив дарсларни ташкил этиш. Амалий муаммоларни тезда ҳал қилишни ўрганиш ва асосий дастурий билимларни олиш имкониятига ега бўлади.

- Ўйин машғулотларини тайёрлаш. Бу ҳолда, ўйинлар, рақслар ва ўйин-кулги шаклида қизиқарли фаолиятини ташкил мумкин. Шундай қилиб, STEAM технологияси ёрдамида, болалар воқеалар мантиқ пухта ўрганиш, уларнинг муносабатларини тушуниш, тизимли дунёни ўрганиш ва шундай қилиб қизиқувчанлик, фикрлаш муҳандислик услуби ва танқидий вазиятлардан чиқиб олиш қобилиятини ривожлантирилади. Шу билан бир қаторда болалар бошқарув ва ўз-ўзини намоён қилиш асосларини ўрганадилар, бу еса, ўз навбатида, бутунлай янги сифат даражасини таъминлайди.

**4-Мавзу: Мактабгача таълим фанларини ўқитишнинг инновацион шакллари, метод ва воситалари Маъруза турлари ва уларга қўйиладиган талаблар Семинар, амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиш технологияси. Мустақил таълим ва уни ташкил этиш технологияси.**

#### Режа:

1. Мактабгача таълим фанларини ўқитишнинг инновацион шакллари, метод ва воситалари
2. Маъруза турлари ва уларга қўйиладиган талаблар.
3. Семинар, амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиш технологияси.
4. Мустақил таълим ва уни ташкил этиш методикаси
5. Мактабгача таълим фанларидан курс иши (лойиҳаси)ни тайёрлаш методикаси Битирув малакавий ишларига раҳбарлик қилиш.

**Таянч иборалар:** мактабгача таълим фанларини ўқитишни интеграциялаш, метод ва воситалар, анъанавий метод, интерфаол методлар, инновацион шакллар.

Маъруза, маъруза ҳикоя, маъруза суҳбат турлари маъруза машғулотларига тайёргарлик методика. Семинар машғулотларини ташкил этиш, семинар машғулотларига тайёргарлик, амалий машғулотларни технологияси, лаборатория машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш методикаси.

#### **4.1. Мактабгача педагогика туркум фанларни ўқитишнинг инновацион метод ва воситалари.**

**Метод** сўзи грекча тадқиқот, мақсадга эришиш йўли, усули деганидир. Метод-энг умумий маънода-мақсадга эришиш усули, маълум тарзда тартибга

солинган фаолият. **Ўқитиш методлари** дейилганда, ўрганилаётган материални эгаллашга қаратилган турли дидактик вазифаларни ҳал этиш бўйича ўқитувчининг ўргатувчи иши ва ўқувчилар ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш усуллари тушунилиши лозим. **Ўқитиш усули-ўқитиш мето-дининг таркибий қисми** ёки алоҳида томони.

Педагогика фани ўқитувчиларнинг ўқитиш методларини ўз холича танлашни тавсия қилмайди. Ўқитиш методлари қуйидаги факторлар асосида танлаб олиниши лозим:

1. Ўқитишнинг мақсади ва вазифалари.
2. Мавзунинг мазмуни.
3. Ўқитиш тамойиллари ва педагогнинг позицияси.
4. Талабаларнинг ўқув имкониятлари.
5. Мавзунинг ўрганишга ажратилган вақт.
6. Ўқув муассасалари, аудиторияларнинг моддий таъминланганлик даражаси, жиҳозлар, кўрсатмали қуроллар, техник воситаларнинг мавжудлиги.
7. Ўқитувчининг имкониятлари, назарий ва амалий жиҳатдан касбий тайёргарлик даражаси, педагогик маҳорати, шахсий сифатлари.

Ўқитувчи бу ҳолатларни инобатга олиб, у ёки бу кетма-кетликда оғзаки, кўрғазмали ёки амалий методларни, репродуктив ёки мустақил ишларни бошқариш методларини назорат ва ўз-ўзини назорат методларини танлаш борасида аниқ ечимлар қабул қилади.

### **Ўқитишнинг анъанавий методлари:**

**1. Оғзаки методлар** (ўқув ахборотларини эшитиш орқали қабул қилиш методлари):

- ҳикоя;
- суҳбат;
- тушунтириш;
- маъруза;
- савол-жавоб

**2. Амалий методлар** (ўқув ахборотларини амалий меҳнат ҳаракатлари орқали бериш):

- машқ;
- китоб билан ишлаш;
- амалий;
- лаборатория

**3. Кўрсатмали методлар** (ўқув ахборотларини кўрғазмали узатиш ва кўриш орқали қабул қилиш методлари):

- иллюстрация;
- намоёиш

- (демонстрация)

- видеометод

**Ўқитишнинг замонавий(интерфаол) методлари:**

**Интерфаол методлар** («интер»-ўзаро, "акт"-фаол ҳаракат, фаоллик, таъсирчанлик)-бу ўқитувчи ва ўқувчининг ўқув ўйини шаклидаги ўзаро ҳаракатини ташкил этиш қоидаларининг системаси.

**Интерфаол методлар:** дискуссия, тренинг ва ўйинлар.

Ҳозирги кунда бу методларнинг ўқитиш шакллари ва усуллари билан бириктирилган модификациялари (ўзгартириш) фойдаланилади. Масалан:

- 1) лекция-дискуссия;
- 2) тренинглар;
- 3) кейс-стади;
- 4) «очик жавоблар билан» муҳокама;
- 5) «яқунланмаган хулоса билан» суҳбатлашиш;
- 6) жуфт бўлиб ёки кичик гуруҳларда ишлаш;
- 7) «ақлий хужум»;
- 8) беллашув;
- 9) график-органайзерлар;
- 10) қоида бўйича ва қоидасиз ўйин;
- 11) ўзининг лойиҳаларини реклама қилиш.

#### **Кейс-стади методи**

**Кейс-стади** инглизча кейс-аниқ вазият, стади-таълим сўзларининг бирикувидан ҳосил қилинган бўлиб, аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил этиш ва ижтимоий аҳамиятга эга натижаларга эришишга асосланган таълим методидир. Мазкур метод муаммоли таълим методидан фарқли равишда реал вазиятларни ўрганиш асосида аниқ қарорлар қабул қилишга асосланади. Агар у ўқув жараёнида маълум бир мақсадга эришиш йўли сифатида қўлланилса, метод характериға эга бўлади, бирор бир жараённи тадқиқ этишда босқичма-босқич, маълум бир алгоритм асосида амалга оширилса, технологик жиҳатни ўзида акс эттиради.

#### **I. Кейс-технологиясини амалга оширувчи ўқитувчи фаолиятининг босқичлари:**

**Тайёргарлик босқичи:**

Аудиториядан ташқарида бажариладиган мураккаб илмий-тадқиқотчилик, услубий ва конструкциялаш фаолиятини ўз ичига олиб, ўқитувчи ҳаракатларининг қуйидаги изчиллиги билан боғлиқ бўлади:

- кейсни яратади (агар тайёр кейсдан фойдаланилмаса);
- таълим технологиясини лойиҳалаштиради ва режалаштиради;

-ўқувчиларни тайёрлайди, уларнинг кейс билан мустақил ишлаши учун ўқув ва услубий таъминотни ишлаб чиқади.

**Асосий босқич: кейс-технологиясини амалга ошириш:**

*Ўқитувчи ҳаракатларининг изчиллиги:*

-Ишчи дастури асосида ўқув машғулоти шакли, тури ва вақтини белгилайди (амалий машғулот мустақил иш ўқув амалиёти).

-Ўқув машғулоти мақсадини ойдинлаштиради, ўқув машғулотидан кутиладиган натижалар ва педагогик вазифаларни белгилайди.

-Таълимнинг оптимал моделини (белгиланган вақтда ва қарор топган шароитларда қўйилган мақсаднинг амалга оширилишини ва прогноз қилинадиган ўқув натижаларига эришишни кафолатлайдиган оптимал таълим методлари, шакл ва воситалари мажмуи)ни танлайди.

**Таҳлилий, баҳоловчи босқич:**

Яратилган кейс эксперт текширувидан ва баҳосидан ўтиши керак. Қуйидагилар текшириш усуллари бўлиши мумкин:

1. Кейс лойиҳасининг корхона ходими томонидан кўриб чиқилиши ва унда баён қилинган ахборотнинг реал вазиятга мувофиқ келиши, шунингдек келтирилган фактлар талқини ва шу кабиларнинг текширилиши.

2. Экспертлик баҳоси ва ҳамкасблар фикрлари, ўқитувчи-кейсологнинг кейснинг таълимдаги қиммати хусусидаги фикри, уни текширишнинг иккинчи усулидир.

**II. Ўқувчилар томонидан кейсни ечиш босқичлари:**

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, агар ўқувчиларнинг кейсни ҳал этиш технологияси икки босқичдан иборат бўлса, таълимий мақсадларга эришишда янада кўпроқ самарага эришиш мумкин:

**Биринчи босқич** – кейсни ҳал этиш бўйича индивидуал (аудиториядан ташқари) иш. *Ўқувчи мустақил равишда:*

- 1) кейс материаллари билан танишади;
- 2) тақдим этилган вазиятни ўрганади, изоҳлайди ва асослайди;
- 3) муаммо ва муаммо ости муаммоларни ажратади, вазиятни тадқиқ ва таҳлил қилиш усуллари танлайди;
- 4) берилган амалий вазиятни таҳлил қилади; ажратилган муаммони ҳал этиш усуллари ва воситаларини белгилайди ва асослайди;
- 5) таклиф этиладиган қарорни амалга ошириш бўйича тадбирларни ишлаб чиқади.

**Иккинчи босқич** – кейс билан биргаликда жамоа бўлиб (аудиторияда) ишлаш. *Ўқувчилар кичик гуруҳларга бўлиниб, биргаликда кейс устида ишлашади:*

1) гуруҳ аъзоларининг вазият, асосий муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари ҳақидаги турли тасаввурларини мувофиқлаштиришади;

2) ечимнинг таклиф этилган вариантларини муҳокама қиладилар ва баҳолайдилар, қўйилган муаммо нуқтаи назаридан ушбу вазият учун энг мақбул вариантни танлашади;

3) муаммоли вазият ечимига олиб келадиган танланган ҳаракатлар йўлини амалга оширишнинг аниқ қадамба-қадам дастурини батафсил ишлаб чиқадилар;

4) тақдимотга тайёрланадилар ва намойиш этиладиган материални расмийлаштиришади.

Ўқитувчининг янги мавзуга тайёргарлик кўришида анъанавий ва замонавий методларни танлаши-бу уларнинг ўзаро алмашинувини (чоғиштиришни) вақт ва дидактик мақсад бўйича мувофиқлаштириш демакдир. Натижада талабаларнинг ақлий ва амалий фаолиятининг юқори даражасини яратишга шароит яратилади. Тўғри қўлланилган методлар объектив воқеликка оид билимларни чуқурлаштиради ва яхлит ҳолда машғулотнинг илмий-назарий даражасини оширади. Кетма-кет сараланган ўқитиш методлари маълум даражада билиш ва касбий қизиқишни ривожлантиришга, мустақил амалий фаолиятни **фаоллаштиришга** олиб келади.

Ўқитиш фаолиятининг ҳар қандай босқичида ҳар доим бир нечта методлар қўлланилади. Фақат бир-икки метод, ёки оғзаки, ёки кўрғазмали, ёки амалий метод қўлланилиши мумкин эмас. Аслида бу методлар ўқитишнинг муайян актида жамулжам чоғиштирилади.

Масалан: мавзу мазмунининг имкониятларини ҳисобга олиб бош вазифа **ўқув-билиш фаолияти** кўникмаларини шакллантириш, ўқишда мустақилликни ривожлантириш бўлса, унда биз биринчи галда бошқа методлар ёрдамида жорий этиладиган **эвристик** (изланувчанлик) методларини қўллай-миз.

Интерфаол метод нечоғлик ўқитишнинг муайян актини тавсифласа, у шунчалик кўп ўқитиш самарасини таъминлайди. Масалан, педагог асосий метод сифатида **“савол-жавоб”**ни танлайди ва уни ўтказиш мантиқини қуради, шунингдек савол-жавоб давомида ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ривожлантириш учун **“кластер”** дан фойдаланади, бу эса кутилган самарани беради.

Интерфаол ўқитиш методларларини танлашнинг кейинги муҳим шарти уларни энг мақбул чоғиштириш **мезонларини** ҳисобга олишни тақазо этади.

1. Интерфаол методларни танлаш мезони уларнинг **таълим-тарбияни ривожлантириш масалаларини ечишга юқори йўналганлигидир**. Бу мезон турли хил методларнинг у ёки бу доирадаги вазифаларини ечиш имкониятларини баҳолаш йўли билан жорий этилади, чунки ижтимоий тажриба элементларини ўзлаштиришда уларнинг имкониятлари турличадир.

Интерфаол методларнинг барчаси ўқувчиларнинг фикрлаш мустақиллигини таъминлайди, ўқитишда бир қолипликни ва андозаликни йўқотади, ўқув материалларини эгаллашда назарий билимларнинг ролини бирмунча оширади.

2. Интерфаол методларни танлашнинг навбатдаги мезони уларнинг таълим **мазмунини хусусиятларига мос келишидир. Метод мазмунининг ҳаракатланиш шакли (Гегель) сифатида ҳам аниқланади.** Бир метод ёрдамида мавзунини тўлароқ очиб берилса, бошқаси уни ижодий ўзлаштиришга имкон тўғдиради, учинчиси-бу мазмун учун яроқсиз бўлиши мумкин.

Интерфаол методларнинг **рўёбга чиқариш шакллари жорий этиш воситалари** каби турлича бўлиши мумкин. Масалан, **ақлий ҳужум, танқидий фикрлаш, ажурли арра, менюлар** оғзаки сўз, дарслик ўқиш, кино ёки телевидение, бошқа тасвирий воситалар орқали амалга оширилса, **кластер, синквейн, ўз ўрнинини топ** каби методлар ўқитувчининг олдиндан кўрсатиб берган фаолият усуллари тақдорлашини тақазо этади.

3.Интерфаол методларни танлашнинг навбатдаги мезони уларнинг **ўқувчилар ўқув имкониятларига тўлиқ мос келишидир**, яъни самарали ўқув фаолияти учун ички ва ташқи шарт-шароитларнинг бирлигини таъминлашдир. Кузатишларнинг кўрсатишича, реал ўқув имкониятларини ўрганишда қуйидаги шартларни аниқлаштириш керак бўлади: ўқувчиларнинг мустақил фаолиятига тайёргарлиги (ўқув ишларини режалаштириш, машғулот мақсади ва вазифаларини тўлиқ белгилаб олиш кўникмаси, ўз-ўзини назорат, тесқари алоқа ўрнатиш ва кўшимча дидактик жараённи куриш); ўқувчиларнинг ижодий фаолиятига тайёргарлиги (фикрлаш мустақиллиги, ўқув материалдаги асосий ғояни илғаб олиш кўникмаси, топшириқ шартларини белгилаш ва уни ечиш методларини мустақил топиш кўникмаси); ўқишга муносабат ва бошқалар.

4. Интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланишда **педагогнинг хусусий имкониятларига мос келиши** лозим. Дарсинг дидактик мақсадларига турли методлардан, уларнинг ўзаро бирикувидан оқилона фойдаланиш эвазига эришиш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, методлар компенсаторлик (бири йўл қўйган камчилик бошқаси эвазига йўқотилади, яъни меъёрланади) имкониятларига эга.

5. Интерфаол методларни танлаш мезонларидан яна бири – **уларнинг ўқув жараёнини ташкил этиш шакллари билан мос келишидир.** Ўқитишнинг ялпи (фронтал), гуруҳли ва индивидуал шакллари турлича методларни талаб этади. Масалан, **дебат** методи икки ўқувчи (ёки икки гуруҳча) ўртасидаги баҳс ҳисобланса, **“ақлий ҳужум”**да гуруҳдаги барча ўқувчиларнинг иштироки зарур бўлади. Шунингдек, бу мезон мавзунинг мураккаблик даражасига мос ҳолда шакл ва методнинг ўзаро уйғунлигини таъминлашга йўналтирилади.

6. Интерфаол методларнинг педагогик технология принципларига мос келиши **умумлаштирувчи мезон** ҳисобланади.

Шундай қилиб, ўқитишда анъанавий ва замонвий услублар (методлар) мутонасиб-лигини таъминлаш учун педагогдан на фақат фанини ва унинг методикасини яхши билиш талаб этилади. Балки, замонвий педагогик технологияларни ўзлаштириб бориши, мутахассислиги бўйича илғор педагогик тажрибаларни ва чет эл тажрибаларини ҳам ўрганиб бориш бориш мажбурияти юклатилади.

**Ўқитиш жараёнида қўлланиладиган методларга қўйиладиган талаблар.** Таълим методлари олдида қуйидаги асосий талаблар қўйилади:

1. Ўқув материални ўрганиш йўли фикр юритишнинг дидактик усуллари, миллий истиқлол ғоясига ҳамда миллий қадриятларга асосланган ахлоқ, хулқ-атворнинг иродавий сифатларини шакллантиришга олиб келиши керак.

Шу талаб нуктаи назаридан қараганда, таълим методи тарбияловчи характерда бўлиши, яъни билимларни ўзларштиришгагина эмас, балки таълимнинг тарбияловчилик имкониятларини ишга солишга ҳам ёрдам бериши керак.

2. Таълим методи илмий далилар билан равшан ва аниқ асосланган бўлиши лозим. Ана шунда ўқитувчи, бу метод билан ишлашда қандай вазифаларни қўйиб, ҳал қилиш мумкинлигини ва қандай вазифаларни амалга ошириб бўлмаслигини кўра олади. Методнинг илмийлиги ўқувчиларнинг равшан ва аниқ фикр юритишини: материалларни ўзлаштириш жараёнидаги далил-исбот ва муҳокамаларнинг мақсади, воситалари, усуллари, асосий ва иккинчи даражали натижаларни ҳам билдиради.

3. Таълим методларнинг тизимлилиги уларнинг самарадорлик даражасини белгилайди. Ўқув материални ўрганишнинг ҳар қандай алоҳида олинган усули, гарчи, шу дарсда қўлланиш учун жуда қулай бўлса ҳам, ўқитишнинг бошқа методлари билан бирга қўлланилмаганда ўқувчилар ақлининг ўсишига унча таъсир кўрсатмаслиги мумкин.

4. Таълим методлари олдида муқаррар суръатда қўйиладиган яна бир талаб – уларнинг тушунарли бўлишидир. Ўқитиш йўли ўқувчига тушунарли ва мақбул бўлиши, ўқув материални ўрганиш усуллари эса унинг билимларни ўзлаштиришдаги ёш имкониятларига мувофиқ келиши лозим.

5. Болани сезги органлари орқали билишга ўргатиш ва ўқув жараёнида кўрсатмали қуроллардан иложи борича кўпроқ фойдаланиш зарурлиги таълим методлари олдида қўйиладиган муҳим талабдир. Таълим методларини таълимни онгли ва фаол шаклда олиб бориш тамойили нуктаи назаридан асослаш зарурлиги ҳам муҳим талаблардан биридир. Боланинг ўқув машғулотларига

онгли муносабатда бўлиши, ўқув материали мазмунини онгли равишда тушуниши, ундаги билиш фаоллиги ва қизиқишининг даражаси ўқитувчининг тушунтириш методларига ва болаларнинг билимларни ўлаштириш усулларига боғлиқ.

6. Таълим методлари олдида кўйиладиган талаблардан яна бири билимларнинг асосли ва пухта бўлишидир. Таълим методлари яхши натижа берадиган бўлиши лозим. Ўқитувчининг тушунтириш ва ўқувчиларнинг ўзлаштириш усули режалаштирилган ёки мўлжалланган натижани бериши керак.

#### 4.2. Маъруза турлари ва уларга қўйиладиган талаблар.

**Маъруза** (лотин тилида **лестио-ўқиш**) – бирор бир илмий, сиёсий мавзу бўйича ўқув материални оғзаки баён этиш.

**Маъруза** атамасининг бир неча маъноси бор:

1. **Маъруза-ўқув** материали, бирор масала, илмий, сиёсий мавзуларнинг изчил тартибли оғзаки **баёни**.

2. **Маъруза** -олий ўқув юртларида ўқув жараёнининг асосий **шакли**.

3. **Маъруза-омма** олдидаги бирор материални баён қилиш учун тайёрланган ахборотлар **мажмуи**.

Маъруза ўқув жараёнини ташкил этишнинг асосий шаклларида бири ҳисобланиб, ўқитувчи томонидан ўқув материалларини оғзаки равишда, монологик шаклда, тизимли, маълум бир кетма-кетликда баён этишни назарда тутди. Олий таълим пайдо бўлганидан буён маъруза асосий ўқитиш шакли бўлиб қолмоқда (латин тилидан олинган бўлиб, **лестион** – ўқиш деганидир). Маърузада ўқитувчи тизимли равишда янги билимларни беради ва ўқув курси бўйича мураккаб бўлган муаммолар тушунтириб берилиши дозим. Маъруза ўқув машғулоти орасида етарли даражадаги мураккабликка эга машғулоти тури ҳисобланади, шунинг учун ҳам уни нисбатан тажрибали ўқитувчиларга ишониб топширилади. Маърузанинг вазифалари қуйидагилардир: ўқув фани бўйича билимлар тизимини шакллантириш; илмий материалларни аргументларни келтириб (асосли равишда) баён этиш малакасини шакллантириш; касбий фикрлаш доирасини ва умумий маданиятни шакллантириш; дарслик ва ўқув қўлланмаларида хали ёритилмаган янги билимларни баён этиш. Маърузанинг вазифалари қуйидагилардир: **информацион** (маълумот бериш) – билимлар тизимини баён этиш; **мотивацион** – ўқув фани мазмунини ўзлаштиришга бўлган қизиқишни ва бўлажак мутахассиснинг касбий мотивини уйғотиш; **мўлжал олдирувчи** – ўқув материални келажакда ҳам ўзлаштирилишини учун асос



яраташ; тарбиявий – таълим жараёнига онгли муносабатни шакллантириш, мустақил ишлаш ва мутахассисликни ҳар томонлама эгаллашга интилиш, ўқув фанига қизиқишни ривожлантириш, талабаларнинг тафаккурини фаоллаштиришга кўмаклашиш.

Ҳозирги кунда машғулотларни маъруза методида олиб борилишига қаршилик қилувчиларнинг сони ортиб бормоқда. Уларнинг фикрларига кўра маърузанинг камчилиги, авваламбор, талабалар фаоллигининг етарли эмаслиги, улапр томонидан маълумотлапрни етарлича ишланмаслиги талабаларнинг ижодий фаолиятининг мавжуд бўлмаслиги, уларнинг танқидий тафаккурини, маълумотларни амалий қўллаш ва уларни мустақамлашни сўндиришидадир.

1980-йилларнинг охирида олиб борилган илмий ишларнинг кўпчилигида маърузаларда ўтириш талабаларнинг ўрганиши учун доимо ҳам самарали йўл бўла олмайди деган фикр таъкидланиб, кейинги йилларда маърузалар миқдорининг камайиши кузатилади. Аммо маъруза ҳозиргача ҳам талабаларнинг таълимий тажрибасининг учун муҳим қисм бўлиб қолмоқда, ҳатто масофали таълим олаётган талабалар ҳам интернет орқали ёзилган маърузаларни кўришлари ва тинглашлари, ёки реал вақтда онлайн маърузаларда видео-конференция технологиялари орқали иштирок этишлари мумкин. Шундай фикрлар ҳам борки, маърузаларнинг сақланиб қолганлигига охириги ўн йил давомида Буюк Британияда талабалар сонининг сезиларли ошганлиги сабаб бўлган. Чунки билимларни етказишнинг бошқа самарали воситалари ҳам мавжуд<sup>2</sup>

Бироқ тажрибаларнинг кўрсатишига кўра, маърузадан вож кечиш талабалар тайёргарлигининг илмий даражасини пасайтиради, шунинг учун ҳам маъруза худди аввалгидек, олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишнинг асосий шакли бўлиб қолмоқда.

Ўқув жараёнида таълимнинг маъруза шакли бошқа бир шаклдаги машғулот билан алтиришнинг иложи бўлмаса бир қатор вазиятлар юзага келади<sup>3</sup>

□ «янги ўқитилаётган курслар бўйича дарсликлар мавжуд бўлмаган вазиятда маъруза – асосий маълумот манбаи ҳисобланади;

□ «янги ўқитилаётган курслар бўйича дарсликлар мавжуд бўлмаган вазиятда маъруза – асосий маълумот манбаи ҳисобланади;

□ маълум бир мавзу бўйича янги ўқув материали хали дарсликдан ўрин эгалламаганда ёки унинг бўлимлари эскирганда ҳам маъруза – асосий маълумот манбаи ҳисобланади;

<sup>2</sup> A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter V: Lecturing to large groups, Ann Morton, 58 p.

<sup>3</sup> Буланова-Топоркова М.В. Педагогика и психология высшей школы: учебное пособие. — Ростов-на-Дону: Феникс, 2002 й. - 544 б.

□ дарсликнинг айрим мавзулари мустақил ўзлаштириш учун мураккаб бўлиб, маърузачи томонидан методик қайта ишланишини талаб этади;

□ курснинг асосий муаммолари бўйича қарама-қарши концепциялар мавжуз бўлганда маъруза уларнинг объектив ёритилиши учун муҳимдир;

□ маъруза маърузачининг талабаларнинг дунёқарашини шакллантириш мақсадида шахсий ҳиссий таъсир этиши талаб этилганда жуда муҳим ҳисобланади ва ҳеч бинр машғулоти тури билан алмаштириб бўлмайди. Маърузанинг ҳиссий безаклари чуқур даражадаги илмий мазмун билан уйғунлашиб, тингловчилар билан фикр, сўз ва идрок орасидаги мувофиқликни яратади. Маърузанинг ҳиссий таъсири ижтимоий фанларни ўқитишда муҳим ўринни эгаллайди».

Яхши тайёрланган маъруза кўйидаги жиҳатларга эга бўлиши лозим:

□ маълумотлар билан бойитилган, қизиқарли ва жалб этувчи бўлиши мазмуни яхши ташкиллаштирилган ва тинглашга осон. Талабалар аргументнинг ишлаб чиқилишини, ёки маълумот ва ғояларнинг кетма-кетлиги мантиғини тушуна олишади.

□ Талабалар ўзларини жалб этилган деб ҳис қилиши. Бу фаол қатнашиш, улар қўллай оладиган мувофиқ намуналар орқали ўзларининг фикрини билдира олиши орқали таъминланиши мумкин. Гуруҳнинг ҳажмидан қатъий назар, талабаларни уларга савол бериш орқали маъруза мазмунига жалб этиш талабаларни қизиқтиришнинг муҳим усули.

□ Талабалар вақт тез ўтганини сезмай қолишади

□ Талабалар гуруҳ хонасидан маълум бир маълумотни эгаллаган ҳис билан чиқишади, ва кўп ҳолларда манбаларни қидириб, кўпроқ маълумот олишга илҳомланишади<sup>4</sup>

Маърузанинг тузилишини кўриб чиқамиз. Маърузанинг одатий тузилмасига элементларига кириш, асосий қисм, хулоса киритилади.

Кириш – аудиторияни ўқув материални идрок этишга қизиқтириш вайўналтириш мақсадига эга бўлган маърузанинг бир қисмидир. Маърузанинг бу қисмига: маъруза мавзусини баён этиш, унинг касбий аҳамиятини, янгилигини ва унинг ўрганилганлик даражасини, маъруза мақсадини тавсифлаш, маърузада кўриб чиқилиши лозим бўлган асосий муаммоларни қамраб олган маъруза режасини баён этиш, аввалги маърузада кўриб чиқилган саволларни ёдга солиш, уларнинг янги материал билан боғлиқлигини, унинг ушбу фандаги аҳамияти, ўрнини, шунингдек, бошқа фанлар тизимидаги ўрнини белгилашни қамраб олади.

Асосий қисм – таклиф этилган режага қатъий амал қилган ҳолда маъруза

<sup>4</sup> A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter V: Lecturing to large groups, Ann Morton, 59 p.

мазмунини баён этиш. Маъруза мавзусини очиб берувчи концептуал ва далилли материалларни, уларни таҳлили ва баҳоланишини, илгари сурилаётган назарий қоидаларни турли усулларда аргументлаш ва исботлашни қамраб олади. Маърузанинг турига қараб иш тури аниқланади.

Хулоса – маърузани умумий хулосалаш, материалларни умумлаштириш, маъруза мавзуси бўйича хулосаларини баён этиш; талабаларнинг саволларига жавоб бериш.

Замонавий педагогик технологиялар материалларни маъруза кўринишида баён этишнинг анъанавий устунликларини сақлаб қолган ҳолда маъруза методининг камчиликларини енгиб ўтишга ҳаракат қилмоқда.

Худди шундай, муаммоли маъруза материални баён этиш давомида ҳал этилиши лозим бўлган саволлардан, муаммони белгилашдан бошланади.

Бунда муаммони ҳал этишнинг тайёр шакли талабаларнинг тажрибасида мавжуд бўлмайди, яъни саволга жавоб топиш учун фикрлаш, фаразларни илгари суриш ва уларни текшириб кўриш талаб этилади. Маълумотли маърузада ўқитувчи томонидан маълум бўлганлар нарсалар ўргатилиши ва талабалардан уларни эслаб қолишнинг ўзи талаб этилса, унинг мазмунидан фарқли равишда, муаммоли маърузада янги билим талабалар учун шахсий ихтиролари сифатида ўргатилади. Муаммоли маърузада талабаларнинг тафаккурини бошқариш учун ўқитувчи томонидан аввалдан тайёрлаб қўйилган муаммо ва маълумотли саволлар қўлланилади.

Муаммоли саволлар – бу жавоблари аввалги ўрганилган мавзуларда ҳам, баён этилаётган материалда ҳам (доскадаги ёзувларда, девордаги жадвалларда ва х.к.) бўлмаган ва талабаларда интеллектуал қийинчиликларни юзага келтирувчи саволлардир. Муаммоли саволлар ўз ичига номаълумларни, янги билимларни қамраб олиб, уларни эгаллаш учун қандайдир интеллектуал ҳаракат, маълум бир мақсадга йўналтирилган тафаккур жараёни талаб этилади.

Маълумотли саволлар муаммони тушуниш учун талабаларда мавжуд бўлган билимларни актуаллаштириш ва уни ҳал этиш бўйича ақлий фаолиятни бошлаш мақсадида берилади.

Шундай қилиб, ўқув материали ўқув муаммоси сифатида илгари сурилади. У маълум шароитда айрим қарама-қаршиликларга эга ва ушбу қарама-қаршиликлар ойдинлашувчи якуний саволлар билан тугайдиган идрок вазифаларининг мантиқий шаклига эга. Муаммоли баён этиш учун ўқув фанининг асосий концептуал мазмунини ташкил этувчи, бўлажак касбий фаолият учун нисбатан муҳим бўлган ва талабалар томонидан ўзлаштирилиши қийинроқ бўлган курснинг муҳим бўлимлари танлаб олинади.

Ўқув муаммолари ўзларининг мураккаблиги жиҳатидан талабаларга мос бўлиши, ўқувчиларнинг билиш жараёнларини ҳисобга олинган, ўрганилаётган

фандан келиб чиқган ҳолда янги материални ўзлаштиришда ва шахсни – умумий ва касбий ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлиши зарур.

Вузуаллаштириш (намойиш этиш)- маърузаси кўرғазмалилик тамойилини янгича қўлланилишига мисол бўла олади, унинг фаол ўқитишнинг шакллари ва методлари ҳақидаги психолого-педагогик илм маълумотлари мазмунига таъсири натижалари ҳисобланади.

Вузуаллаштириш (намойиш этиш)- маърузаси талабаларни оғзаки ва ёзма маълумотларни визуал шаклга айлантиришга ўргатади, у эса таълим мазмунида мавжуд бўлган аҳамиятли элементларни ажратиш ва тизимлаштириш ҳисобига касбий тафаккурни шакллантиради. Ўқитувчи томонидан ушбу турдаги маърузага тайёрланиш деганда маъруза машғулоти мавзуси бўйича ўқув материалларини таълимнинг техник воситалари ёки қўлда (чизма, расм, жадваллар ва х.к.) талабаларга тақдим этиш учун визуал шаклга келтириш назарда тутилади. Бу турдаги маърузани ўқиш маъруза мавзусини тўлиқ очиб берувчи ўқитувчи томонидан тайёрлаб келинган кўрғазмали материалларни кенг ва боғлиқ равишда шарҳлаш даражасига етказилади. Бундай турда тақдим этилган маълумотлар талабаларнинг касбий ва идрок этиш фаолиятида муҳим ҳисобланган улар томонидан ўрганилган билимларни тизимлашишини таъминлаши, муаммоли вазиятларни вужудга келтириши ва уларнинг ечимини топишга имкон яратиши, турли турдаги кўрғазмаларни намойиш этиши керак.

Маърузанинг бу турини талабалар билан янги бўлим, мавзу, фанни

ўрганишни бошлашда қўллаш яхши натижа беради. Бунда юзага келувчи муаммоли вазият материални ўрганишга, ўқишнинг бошқа турларида кўрғазмали маълумотларни ривожлантириш кўникмасига психологик кўрсатмани яратади.

Ҳамкорликдаги маъруза муаммоли мазмундаги ўқув материални икки ўқитувчининг ўзаро жонли диологик мулоқотида тақдим этилишидир. Бунда икки мутахассиснинг назарий муаммоларни икки нуқтаи-назардан муҳокамаси каби аниқ касбий ва малакали вазият гавдаланади, масалан, назариётчи ва амалиётчи муҳокамаси, бирон-бир фикр тарафдори ва бу фикрга қарши мутахассиснинг каби. Маърузанинг бу тури талабаларнинг танқидий тафаккурини фаол равишда ривожланишига ҳизмат қилади.

Бу жараёнда ўқитувчиларнинг ўзаро диологи ечими изланаётган муаммонинг ечимини ҳамкорликда излаш мқаданиятини намаён этиши ва бу жараёнга талабаларнинг саволлар, ўз нуқтаи-назарларини баён этиш, муҳокама этилаётган маъруза мавзусига ўз муносабатларини шакллантириш, юз бераётган ходисаларга ҳиссий жавоб қайтаришларини жалб этиши лозим.

Маъруза вақтида ҳар икки ўқитувчининг юқори даражадаги фаоллиги талабаларда фикран ва ахлоқан фаол бўлишни келтириб чиқаради, бу эса фаол

таълим олишга хос бўлган хислат ҳисобланади: талабаларнинг билиш жараёнига жалб этилганлиги ўқитувчиларнинг фаоллиги билан мос келади.

Юқорида санаб ўтилганлардан ташқари талабалар мунозара қилиш маданияти, диалогга киришиш усуллари, ҳамкорликдари изланиш ва якуний тўхтамга келиш ҳақида кўргазмали равишдаги тасаввурга эга бўладилар.

Олдиндан режалаштирилган хатоликлар билан олиб бориладиган маъруза талабаларда касбий вазиятларни оператив равишда таҳлил этиш, эксперт, оппонент, рецензент сифатида қатнашиш, нотўғри ёки ноаниқ маълумотларни ажратиб кўрсата олиш кўникмасини ривожлантириш учун ишлаб чиқилган.

Ўқитувчининг маърузага тайёргарлиги шундан иборат бўладики, маъруза мазмунига маълум миқдорда семантик, методик ёки ахлоқийдоирадаги хатоликлар киритилиши талаб этилади. Бундай хатоликларнинг рўйхатини ўқитувчи маърузага олиб келади, бироқ уларни талабаларнинг эътиборига маърузанинг охирида тақдим этади. Талабалар томонидан йўл қўйиладиган ва маъруза ўқиш жараёнида ўқитувчилар томонидан кўп ҳолатларда учрайдиган хатоликлар танлаб олиниши мақсадга мувофиқдир.

Ўқитувчи маърузани шундай маҳорат билан олиб бориши ва йўл қўйилган хатоларни яшириши керакки, унда йўл қўйилган хатоликларни талабалар яққол ва тез аниқлай.

Талабаларнинг вазифаси шундан иборат бўладики, дафтарларига йўл қўйилаётган хатоларни қайд этиб боришлари ва маърузанинг сўнгида уларни баён этишлари талаб этилади. Хатоларни муҳокамаси учун 10-15 дақиқа ажратилади. Мана шу муҳокама жараёнида ўқитувчи, талабалар ёки ҳамкорликда саволлар эмас, балки тўғри жавоблар бериб борилади.

Олдиндан режалаштирилган хатоликларнинг миқдори ўқув материалининг, маърузанинг дидактик ва тарбиявий мақсадидан, талабаларнинг тайёргарлиги даражасидан келиб чиқиб белгиланади.

Замонавий педагогик технологиялар материалларни маъруза кўринишида баён этишнинг анъанавий устунликларини сақлаб қолган ҳолда маъруза методининг камчиликларини енгиб ўтишга ҳаракат қилмоқда.

Худди шундай, муаммоли маъруза материални баён этиш давомида хал этилиши лозим бўлган саволлардан, муаммони белгилашдан бошланади.

Бунда муаммони хал этишнинг тайёр шакли талабаларнинг тажрибасида мавжуд бўлмайди, яъни саволга жавоб топиш учун фикрлаш, фаразларни илгари суриш ва уларни текшириб кўриш талаб этилади. Маълумотли маърузада ўқитувчи томонидан маълум бўлганлар нарсалар ўргатилиши ва талабалардан уларни эслаб қолишнинг ўзи талаб этилса, унинг мазмунидан фарқли равишда, муаммоли маърузада янги билим талабалар учун шахсий ихтиролари сифатида ўргатилади. Муаммоли маърузада талабаларнинг тафаккурини бошқариш учун

ўқитувчи томонидан аввалдан тайёрлаб қўйилган муаммо ва маълумотли саволлар қўлланилади.

Муаммоли саволлар – бу жавоблари аввалги ўрганилган мавзуларда ҳам, баён этилаётган материалда ҳам (доскадаги ёзувларда, девордаги жадвалларда ва х.к.) бўлмаган ва талабаларда интеллектуал қийинчиликларни юзага келтирувчи саволлардир. Муаммоли саволлар ўз ичиганоммаълумларни, янги билимларни қамраб олиб, уларни эгаллаш учун қандайдир интеллектуал ҳаракат, маълум бир мақсадга йўналтирилган тафаккур жараёни талаб этилади.

Маълумотли саволлар муаммони тушуниш учун талабаларда мавжуд бўлган билимларни актуаллаштириш ва уни ҳал этиш бўйича ақлий фаолиятни бошлаш мақсадида бериледи.

Шундай қилиб, ўқув материали ўқув муаммоси сифатида илгари сурилади. У маълум шароитда айрим қарама-қаршиликларга эга ва ушбу қарама-қаршиликлар ойдинлашувчи якуний саволлар билан тугайдиган идрок вазифаларининг мантиқий шаклига эга. Муаммоли баён этиш учун ўқув фанининг асосий концептуал мазмунини ташкил этувчи, бўлажак касбий фаолият учун нисбатан муҳим бўлган ва талабалар томонидан ўзлаштирилиши қийинроқ бўлган курснинг муҳим бўлимлари танлаб олинади.

Ўқув муаммолари ўзларининг мураккаблиги жиҳатидан талабаларга мос бўлиши, ўқувчиларнинг билиш жараёнларини ҳисобга олинган, ўрганилаётган фандан келиб чиққан ҳолда янги материални ўзлаштиришда ва шахсни – умумий ва касбий ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлиши зарур.

Визуаллаштириш (намойиш этиш)- маърузаси кўرғазмалилик тамойилини янгича қўлланилишига мисол бўла олади, унинг фаол ўқитишнинг шакллари ва методлари ҳақидаги психолого-педагогик илм маълумотлари мазмунига таъсири натижалари ҳисобланади.

Визуаллаштириш (намойиш этиш)- маърузаси талабаларни оғзаки ва ёзма маълумотларни визуал шаклга айлантиришга ўргатади, у эса таълим

мазмунда мавжуд бўлган аҳамиятли элементларни ажратиш ва тизимлаштириш ҳисобига касбий тафаккурни шакллантиради. Ўқитувчи томонидан ушбу турдаги маърузага тайёрланиш деганда маъруза машғулоти мавзуси бўйича ўқув материалларини таълимнинг техник воситалари ёки қўлда (чизма, расм, жадваллар ва х.к.) талабаларга тақдим этиш учун визуал шаклга келтириш назарда тутилади. Бу турдаги маърузани ўқиш маъруза мавзусини тўлиқ очиб берувчи ўқитувчи томонидан тайёрлаб келинган кўрғазмали материалларни кенг ва боғлиқ равишда шарҳлаш даражасига етказилади. Бундай турда тақдим этилган маълумотлар талабаларнинг касбий ва идрок этиш фаолиятида муҳим ҳисобланган улар томонидан ўрганилган билимларни тизимлашишини таъминлаши, муаммоли вазиятларни вужудга келтириши ва

уларнинг ечимини топишга имкон яратиши, турли турдаги кўргазмаларни намоёйиш этиши керак.

Маърузанинг бу турини талабалар билан янги бўлим, мавзу, фанни ўрганишни бошлашда қўллаш яхши натижа беради. Бунда юзага келувчи муаммоли вазият материални ўрганишга, ўқишнинг бошқа турларида кўргазмали маълумотларни ривожлантириш кўникмасига психологик кўрсатмани яратади.

Ҳамкорликдаги маъруза муаммоли мазмундаги ўқув материални икки ўқитувчининг ўзаро жонли диологик мулоқотида тақдим этилишидир. Бунда икки мутахассиснинг назарий муаммоларни икки нуқтаи-назардан муҳокамаси каби аниқ касбий ва малакали вазият гавдаланади, масалан, назарий ва амалиётчи муҳокамаси, бирон-бир фикр тарафдори ва бу фикрга қарши мутахассиснинг каби. Маърузанинг бу тури талабаларнинг танқидий тафаккурини фаол равишда ривожланишига ҳизмат қилади.

Бу жараёнда ўқитувчиларнинг ўзаро диологи ечими изланаётган муаммонинг ечимини ҳамкорликда излаш мақданийтини намаён этиши ва бу жараёнга талабаларнинг саволлар, ўз нуқтаи-назарларини баён этиш, муҳокама этилаётган маъруза мавзусига ўз муносабатларини шакллантириш, юз бераётган ходисаларга ҳиссий жавоб қайтаришларини жалб этиши лозим.

Маъруза вақтида ҳар икки ўқитувчининг юқори даражадаги фаоллиги талабаларда фикран ва ахлоқан фаол бўлишни келтириб чиқаради, бу эса фаол таълим олишга хос бўлган хислат ҳисобланади: талабаларнинг билишжараёнига жалб этилганлиги ўқитувчиларнинг фаоллиги билан мос келади.

Юқорида санаб ўтилганлардан ташқари талабалар мунозара қилиш маданияти, диалогга киришиш усуллари, ҳамкорликдари изланиш ва якуний тўхтамга келиш ҳақида кўргазмали равишдаги тасаввурга эга бўладилар.

Олдиндан режалаштирилган хатоликлар билан олиб бориладиган маъруза талабаларда касбий вазиятларни оператив равишда таҳлил этиш, эксперт, оппонент, рецензент сифатида қатнашиш, нотўғри ёки ноаниқ маълумотларни ажратиб кўрсата олиш кўникмасини ривожлантириш учун ишлаб чиқилган.

Ўқитувчининг маърузага тайёргарлиги шундан иборат бўладики, маъруза мазмунига маълум миқдорда семантик, методик ёки ахлоқий доирадаги хатоликлар киритилиши талаб этилади. Бундай хатоликларнинг рўйхатини ўқитувчи маърузага олиб келади, бироқ уларни талабаларнинг эътиборига маърузанинг охирида тақдим этади. Талабалар томонидан йўл қўйиладиган ва маъруза ўқиш жараёнида ўқитувчилар томонидан кўп ҳолатларда учрайдиган хатоликлар танлаб олиниши мақсадга мувофиқдир.

Ўқитувчи маърузани шундай маҳорат билан олиб бориши ва йўл қўйилган хатоларни яшириши керакки, унда йўл қўйилган хатоликларни талабалар яққол

ва тез аниқлай.

Талабаларнинг вазифаси шундан иборат бўладики, дафтарларига йўл қўйилаётган хатоларни қайд этиб боришлари ва маърузанинг сўнгида уларни баён этишлари талаб этилади. Хатоларни муҳокамаси учун 10-15 дақиқа ажратилади. Мана шу муҳокама жараёнида ўқитувчи, талабалар ёки ҳамкорликда саволлар эмас, балки тўғри жавоблар бериб борилади.

Олдиндан режалаштирилган хатоликларнинг миқдори ўқув материалнинг, маърузанинг дидактик ва тарбиявий мақсадидан, талабаларнинг тайёргарлиги даражасидан келиб чиқиб белгиланади.

Янги маърузачи учун ҳар хил гуруҳ талабаларига маъруза ўқиш учун жуда муҳим тажриба бўлиб ҳисобланади. Материални шунчаки билиш етарли эмас. Маърузачи маърузани қизиқарли ва эътиборни тортадиган қилиб, яхши тайёргарлик кўриши ва мос ва мавзули мисоллардан фойдаланиб мавзунини тушунтира олиши зарур. Маърузани тўғри ўтиш маҳорат ва вақт талаб қилади. Талаба ва ҳамкасблардан маъруза тўғрисида фикрларини сўраш маъруза ўқиш сифатини кўрсатиш учун муҳим омил ҳисобланади ва Сиз ўз амалиётингизни кучайтиришни хоҳлашингиз мумкин<sup>5</sup>

Маъруза ўқитувчи шахсининг барча бойлиги: онги, ҳиссиёти, иродаси, туйғуси, эътиқоди орқали талабалар ички дунёси билан мулоқотда бўлишининг энг самарали, жонли шаклидир. Бунда ўқитишнинг йўналтирув, ахборот бериш, методологик ва тарбиялаш функцияларини рўёбга чиқаришга ёрдам беради.

Маърузанинг **йўналтирувчи** функциясида талабаларнинг диққати ўқув материалнинг асосий қоидалари, уни ўрганишдаги ҳамда бўлғуси касбий фаолиятидаги роли ва аҳамияти, уни ўзлаштириш методларига жалб қилинади.

Маърузанинг **ахборот бериш** функцияси асосий илмий фактлар, қоидалар, хулосаларнинг моҳиятини очишда ўқитувчи томонидан амалга оширилади.

Маърузанинг **методологик** функциясини қўллаш тадқиқот методларини қийслаш, чоғиштиришга, илмий изланишнинг тамойиллари ва ёндашувларини аниқлашга ёрдам беради.

Маърузанинг **тарбиявий** функцияси маъруза жараёнида ўқув материалга ҳиссий баҳо бериш муносабатларини уйғотиш, қизиқишларини ўстириш, мантиқий фикрлаш ва исботлашни ойдинлаштириш йўли билан амалга оширилади.

Олий таълимда ўқитишнинг бир шакли сифатида маърузага қўйиладиган **талаблар:**

- маърузанинг ахлоқийлик жиҳати (илмийлик ва ахборотлилик);
- исботлаш ва аргументлаш (аниқ мисолларнинг етарли бўлиши);

<sup>5</sup> A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter V: Lecturing to large groups, Ann Morton, 59-71p.





- баён қилишнинг эмоционаллиги (талабаларни фаоллаштириш);
- баён қилинадиган масалаларнинг аниқ структураси ва мантиқи;
- методик жиҳатдан ишлаб чиққанлик (асосий фикрларни аниқлаш);
- аниқ, илмий ва адабий тилда баён қилиш;
- аудиовизуал дидактик материалларни фойдаланиш.

**Маърузага тайёрланиш:**

- маъруза мавзуси бўйича материаллар тўплаш;
- маърузанинг режасини тузиш;
- маърузага материалларни саралаб олиш;
- маъруза конспектини тузиш;
- маъруза машғулотини ўтишнинг технологиясини ишлаб чиқиш.

Яхши маъруза ўқитувчидан жуда катта меҳнатни талаб этади. Камида бир хафта олдин тайёргарлик кўришни бошлаш керак. Бугунги кунда педагогика фани ўқитувчисидан педагогик прогностикадан оптимал фойдаланиш талаб этилади.

**Маъруза турлари ва унинг ўзига хос хусусиятлари**

Маъруза турлари	Ўзига хос хусусиятлари
Кириш маърузаси	Ўқувчиларда ўқув фани тўғрисидаги умумий тасаввурларни шакллантириш
Маълумотли маъруза	Ўқувчиларда муаммога доир маълумотларни ахборий-рецептли тарзда тақдим этиш
Анжуман-маъруза	Ўқувчилар томонидан ўқув материални изланишли тарзда ўзлаштирилишига эришиш
Муаммоли-маъруза	Ўқувчиларга муаммоли савол, муаммоли вазият ва муаммоли топшириқларни тақдим этиш орқали ўқув бирликларини баён этиш
Маъруза-мунозара	Фикрлар алмашинувини ташкил этиш асосида маъруза қисмларини ўзлаштиришга эришиш
Визуал-маъруза	Визуал-материалларни тақдим этиш орқали ўқувчилар томонидан материални ўзлаштиришга эришиш
Конспектли-маъруза	Ўқувчилар томонидан ўқув материални ўзлаштиришга эришиш мақсадида тушунтириш билан бирга энг асосий қисмларини ёздириб бориш
Маслаҳатли-маъруза	Савол ва жавоблар тарзида маъруза машғулотини ташкил этиш

Бинар-маъруза	Муаммо юзасидан тадқиқот олиб борган мутахассис-олим билан биргаликда маърузани ташкил этиш
---------------	---

### Маъруза ва унинг ўзига хосликлари

Маъруза-педагогик фанларни ўқитишнинг асосий шакли ҳисобланиб, қуйидаги вазифаларни амалга оширишга имкон беради:

1) йўналтирувчи: ўқувчиларни ўқув материалининг асосий жиҳатларига эътибор қаратишга имкон бериш;

2) ахборот: ўқитувчи маъруза вақтида муаммони, муаммо билан боғлиқ асосий далил ва хулосалар моҳиятини очиб беради;

3) методологик: маъруза жараёнида муаммонинг фалсафий-назарий асослари намоён этилади.

4) тарбияловчи: ўқувчиларда тинглаш, идрок этиш, мунозарада иштирок этиш маданиятини шакллантириш;

5) ривожлантирувчи: ўқувчиларда мантиқий фикрлаш, хулосалар чиқара олиш қобилиятини ривожлантириш.

Маъруза методида кўзланган асосий мақсад - ўқувчиларда билимни мустақил эгаллаш қобилиятини ҳосил қилишдир.

Маъруза янги билимни ўтишда унинг қисмларини умумлаштиришда, мураккаб қонун-қоидаларни яқунлашда, муаммоли масалаларни ўрганишда, ўқув фанлари ўртасидаги ўзаро алоқани ўрганишда қўлланилади.

Маърузанинг мазмунли, самарали бўлиши учун:

- аниқ, ўйлаб тузилган режани ўқувчиларга таништириш;
- режанинг ҳар бир қисми бўйича берилган маълумотни яқунлаш;
- баён ўқувчиларга тушунарли ва кўرғазмали, ёрқин бўлиши;
- баён ўқувчиларда муҳим ўринларни билиб олишга қизиқиш уйғотадиган бўлиши керак.

### 4.3. Семинар, амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиш технологияси

Семинар машғулотлари – ўқув жараёнини ташкил этишнинг асосий шаклидан бири бўлиб, ўқитувчи назорати остида талабалар томонидан назарий саволларни жамоавий равишда муҳокама қилишни назарда тутлади.

Семинар машғулотлари таълим бериш шакли сифатида антик даврга бориб тақалувчи узоқ тарихга эга. “Семинар” сўзининг ўзи латин тилидаги "семинариум" сўздан олинган бўлиб, боғбон (кўчат ўтказувчи) деб таржима қилинади. Бу вазифа ўқитувчига талабаларнинг онгига янги билимларни

ўтказиш ва уларни ривожлантириш вазифаси билан боғланган бўлиб, талабалар ўқитувчидан олган билимлари эвазига келажакда мустақил фикрлайдиган, билимларини бойитиб боришга интилувчи шахс бўлиб етишадилар.

Семинар машғулоти ўқув жараёнини ташкил этишнинг бошқа шакллари билан узвий боғланган бўлиб, булар авваламбор маъруза ва талабаларнинг мустақил ишларидир. Семинар машғулоти талабаларнинг касбий тайёргарлиги сифатини белгилаб берувчи курснинг асосий мавзулари олиб чиқилади.

Семинар машғулотининг ўзига хослиги кўриб чиқилаётган мавзумуҳокамасида ҳар бир талабанинг бир маромда ва фаол иштирокига имкон яратилишидир.

Семинар машғулотининг вазифалари қуйидагилардир:

- ўқув фани бўйича талабаларнинг билимларини мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш ва кенгайтириш; интеллектуал вазифа ва муаммоларни ўрнатиш ва ечимини топиш малакасини шакллантириш; талабалар билан ўз нуқтаи – назарини асослаш, шунингдек бошқа фикрларни исботлаш ёки инкор этиш бўйича қобилиятларини ривожлантириб бориш; назарий жиҳатдан тайёргарлик даражасини намойиш этиш; адабиётлар билан мустақил ишлаш кўникмасини шакллантириш. Семинар машғулотларининг қуйидаги кўринишларини фарқлаш мумкин.

Просеминар – биринчи курс талабаларини олий таълимда мустақил ишлашнинг ўзига хослиги билан таништириш, илмий адабиётлар билан ишлаш кўникмасини эгаллашни мақсад қилган. Талабанинг просеминарда ишлашнинг характерли элементи маълум мавзуларда рефератларнинг тайёрлаб келишлари, уларни ўқиб беришлар ва муҳокама қилишлари ва ўқитувчидан мос равишдаги баҳога эга бўлишларидир.

Семинар - семинар машғулоти курснинг ўқув дастури билан мустаҳкам равишда боғланган бўлиб, унинг алоҳида, нисбатан чуқурроқ мавзуларини ўрганишни мақсад қилгандир.

Махсус семинар - семинар машғулоти тадқиқодчилик турида бўлиб, курс бўйича маъруза машғулоти мавзуларидан қатъий назар ҳам бўлиши мумкин, унинг мақсади айрим муаммоларни чуқурроқ ўрганишдан иборатдир. Юқори курсларда ташкил этилади ва ушбу соҳа бўйича мутахассис бошқарувида олиб борилади. Семинар машғулоти одатда қуйидаги тузилишга эга: ўқитувчининг кириш сўзи, асосий қисм, ўқитувчининг якуний сўзи. Ўқитувчининг кириш сўзи ўрганилаётган курс доирасида ушбу семинар машғулотининг ўрнини, машғулотнинг мақсад ва вазифаларини қисқа очиб беради, талабаларнинг диққатини мобиллаштиради, машғулотга қаратади ва фаоллаштиради.

Асосий қисм талабаларнинг чиқишлари ва уларни муҳокамаси, қуйида яна тўхталиб ўтилувчи турли методик шакллардан иборат бўлади.

Ўқитувчининг якуний сўзи алоҳида саволлар бўйича ҳам, умумий семинар машҳулоти бўйича ҳам амалга оширилиши мумкин бўлиб; талабалар фаолиятини хулосалаш ва баҳолаш, кейинги семинар машҳулоти бўйича кўрсатмалар беришдан иборат бўлади.

Мутахассисликлар бўйича фанлардан семинар машҳулотларини ташкил этишнинг турли шаклларини кўриб чиқамиз.

Семинар режаси саволлари бўйича талабалар билан савол-жавоб ўтказиш ўқитувчининг навбати билан ҳар бир талаба билан суҳбатига тенг. Бу жараёнда бутун гуруҳга эмас, балки суҳбат олиб борилаётган талабанинг ўзига савол берилади. Талаба саволга ноаниқ ёки тўлиқ бўлмаган жавобни берса, ўқитувчининг ўзи жавобни тўлдиради, аниқлаштиради. Натижада гуруҳнинг асосий талабалари ўқитувчи билан суҳбатлашиш навбатлари келишини кутиб пассив ҳолатни эгаллайдилар, кўпинча бошқа ишлар билан банд бўладилар ёки конспектларини маъносиз равишда варроқлай бошлайдилар<sup>6</sup>

Буланова-Топоркова М.В.<sup>7</sup> семинар машҳулотини ташкил этишнинг анъанавий методини қуйидаги камчиликларини кўрсатиб ўтганлар. Сўз навбати берилган талабалар индивидуал билимларини намоён этадилар, шунинг учун мулоқот деярли амалга оширилмайди. Ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам мавжуд бўлмайди. Сўзга чиқган талабага ёрдам бериш жавобни айтибтуриш ҳисобланади, бу тақиқланган, тартибни бузиш ҳисобланади.

Талабаларнинг ўқув жараёнига шахсий ёндошуви кузатилмайди. Талабанинг интеллектуал фаоллиги чегаралаб қўйилади. Ўқитувчи ва талаба орасидаги масофа мулоқот қилиш, ўзаро ҳаракатлар қилишга чегара қўяди. Талабалар семинар вақтида ўз фикрларини билдирмай, бошқа ишлар билан банд бўлиш имкониятига эга бўладилар.

Семинарни ташкил этиш шаклининг ўзи талабаларни пассив ҳолатга тушириб қўяди, уларнинг нутқий фаоллиги минимумга етказилади. Касбий жамият талаб этаётган касбий мулоқот ва ўзаро ҳаракатлар кўникмасини шакллантириш имконияти мавжуд бўлмайди. Шундай қилиб, машҳулотларда гуруҳли мулоқот қилиш шакли жамиятдаги, ишлаб чиқаришдаги кишилар муносабатининг адекват модели ҳисобланмайди, шунинг учун ҳам бугунги кунда мутахассисларни тайёрлаш талабларига мос келмайди.

<sup>6</sup> Елсуков А.Н. Методика преподавания социологии в высшей школе. Учебное пособие. Минск: ТетраСистемс, 2003

<sup>7</sup> Буланова-Топоркова М.В. Педагогика и психология высшей школы: учебное пособие. — Ростов-на-Дону: Феникс, 2002. - 544 б

Режа асосида очик суҳбат ушбу шакл семинар саволлари бўйича барча талабаларнинг тайёрланишини, уларнинг чиқишларини, ўқитувчининг семинар саволлари бўйича ва умуман семинар бўйича хулосаларини назарда тутати. Очик суҳбат саволлар бўйича муҳокама жараёнига иложи борида кўп талабаларни жалб этиш, диққатларини фаоллаштириш, асосий ва қўшимча воситалардан фойдаланиш имкониятини беради.

Очик суҳбат шаклидаги семинар машғулоти ўқитувчидан у ёки бу мавзу бўйича алоҳида вазифа олган талабаларнинг яқка холда сўзга чиқишини тақиқламайди, бироқ бундай ҳолатларнинг барчасида яқка чиқиш қилувчиталабаларнинг чиқишлари асосий бўлмайди, балки муҳокама этилаётган мавзуга қўшимча, тўлдириш сифатида амалга оширилади.

Талабаларнинг докладларини (рефератлари, мустақил ишларини) тинглаш. Докладлар тизими ўз ичига турли-туман вариантларни қамраб олади. Айрим ҳолатларда ўқитувчининг ўзи ёки талабанинг истагига кўра доклад қилувчини, унга ёрдам берувчини ва оппонентларни белгилайди.

Айрим ҳолатларда эса аксинча ўқитувчи режанинг барча саволлари бўйича ёки уларнинг айримлари бўйича фақатгина оппонентларни белгилайди.

Чиқиш вақтида оппонент талабанинг чиқишини муҳокама қилади, хато ва ноаниқ жойларини кўрсатиб ўтади, материални тўлдиради ва муҳокамага яқун ясайди. Ушбу вазифани амалга ошириш учун оппонентнинг ўзи мавзунинг режаси бўйича тўлиқ тайёрланган бўлиши зарур бўлади. Шундай қилиб, ишнинг мазмуни айрим талабаларга вақти-вақти билан семинар машғулотида у ёки бу саволни муҳокамасини бошқариш ва яқун яшани, унинг ижобий ва салбий томонлари ҳақида хулоса чиқаришни топширишдан иборат. Бу эса талабаларда педагогик иш кўникмасини янада самарали шакллантириш имконини яратиш беради.

Очик суҳбат ва докладлар тизимини семинарни ўтказишнинг мустақил шакли сифатида кўриб чиқар эканмиш, улар орасида жуда кўп умумийлик мавжудлигини таъкидлаб ўтиш лозим. У ерда ҳам, бу ерда ҳам ижодий муҳокамада асосийси мос келувчи саволлардир. Биринчи ҳолатда, гуруҳнинг тўлиқ равишда тайёрланади, иккинчи ҳолатда эса ташаббус доклад қилувчиларга берилади. Тажрибаларнинг кўрсатишича, доклад тизимида доклад сифатида бўлиб берилган саволлар бўйича бутун гуруҳнинг тайёрланиши жуда катта қийинчилик билан амалга ошади. Мана шундан келиб чиқиб иккита методик хулосага келиш мумкин: 1) ҳар бир шаклнинг ютуқ томонларини қўллаган холда, камчиликларини бар тараф этишга ҳаракат қилишга эътиборни қаратиш лозим; 2) машғулотларда у ёки бу шаклларни алмаштириб қўллаш ва бир шаклнинг устун бўлиб қолишини олдини олиш.

Айрим талабалар томонидан аввалдан тайёрланган ва семинардан олдин бутун гуруҳ билан ўқилган рефератларни муҳокама қилиш. Семинар машғулотини ўтказишнинг навбатдаги шакли рефератларни муҳокама қилиш ҳисобланади. Оддий докладлардан реферат ўзининг мустақил равишда бажарилганлиги, ўз тадқиқодлари элементларининг киритилиши, ижодий ёндошув, илмийлиги билан фарқланиб туради. Агар реферат семинар машғулотидан олдин бошқа талабалар томонидан ҳам ўқиб чиқилган бўлса яхши бўлади, бироқ техник жиҳатидан бу қийин жараён дир. Шунинг учун муаллиф ўз рефератини оғзаки маълумот бериш сифатида баён этиб беради.

Реферат методи талабаларда тадқиқодчилик иши кўникмасини шаклланишига ёрдам беради, социологи, социология бўйича семинар машғулотларини фаоллаштиради, ушбу фанни ўрганишни бошқа фанлар билан ва ишлаб чиқариш билан боғлаш имкониятини яратади.

Назарий конференция Назарий конференция кўринишидаги семинар машғулоти доклад ва рефератлар муҳокама қилинувчи семинар шаклларига яқин кўринишдаги семинар тури ҳисобланади. Унинг фарқи бир томондан нисбатан тўлиқ тайёргарлик кўрилишида бўлса, бошқа томондан у жуда кам ўтказилади, сабаби шундаки, уни ўтказиш учун битта гуруҳ эмас, бир қанча гуруҳ ёки поток жалб этилади. Конференциянинг мавзуси режанинг умумий мавзуларидан олиниши шарт эмас. Кўпинча у катта мавзуни, фаннинг бирон бўлимини ўрганиб бўлгач амалга оширилади.

Пресс-конференция-семинар Агар семинарда мураакаб бўлган назарий муаммоларни кўриб чиқиш назарда тутилган бўлса, уни пресс-конференция шаклида ўтказиш мумкин бўлади. Ушбу шаклнинг қуйидаги кўринишлари маълум:

- гуруҳ муаммога доир саволлар тузади, энг кўп савол тузган талабалар пресс-конференция иштирокчилари гуруҳига (саволларга жавоб берувчилар гуруҳига) киритилади;

- гуруҳ саволлар тузади ва энг қизиқ саволларнинг муаллифлари стол ёнига ўтказилади, улар гуруҳга ўз саволларини берадилар;

- гуруҳ саволлар тузади ўқитувчи эса улар орасидан аудиториға қараб ўтирувчиларни, саволларга жавоб берувчиларни танлаб олади;

- саволлардан кичик гуруҳлар тузилади, улар ўқиб эшиттирилгач гуруҳ нисбатан мантиқий ва қизиқ саволлар “пакетини” аниқлайди, савол муаллифлари уларни гуруҳга беради;

- 3-6 кишидан иборат бўлган гуруҳ оптимал гуруҳ ҳисобланади.

Гуруҳларга бирлаштириш ўқитувчи томонидан (асосан ҳаққоний равишда) қуръа ташлаш йўли билан ёки ўз танловига биноан амалга оширилиши мумкин.

Очиқ мунозара-семинари кўпгина ўқитувчилар томонидан гуруҳда ёки курсда ўтказилиши тавсия этилувчи машғулот турлдаридан биридир. Бундай семинарда мунозара учун олиб чиқиладиган саволларнинг мазмуни бизнинг илмий адабиётларимизда муҳокама этилувчи муаммолар бўйича бўлиши мумкин. Бунда бир талабага фақатгина битта нуқтаъи-назарни баён этиш, бошқа талабага эса бошқа нуқтаъи-назарни баён этишига руҳсат берилади.

Очиқ мунозарани шундай ташкил этиш муҳимки, талабалар тортишаётган томонларнинг ҳам кучли, ҳам кучсиз қирраларини кўра олсинлар. Агар илмда мунозаранинг якуни ясалган бўлса ва нуқтаъи-назарларнинг бири умумқабул қилинса, ўқитувчи семинарда ҳам бу фикр қайд этилишини таъминлаши керак.

Очиқ мунозара-семинари иштирокчиларнинг диологик мулоқоти жараёни сифатида ташкил этилади, бу жараёнда талабалар юқори даражадаги қизиқиш ва фаолликни намоеън этадилар, ишга ижодий ёндошадилар.

Мунозара бирон-бир фанга доир кенг қарашларнинг мавжуд бўлганида амалга оширилади. Акс ҳолатда фақатгина мавзунини муҳокамаси билан чегараланиш мумкин бўлади.

Мунозарани мавзули йўналтирилган баҳс тарзида амалга оширилишини ташкил этишнинг муҳим шартлари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- мунозаранинг барча иштирокчилари унга тайёр бўлишлари лозим;
- мунозаранинг ҳар бир иштирокчиси ўз чиқишига оид аниқ қисқа тезисга эга бўлиши керак;
- мунозарани жойнлантириш учун “машқ” қилиб кўриш мумкин;
- мунозара иштирокчиларнинг сўз беллашуви бўлмаслиги, балки муаммони ҳал этишга қаратилиши лозим.

Ушбу муаммонинг ҳал этилиши учун муҳокама иштирокчиларининг ўзаро ҳаракатларининг тўғри ташкил этилиши жуда муҳим ҳисобланади.

Чет эллик тадқиқодчилар очиқ-мунозара – семинари вақтида талабалар ва ўқитувчининг фазовий жойлашуви аҳамиятига алоҳида эътибор қаратадилар. Иштирокчиларнинг юзма-юз жойлашуви, яъни “айлана стол” тамойили асосида ўтиришлари бир-бирларига қарата айтилувчи фикрларнинг кўпайишига олиб келади. Агар ўқитувчи талабаларнинг орасида ўтирса ёки кузатувчи сифатида тингловчиларга ён томони билан ўтирган бўлса иштирокчилар унга мурожаат этмай, бир-бирларига мурожаат этадилар.

Бундай ҳолат ўқитувчига гуруҳни бошқаришга ҳалал бермайди ва ишга доир муҳитни нисбатан камайтиради.

Дидактик ўйин – семинари. Бу гуруҳ билан ҳал этилиши лозим бўлган қандайдир педагогик вазиятларни моделлаштириш ва жонлантиришни (ўйнашни) назарда тутати. Бундай ташкил этилувчи семинар шакли

ўқитувчининг бошқаруви остида гуруҳдаги талабаларнинг фаол ўзаро ҳамкорлигини таъминлаб беради.

“Айлана стол” – семинари. Икки кўринишдаги айлана столни фарқлаш мумкин. Биринчиси иштирокчилар сонининг нисбатан кўп бўлмаслиги билан ажралиб туради (академик гуруҳ). “Айлана стол” атрофидаги мунозарара барча иштирок этувчилар учун мўлжалланган бўлиб, бу ҳолатда “айлана стол”нинг бевосита иштирокчилари ярим айлана кўринишида жойлаштириладилар ва барча бошқа иштирокчиларга нисбатан “жамоавий маърузачи” сифатида қатнашадилар, танланган мавзунини ёритилиш йўналишларини белгилайдилар, овоз чиқариб муҳокама қиладилар, ходисаларнинг ички қарама-қаршилиқларини очиқ берадилар. Иштирокчилар ўзларининг саволлари, фикрлари, танқидий мулоҳазалари, эътирозлари билан шахсан қатнашишлари мумкин бўлади.

Г.Н. Панариной томонидан ишлаб чиқилган айлана стол қаршида семинар олиб бориш методикаси ўзгача қизиқиш уйғотади.

Унга кўра, педагогик фанлар бўйича семинарга тайёрланиш учун талабаларга “анъанавий” тарздаги саволлар ва керакли адабиётлар таклиф этилади.

Бевосита семинарда саволлар ўзгача кўринишда (редакцияланган тарзда), муаммоли равишда тақдим этилади, бунда талабаларнинг фикрларига қарши фикр билиниб туриши лозим бўлади. Машғулотнинг бошида, муаммо эълон қилиб бўлингач “айлана столнинг” ҳар бир иштирокчиси саволлар маъносини чуқурроқ англаб олиши учун саволларнинг бири баён этилган карточкаларни олади. Таклиф этилган савол устида фикрлаб олингач (3-5 дақиқа) ўрганилаётган муаммо бўйича ўқув мунозараси ташкил этилади. Ҳар бир саволни муҳокамасини унинг жавобини ўйлаб кўриш имконияти бўлган талаба (талабага берилган карточкада айнан шу савол бўлган) бошлаб беради, бироқ мунозарага дарҳол бошқа иштирокчилар ҳам қўшиладилар. Мунозарани жонлантириш ва “айлана стол” иштирокчилари томонидан муаммонинг тўғри ечимини топиш учун буюк ва машҳур педагогларнинг фикрлари, журналлар ва газетада нашр этилган мақолалар, амалиётда учраган мисоллардан намуналар ва бошқалар келтирилади.

«Ақлий ҳужум» - семинари. Ушбу методиканинг ўтказилиши таълим бериш амалиёти ва бошқарув масалаларини қабул қилишда жуда машҳур ҳисобланади. Уни янада батафсил кўриб чиқамиз.

“Ақлий ҳужум” – ҳамкорликнинг шундай шаклики, барча гуруҳнинг ҳамкорликдаги фаолияти назарий ёки амалий муаммонинг оригинал ва энг мақбул ечимини топишга қаратилган. Ақлий ҳужумни ўтказишнинг жуда кўп методикалари мавжуд. Уларнинг танлови муаммонинг, ижодий гуруҳнинг характери ва бошқа омилларга боғлиқдир.



Ақлий ҳужум иштирокчилари учун қоидалар.

1. Энг кўп миқдордаги ғояларни баён этинг. Сифатдан кўра миқдорга кўпроқ эътибор қаратинг. Жумлаларни қисқа тарзда баён этинг.
2. Ҳеч қандай танқид, эътироз ва ҳазил қилинмасин!
3. Барча ғояларни қабул қилинг ( ҳаттоки, ақл бовар қилмайдиганларини ҳам), мантиқий фикрлашга эмас, балки фантазия, фараз, тахминни ортиқроқ билинг.

Ақлий ҳужум учун тахминий белгиланган вақти.

1. Ақлий ҳужум ўтказилишини эълон қилиш ва вазифа мазмунини тушунтириш ( 2-3 кун аввал).

2. Ақлий ҳужум сеанси (1,5-2 соат).

- иштирокчи ва гуруҳларни, АХ қоидалари билан таништириш (5-10 дақиқа),

- вазифани эълон қилиш, саволларга жавоб бериш (10-15 дақиқа),

- Ақлий ҳужум ни ўтказиш (20-30 дақиқа),

- танаффус (10 дақиқа),

- ғояларнинг редакцияланган рўйхатини тузиш (30-45 дақиқа)

Хона ёруғ ва қулай бўлиши керак. Иштирокчилар бир-бирларини кўриб турадиган тарзда ўтиришлари лозим (айлана ёки II шаклдаги стол). Ақлий ҳужум натижаларни қайд этиб бориш вამ ишга доирлаштиришга эътибор қаратиш керак. Ўқитувчи барча ғояларни доскага, флипчартга ёзади ёки экранда кўрсатиладиган қилиб жиҳозланган компьютерда териб боради. Бу вазифани бирон-бир талабалардан бири бажариши ҳам мумкин.

Ақлий ҳужум сўнг ғоялар рўйхатини жамоавий равишда тезда редакциялаш амалга оширилади. Уларнинг барчаси гуруҳлар бўйича тақсимланалди: дарҳол амалга ошириш мумкин бўлган ғоялар, нисбатан самарали ва истиқболли ғоялар ва бошқалар. Ҳаётга тадбиқ этиш учун умуман тутуриқсиз ва мураккаб бўлган ғоялар рўйхатдан чиқарилиб юборилади. Шундан кейин рўйхатни охириги маротаба қабул қилинади. Коллоквиум – семинар. Коллоквиум, яъни талабалар билан суҳбатлашишнинг мақсади талабалар билимининг даражасини қай даражада чуқурлигини билиб олишдир. Айрим ҳолатларда уни дастурда кўрсатиб ўтилмаган, бироқ талабаларда у ёки бу қисмлари бўйича қизиқиш уйғотувчи қўшимча мавзулар бўйича ҳам ўтказилади. Бошқа ҳолатларда эса гуруҳ томонидан етарлича ўзлаштирилмаган курснинг бирон-бир мураккаб мавзулари бўйича қўшимча машғулотлар бўйича ўтказилади. Ва ниҳоят, коллоквиумлар бирон сабабга кўра охириги семинарларда жавоб бериб баҳоланмаган ёки уларда қатнашмаган талабаларнинг билим даражаларини аниқлаш мақсадида ўтказилади. Бундай вазиятда коллоквиум ўтилган мавзулар бўйича ўзига хос заҳёт вазифасини амалга оширади.

Тадқиқод – семинар. Махсус семинарни ўтказишда семинар машғулотларининг ўзига хос шакли – тадқиқод-семинари қўлланилиши мумкин. Биринчи- учинчи курслар мобайнида олиб борилган семинарлар талабаларни маълум бир илмий муаммо бўйича тадқиқод ишларини олиб борувчи ёш тадқиқодчилар мактаби вазифасини бажарувчи махсус семинарга тайёрлайди. Обрўли мутахассис томонидан ўтказилувчи махсус семинар илмий мактаб характериға эға бўлиб, талабаларни жамоавий фикрлаш ва ижод қилишға тайёрлайди. Махсус семинар давомида талабаларнинг мос равишдаги гуруҳда ишлай олиш кўникмаси, гуруҳда мўлжал ола олиши ва тўғри баҳолаши, махсус усулларни қўллай олиши муҳим ўринни эгаллайди.

Якуний машғулотда ўқитувчи, қоидаға кўра, ўрганилган муаммоларнинг кейинги ривожланиши ва бу жараёнда талабаларнинг иштирокини очган ҳолда семинарлар ва талабаларнинг илмий ишларини тўлиқ обзорини амалға оширади. Бу касбға йўналтиришнинг ва дефектолог-мутахассисларнинг касбий ўзига хослигини шакллантиришнинг самарали усулларида биридир.

Тадқиқод-семинарини ташкил этишда талабаларнинг (турли курсдаги, факультетдаги, олий таълим муассасаларидаги) ҳамкорликдаги тадқиқод лойиҳаларини, бир муаммо бўйича солиштирма тадқиқодларини кучайтириш, шунингдек, амалиётчи – тадқиқодчиларнинг ўз тадқиқодларини мастер-класс кўринишида тақдирот қилишларига жалб этиш алоҳида ўринни эгаллайди.

Ташкилот, муассаса ва х.к.да семинар. Бевосита муассаса, мактаб, болалар МТМ негизида семинар-машғулотини олиб боришнинг бир шаклидир. Бундай семинарлар тез-тез амалға оширилаверилмайди, чунки, уларға тайёргарлик жуда кўп вақтни сарфлашни талаб этади. Шу билан бирға уларни ўтказиш айниқса талабаларни бўлажак фаолиятлари билан таништиришда жуда катта самара беради.

“Ишға доир ўйин”-семинари. Бу ҳолатда семинар ролли “кўрсатмани” олади. Қандай материал муҳокама этилаётганидан келиб чиққан ҳолда бошловчи, оппонент, рецензент, мантиқчи, психолог, эксперт ва х.к. ролларни киритиш мумкин. Шарҳли ўқиш ва ҳужжатларни (адабиётларни) таҳлил этиш.

Дастлабки манбааларни шарҳли ўқиш – бу семинарнинг шундай турики, бунда, ўқитувчининг кўрсатмасига кўра талабаларнинг бири овоз чиқариб у ёки бу асарни ўқийди, сўнгра, ўқиганларини қандай тушунганлигини тушунтириб беради. Бошқа талабалар эса айтилганларни тўғрилайдилар ва қўшимчалар киритадилар. Кейин навбатдаги қисмни бошқа талаба ўқийди, яна ўқилганларнинг муҳокамаси амалға оширилади ва х.к.

Мустақил фикрлаб вазифаларни хал этиш. Тест топшириқлари ва машқларни семинар машғулотини давомида ечилиши талабаларнинг фаол тафаккурини ривожланиши учун жуда фойдалидир. Агар яқин кунларға қадар

масалаларнинг ечилиши табиий фанлар доирасидаги машғулотларда амалга оширилган бўлса, охириги йиллар давомида бу гуманитар фанлар доирасидаги машғулотларда ҳам қўлланилиб келинмоқда. Худди шундай, тарбиявий ишлар методика бўйича семинар машғулотларини ўтказишда психолого-педагогик масалалар таклиф этилиши мумкин. Мутахассислик бўйича барча фанларни ўқитишда ката самара билан тест топшириқларидан фойдаланилмоқда.

Тинглаш маҳорати енг фаол маҳоратлардан бири бўлиб у фикрлаш жараёнига асосан таҳлил қилади. Тинглаш қобилияти тингловчининг ҳис кечинмаларига боғлиқ бўлиб бу ҳиссиёт тингловчининг ички ва ташқи ҳолати шу билан бирга билимига асосан тушунчаларига таянган ҳолда кўрсаткич келиб чиқади.

- Нима айтилди? матн
- Қандай айтилди? тон ва ҳиссиёт
- Қачон айтилди? вақт
- Қаерда айтилди? жойи

Тинглаш жараёни тинч ҳолатда лекин сўзловчига эътибор билан ўтади. Схема қўйидагича таърифланади жавоб қайтаришнинг бир нечта усуллари мавжуд бўлиб шу билан бирга жавобларнинг ҳам бир нечта мазмуни мавжуд.

Турли хил жавоблар ўқувчиларнинг фикр ва билимларидан келиб чиққан ҳолда индивидуал ва жамоавий бўлиши мумкин. Таълим сифатини кафолатлаш мақсадида ўрганиш ва таълим назариядан фойдаланган ҳолда таълим хусусиятларини систематик ишлаб чиқиш. Ўқитиш ва қўллаб -қувватлашнинг педагогик принципларидан келиб чиқсак, талабаларнинг ўрганиши онлайн ёки интернетга асосланган модулларни, курсларни ва дастурларни тузиш ва ишлаб чиқишга мослаштирилиши лозим. Схема жуда муҳим жиҳат, чунки у ўрганишнинг мақсадлари ва талабларини таҳлил қилишнинг бутун жараёнига тақалади, ва ўқитиш системасини ишлаб чиқиш ушбу талабларга мос келиши лозим. У ўқитиш материалларини, фаолиятни, амалиёт элементларини ишлаб чиқиш (кўпинча технологиялардан фойдаланган ҳолда) ва ва барча ўқитиш ва ўрганиш фаолиятини баҳолашни ўз ичига олади.

Ушбу бўлим кичик гуруҳларда дарс ўтиш усуллари таҳлил қилиб бир нечта гуруҳ шакллари кўрсатиб берилган. Гуруҳдаги ҳолат ва жараён тақдим етилган фикр ва мулоҳазалар кўрсатилган. Бўлимни ўқиб чиқиб кичик гуруҳларда дарс бериш фаолиятида маҳоратни ошириб дарс ўтиш сифатини яхшилаш мумкин.

Олий таълимда ўқитишнинг яна бир шакли-бу **семинар** машғулоти дир. Семинар машғулоти қуйидаги **вазифаларни** ечишга қаратилган бўлади:

- маърузада баён қилинган назарий қоидаларни мустаҳкамлаш;
- фан бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш;

- талабаларнинг илмий-тадқиқот, билиш қобилиятларини ўстириш;
- назарий ўқитиш жараёнида эгаллаган билимларининг амалиётда тан олиниши.

Семинар машғулотларининг уч тури фарқланади: семинаролди машғулоти, семинар ва махсус семинар.

**Семинаролди машғулотлари**, асосан, талабаларни мустақил ишнинг ўзига хос хусусиятлари билан таништириш мақсадида ўтказилади. Унда адабиётлар, маълумотнома-адабиётлар ва бошқа манбалар билан ишлаш усуллари ўргатилади, талабаларни бошланғич шаклда илмий-тадқиқот ишларига ўтишга ҳозирлайди. Семинаролди машғулотлари семинар машғулотларининг тайёргарлик шакли ҳисобланади ва одатда биринчи курсларда ўтказилади.

Семинар олди машғулотларида ўқитувчи етакчилик қилади, чунки талабалар муайян ихтисослик бўйича ўқув ишларига кам эътибор берадилар, шунинг учун ҳам етарли даражада ташаббус кўрсата олмайдилар.

**Семинар машғулотларида** семинаролди машғулотларига нисбатан ўта муҳим вазифалар ҳал қилинади. Масалан, айрим семинарлар тематик боғлан-ган муайян мунтазам курсни чуқур ўрганишни мақсад қилиб кўяди. Бошқа-лари эса бирор мавзунини ёки курснинг алоҳида ва ниҳоятда муҳим ва умумий бўлган мавзуларини методологик жиҳатдан ишлаб чиқишга бағишланган бўлади.

**Махсус семинарлар** маъруза мавзуларига алоқадор бўлмайди ва бирор фаннинг дастури мазмунига кирмайди. Одатда фаннинг хусусий масалаларини чуқур ўрганиш мақсадида қўлланилади.

Семинар машғулотида ўқитувчи ҳам ташкилотчи, ҳам маслаҳатчи, ҳам нотик, ҳам танқидчи, ҳам тарбиячи вазифасини бажаради.

Ўқитувчининг семинар машғулотида тайёргарлик кўриши ва ўтказиши бўйича маслаҳатлар:

- машғулотнинг мақсад ва вазифасини аниқлаш;
- семинарнинг мазмунини теран ўрганиш;
- талабанинг керакли маълумотларни топиши учун адабиётларни тўғри танлаш;
- саволларни тўғри шакллантириш;
- талабаларини семинар саволлари ва адабиётлари билан 10-14 кун олдин таништириш;
- талабаларни оғзаки жавоб бериш билан бирга кўрсатмали материаллардан ҳам фойдалана олишга йўналтириш;
- гуруҳнинг семинар машғулотида тўлиқ тайёр бўлишини таъминлаш;
- машғулотда ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини ўрнатиш;
- талабаларни мустақил фикр юритишга, ҳар бир савол бўйича ўзининг хулосаси бўлишига ўргатиш;

- ҳар бир талабага ҳар хил иш турларини ишлаб чиқиш. Масалан, тақриз, чиқишларни муҳокама қилиш, кроссворд ечиш ва ҳ.
- ҳар бир саволни муҳокама қилишга ажратиладиган вақтни белгилаш ва уни талабаларга олдиндан эслатиб қўйиш;
- машғулот якунида материалларни тизимлаштириш, таҳлил қилиш;
- семинар машғулотига қатнашган талабаларни баҳолаш;
- машғулот якунидан сўнг уни ўзи таҳлил қилиш, ютуқ ва камчиликларини аниқлаш.

**Семинар машғулотларининг** вазифаси-дарсларда баён қилинган назарий фикрларни конкретлаштириш, чуқурлаштиришдан, ўқувчилар билимини текшириш ва мустаҳкамлашдан, адабиётни ўрганиш кўникмасини ҳосил қилиш, уни конспект қилиш, суҳбатлар, докладлар, ота-оналар учун консультацияларнинг план ва конспектларини тузишдан, курснинг конкрет темасини оғзаки баён қилиш қобилиятига эга бўлишдан иборатдир.

Семинар машғулотлари учун курснинг энг муҳим ва мураккаб масалалари шунингдек, адабиётларда етарли даражада тўлиқ ёритилган ва ўқувчиларнинг ўзлари мустақил равишда ўргана олишлари мумкин бўлган масалалар танлаб олинади.

Семинарнинг ҳар бир темаси бўйича ўқувчиларга адабиётлар рўйхатини бериш, топшириқнинг характерини белгилаш, уни бажариш плани ва ҳисобот формасини кўрсатиш керак. Адабиётларни ўрганаётганда ўқувчилар конспект ёки ота-оналар учун консультацияларнинг текстларини тузадилар.

Семинар машғулотларини қўйидагича ташкил этиш мумкин: аввало ўқитувчи семинарнинг вазифаси ва уни ўтказиш тартибини белгилайди. Сўнгра нутқ сўзлаш учун ўқувчиларга сўз беради. Шундан кейин иштирок этувчилар нутқ сўзлаганларга саволлар беради, улар жавоб қайтаришади. Кейин бошқа ўқувчилар нутқ мазмунига хараakterистика бериб, уни тўлдирадилар (ютуқ ва камчиликлар кўрсатилади). Ўқитувчи семинарни якунлар экан, асосий нутқни баҳолайди, унинг мазмуни, ифода формаси кўргазмалли куруллар (жадваллар, расмлар, фотосуратлар ва бошқалар) дан фойдаланиш даражасига хараakterистика беради, шунингдек, бошқа ўқувчиларнинг нутқлари тўғрисида ҳам фикр мулоҳазасини айтади. Машғулот сўнгида қўйилган вазифа қандай бажарилганлигини айтиб ўтиш ва навбатдаги семинарга тайёрланиш учун тавсиялар бериш муҳим.

Маъруза мавзу бўйича қилинадиган суҳбат, семинар бўлиб, бу ўқитувчи раҳбарлигида ўтказиладиган амалий машғулот ўқувчиларда мустақил фикрлаш, мустақил фаолият кўрсатиш, дарслик билан мустақил ишлаш, ижодий фикрлаш қобилиятининг ривож топишига ёрдам берадиган даражада бўлиши лозим.

Семинарларни ташкил этишдан кўзланган мақсад ўқувчиларнинг мустақил ишларини янада ривожлантириш, айрим мавзулар юзаси дан кенг ва чуқур маълумот бера оладиган манбалар устида ишлай олишлари ҳамда шу асосда келажак фаолиятларида зарур адабиётлардан фойдалана олиш кўникма ва малакаларига эга қилишдан иборатдир.

Семинар машғулоти ўқувчилар томонидан у ёки бу мавзу бўйича маърузалар тайёрлаш ҳамда уни синф ўқувчилари билан муҳокама қилиш йўли билан олиб борилади.

Семинарларга 2-3 ҳафта тайёргарлик кўрилади. Ўқувчилар адабиётларни ўрганадилар, материал йиғадилар, турли кузатишлар ўтказадилар, ўз ахборотлари юзасидан тезислар тузадилар.

Семинар машғулоти ўқитувчи раҳбарлигида ўтказилади. У ўқувчилар ишини йўналтириб туради, мавзуга оид саволлари юзасидан ташкил этилган муҳокамани яқунлайди. Зарур қўшимча мулоҳазалар билдиради, материални муайян тизимга солади. Маъруза қилган, муҳоқамада қатнашган ўқувчилар фаолияти баҳоланиб борилади.

Семинар машғулоти ўқувчилар эътиборини дарсга жалб этиш, уларнинг қизиқишини орттириш, уларни мустақил ишлашга, фикрлашга ўргатиш, дарсни фаоллаштириш ҳамда ўқувчилар ақлий қобилиятларини ўстиришда муҳим ўрин тутди.

### **Семинар ва унинг ўзига хосликлари**

Семинар-бу ўқитувчини таълим олувчилар билан фаол мулоқотга киришишига йўналтирилган, назарий билимларни амалий фаолиятда амалга ошириш учун зарур шарт-шароитни таъминловчи таълимни ташкил этиш шаклидир.

Семинар қуйидаги мақсадларга эришиш учун қўлланилади:

- 1) назарий материални тартибга солиш;
- 2) билимларни мустаҳкамлаш;
- 3) кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш;
- 3) билимларни назорат қилиш.

Семинар машғулотига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш

Семинар машғулотига тайёргарлик кўриш ва ўтказишда қуйидаги саволларга жавоб топилади:

1. Нима учун?-Семинарни ташкил этишдан кўзланган мақсад.
2. Қандай тарзда?-Семинарни олиб бориш технологиясини ишлаб чиқиш.
3. Нимани муҳокама қилиш?-Семинарни олиб бориш вақтида муҳокама қилинадиган материаллар мазмуни.
4. Қандай омилларни ҳисобга олиш зарур?-Семинарни ташкил этиш жараёнида маълум омилларни ҳисобга олиш.

### Семинар турлари ва унинг ўзига хос хусусиятлари

Семинар турлари	Ўзига хос хусусиятлари
Маъруза(доклад)ли семинар	Семинар машғулоти ўқувчиларнинг маърузаларини тинглаш ва мунозара шаклида ўтказилади.
Диалогли семинар	Семинар машғулоти оммавий ва индивидуал савол-жавоблар тарикасида ташкил этилади
Рефлексив семинар	Семинар машғулоти мавзуга доир маълумотларни муҳокама қилиш ва аниқ хулосаларга келиш тарзида ўтказилади.
Семинар-фикрлар алмашуви	Семинар машғулотини ташкил этишда манбалардан фойдаланилади ва турли фикрларни шакллантиришга эришилади
Семинар-иллюстрация	Семинар машғулоти манбалар билан ишлаш тарзида ташкил этилади ва материаллар иллюстрация тарзида намойиш этилади.
Эвристик семинар	Семинар изланишли-топшириқли тарзда ташкил этилади.

### Мутахассислик фанларини ўқитишда амалий ва лаборатория

**машғулотларини ташкил этиш шакллари, машғулотларни лойиҳалаш ва педагогик фаолиятда қўллаш.**

Лаборатор (амалий) машғулотлар – ўқув фанининг илсвий-назарий асосларини билиб олиш, ижодий фаолият кўникмаси ва тажрибасига эга бўлиш, техник воситаларни қўллаган ҳолда замонавий амалий ишлаш методларини ўзлаштириш мақсадида ўқитувчи назорати остида талабюалар томонидан ўқув топшириқлари комплексини бажаришни назарда тутувчи ўқув жараёнини ташкил этишнинг асосий шакллари билан бири ҳисобланади.

"Лаборатория" сўзи латин тилидаги "лабор" сўзидан олинган бўлиб, меҳнат, иш, қийинчилик деган маъноларни билдирадиган сўз, работа, трудность.

Лаборатор (амалий) машғулотлар уларни бажаришнинг назарий асосини ёритиб берувчи маърузалардан сўнг амалга оширилади. қўйилган саволларга лекциялар, давомида теоретик асосларини таъкидлаш билан бирга, муҳим назарий маълумотлар ёки ушбу маълумотларни қамраб олган аниқ ўқув наشريга ссылкаси (кўрсатмаси)ни қамраб олган лаборатор (амалий) ишлар тавсифи келтирилганда назарий материалларни ўрганишни енгиллаштириш мақсадида

лаборатор (амалий) машғулотларни маърузадан олдин ўтказилши мумкин бўлади.

Лаборатор (амалий) машғулотининг мақсади реал амалий фаолият шароитда талабаларнинг бошқарилувчи билиш фаолиятини ташкиллаштиришдан иборат. Лаборатор (амалий) машғулот тузилишига хос ўлган элементлар: кириш, асосий ва якуний қисмлардир. Кириш қисми талабаларнинг иш топшириқларини бажаришга тайёргарлик кўришларини таъминлайди. Унинг таркибига: мавзу, мақсад ва вазифаларни баён этиш, талабаларнинг касбий тайёргарлигида унинг аҳамиятини асослаш; ушбу мавзунинг курсдаги бошқа мавзулар билан боғлиқлигини кўриб чиқиш; ишнинг назарий асосларини баён этиш; иш топшириқлари таркиби ва ўзига хосликларини тавсифлаш, уларни бажаришга ёндошувни (метод, усулларни) тушунтириш; иш натижаларига қўйиладиган талабаларни тавсифлаш; талабалар томонинг ишни бошлашга тайёргарликларини текшириш; ўқитувчи назорати остида топшириқдан бир намунани бажариб кўриш; талабалар томонидан топшириқларни бажарилишида натижаларни мустақил бошқариш бўйича кўрсатмалар бериш.

Асосий қисм талабалар томонидан топшириқларни мустақил бажаришларини назарда тутлади. Иш жараёнида қўшимча тушунтиришлар; юзага келган қийинчиликларни бартараф этиш; иш натижаларини жорий назорат қилиш ва баҳолаш; талабалар саволларига жавоб бериш кабилар билан биргаликда амалга оширилиши мумкин.

Якуний қисм таркибига: машғулотнинг умумий хулосасини (ижобий, салбий) чиқариш; айрим талабаларни нг ишлари натижаларини баҳолаш;

талабаларнинг саволларига жавоб бериш; талабалар иш кўрсаткичларини яхшилаш ва уларнинг билим, малакалари тизимидаги бўшлиқларни бартараф этиш бўйича тавсиялар бериш; ўқитувчи томонидан бажарилган ишларни текшириш учун талабаларнинг ҳисоботларини тўплаш; кейинги ишларни бажаришга тайёргарлик кўриш, жумладан ўрганилиши керак бўлган ўқув адабиётлар ҳақида маълумотларни баён этиш.

Машғулотларда талабалар ишини ташкил этиш шакллари:

1) фронталь, 2) гуруҳли, 3) индивидуаль.

Машғулотни фронталь шаклда ташкил этишда барча талабалар бир вақтнинг ўзида бир хилдаги топшириқни бажарадилар. Бундай шаклдаги амалий машғулотнинг одатий мисоли - талабалар томонидан мактабда ўқитиладиган бирон-бир фаннинг ўқув дастурини таҳлил этилишидир. Яна бир мисол талабаларнинг бири ўқитувчи, бошқалари эса ўқувчилар сифатида “дарс ўтишлари” дир. Дарсинг якунида талабалар томонидан унинг таҳлили амалга оширилади, “ўқитувчига” тавсиялар ишлаб чиқилади.



Машғулотни гуруҳли шаклда ташкил этишда битта топшириқ бир нечта кишидан иборат бўлган кичик ўқув гуруҳларида бажарилади. Икки кишилик (текширувчи - текширилувчи) ёки уч кишилик (текширувчи – ота-она - текширилувчи) гуруҳчаларда психолого-педагогик ёки логорпедик текширишни ўтказиш –махсус фанлар бўйича кўпгина лаборатор ишларнинг ўтказилишнинг анъанавий схемасидир.

Машғулотларни индивидуал шаклда ташкил этишда талабаларнинг ҳар бири индивидуал топшириқни бажаради. Сўнгра улар ишни бажариш тажрибаси билан ўзаро алмашадилар. **Лаборатория машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш методикаси.**

**Лаборатория машғулотлари** олий ўқув юрти ўқитувчиси раҳбарлиги остида олган ўқув ахборотлари (маъруза ва мустақил ишлари)ни чуқурлаштириш, таҳлил қилиш, кенгайтириш, қўллаш ва ўзлаштиришни назорат қилиш шакли;

Лаборатория машғулотларининг асосий тавсифи шундаки, унда талабалар мустақил равишда вазифа бажарадилар ёки эксперимент ўтказадилар. Илмий-техник тараққиёт шароитида лаборатория ишлари талабага назарий билимларни қўллаш механизмини чуқур ва кўрғазмали ўрганиш имконини беради. Лаборатория машғулотлари талабада тадқиқот ўтказиш кўникмаларини шакллантиради, фан ва техникага ижодий ёндашишни таъминлайди, экспериментнинг умумий методикасини эгаллашга имкон беради.

Лаборатория машғулотларини ўтказишда қуйидаги дидактик **тамойлларга** амал қилинади:

- лаборатория машғулотларини режалаштира олиш ва ўтказа олиш;
- лаборатория машғулотларининг мақсадини аниқ белгилаб олиш;
- фан ва ишлаб чиқариш бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;
- талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;
- талабани назарий жиҳатдан тайёрлаш;
- лаборатория машғулотлари нафақат конкрет мавзу бўйича билимларни яқунлаш, балки талабаларни тарбиялаш манбаи ҳамдир

Лаборатория ўқув ишини ташкил этишнинг асосий шаклларида бири бўлиб, экспериментал тавсифдаги мустақил топшириқларни ўқувчиларнинг профессор-ўқитувчи билан биргаликда бажаришини ўзида акс эттиради.

Лаборатория машғулотининг бош мақсади-бирор бир фанга доир назарий қоидаларни амалий жиҳатларини очиқ бериш; ўқувчиларнинг ўрганилаётган қонуниятларни ўзига хосликлари ва намоён бўлиш шаклларини чуқур тушунишларини таъминлаш; бўлажак мутахассисларда ўрганилаётган объект

билан амалий мулоқотга киришиш кўникмасини шакллантиришдир. Лаборатория машғулотлар ўқувчиларнинг илмий дунёқарашини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди.

Янги билимни эгаллаш бўйича ўтказиладиган лаборатория машғулоти қуйидаги методик приёмлар орқали амалга оширилади:

- машғулот мавзуини ва амалга ошириладиган вазифаларни аниқлаш;
- машғулот тажриба-босқичларини аниқлаб олиш;
- машғулотнинг боришини, ишнинг техник хавфсизликка риоя қилинган ҳолда бажарилишини кузатиб бориш;
- машғулотни яқунлаш, асосий хулосани баён этиш.

Лабораторияда ўтказиладиган машғулот-тажриба ўқувчиларнинг ҳозирги даврдаги ишлаб чиқаришнинг илмий асосларини, тажрибада қўлланадиган асбобларга онгли муносабатда бўлиш кўникмасини, техник билимни эгаллаб олишларига замин яратади.

Бу машғулотда ўқувчилар ўқитувчининг топшириғи бўйича асбоблардан фойдаланиб, бирор ҳодисани режа асосида тадқиқ этадилар. Амалий машғулотларда мавзунинг йирик қисмлари ўрганилади. Бу-умумлаштирувчи тарзда бўлади. Мазкур иш фақат синфда эмас, балки синфдан ташқарида ҳам амалга оширилади.

Лаборатория машғулоти қуйидаги приёмлардан ташкил топади:

- машғулот мақсадини белгилаш;
- бажариладиган ишни, унга раҳбарлик қилиш тартибини белгилаб олиш;
- иш тугагач, уни яқунлаш.

Лаборатория машғулоти жараёнида ўқувчилар дарслик ва ўқув қўлланмалардан фойдаланишлари, ўқитувчи билан маслаҳатлашишлари мумкин.

### **Амалий машғулотларни ўтказиш технологияси**

Амалий машғулотлар ўқувчи-талабаларни бирор-бир мавзу бўйича билимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш учун ўтказилади.

Амалий машғулотлар-педагогикадаги мустақил таълим шаклидир. Амалий машғулотларни ўзига хос хусусиятлари шундаки қуйиладиган вазифа, ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини ташкил этишни биргаликда амалга оширишни кўзда тутади.

Амалий машғулотларда тор доирадаги амалий характерга эга бўлган масалалар ҳал этилади.

Ўқитувчи амалий машғулотларда ўқувчилар фаолиятини ташкил этиш, уларга топшириқларни бажаришга ёрдам беришдан иборат бўлади.

Амалий машғулотларда ўқувчиларни ташкил этишнинг фронтал, гуруҳли, якка қолда, жуфтли ишлаш шаклларида фойдаланилади. Бу эса ўқитувчига

алоҳида ўқувчиларда турли малака ва кўникмаларни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

#### 4.4. Мустақил таълим ва уни ташкил этиш

Мустақил Республикамизда таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш, уни ривожлантириш, “Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури”ни амалга ошириш, ёшларга замонавий талаблар даражасида билим ва тарбия бериш, талаба-ёшлар онгида юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни камол топтириш халқимизнинг билим салоҳиятини юксалтириш ҳозирги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир. Бу вазифаларни бажариш эса, олий таълим тизимида ва ишлаб чиқаришда янги техника ва технологиялардан фойдалана оладиган, сиёсий онги ва сиёсий маданияти юксак бўлган малакали, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш демакдир. Ўзбекистон республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури” талабадан мустақил фиклашни, эшитган ўқув ахборотларни ижодий умумлаштиришни, муҳим қисмларини ажрата билишни, адабиётлар устида мустақил ишлашни ва доимий асосий маълумотларни ёзиб боришни талаб этади.” Бугунги кунда талабаларга таълим-тарбия бериш ўқув ишларининг ажралмас қисми бўлиб, у услубий ишлари мустақил билим олиш усулларини, ва воситаларини такомиллаштиришга қаратилиши зарурлиги ҳақидаги талаб янада долзарб масала бўлиб қолмоқда”.<sup>8</sup> Талабаларнинг мустақил интеллектуал меҳнатини фаоллаштириш унинг форма ва методларини олий ўқув юртларида ўқитилаётган ҳар бир фаннинг хусусиятига қараб ташкил этиш талаб сифатида қўйилган.

**Мустақил иш**-таълимни ташкил этиш шаклларида бири бўлиб, бунда талабалар ўз олдларига у ёки бу вазифаларни, мақсадларни онгли равишда қўйиб, фаолиятни режалаштиради ва уни амалга оширади.

**Мустақил иш**–ўқитувчининг топшириғи ва унинг раҳбарлигида ўқув вазифасини ҳал этадиган таълимни ташкил этиш шакли. Мустақил иш қўйилган мақсад билан боғлиқликда талабаларнинг аниқ фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишдир. Талабаларнинг мустақил ишлари уларнинг юқори даражадаги фаоллик, ижодийлик, мустақил таҳлил, ташаббускорликка асосланган фаолиятларидир.

Илмий тадқиқот натижалари асосида мустақил таълимга куйидагича таъриф берилди: **мустақил таълим**-ўқув материални мустақил ушлашти-риш, мураккаблик даражаси турлича бўлган топшириқлар, амалий вазифа-ларни

---

<sup>8</sup> Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” Т.1997 й.

аудиторияда ҳамда аудиториядан ташқарида ижодий ва мустақил бажа-риш асосида назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни шаклланти-ришга қаратилган тизимли фаолиятдир.

Мустақил таълим самарадорлигини ошириш талабанинг ўқитиш воситалари билан таъминланганлигига боғлиқ бўлади.

Мустақил иш-ўқитувчининг топшириғи ва унинг раҳбарлигида ўқув вазифасини ҳал этадиган таълимни ташкил этиш шакли. Мустақил иш қўйилган мақсад билан боғлиқликда талабаларнинг аниқ фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишдир. Талабаларнинг мустақил ишлари уларнинг юқори даражадаги фаоллик, ижодийлик, мустақил таҳлил, ташаббускорликка асосланган фаолиятларидир.

Профессор-ўқитувчининг роли талабаларда ўз-ўзини ривожлантириш, мустақил билим олиш ва инновацион фаолиятни шакллантиришга имкон берувчи кўникма ва малакаларни эгаллаш мақсади билан боғлиқликда мустақил ишни ташкил этишда намоён бўлади.

Талабанинг роли фанга доир билим, кўникма ва малакаларни мустақил эгаллаш, муаммони шакллантира олиш ва уни ҳал этишнинг оптимал йўлини излаб топишга қобилиятли ижодкор шахс бўлишда акс этади.

Мустақил иш қуйидаги вазифаларни мувафаққиятли ҳал этишга имкон бериши лозим:

- 1) талабаларда ўқув дастурини ўзлаштиришга доир мотивацияни ҳосил қилиш;
- 2) таълим олувчиларда билим олишга доир масъулиятни ошириш;
- 3) талабаларда умумий ва касбий лаёқатларни ривожлантиришга имкон бериш;
- 4) таълим олувчиларда мустақил билим олиш, ўз-ўзини бошқариш ва ўз-ўзини ривожлантиришга қобиятлиликни шакллантириш учун шароит яратиш.

#### **Аудиторияда амалга ошириладиган мустақил ишлар**

- 1) маъруза машғулотларида бажариладиган мустақил ишлар;
- 2) амалий машғулотларда бажариладиган мустақил ишлар.

#### **Аудиториядан ташқарида бажариладиган мустақил ишлар**

1. Конспектлаштириш.
2. Адабиётлардан реферат тузиш.
3. Китоб ва мақолаларга аннотация ёзиш.
4. Доклад, реферат ва назорат иши.

Мутахассислар тайёрлаш тизимини тубдан қайта қуришда, ўқув-тарбия жараёнининг аҳамиятини оширишда талабаларнинг мустақил ишлари муҳим ўрин эгаллайди.

#### **Мустақил таълимнинг турлари.**

Педагогикага оид адабиётларда мустақил ишларнинг қуйидаги турлари қайд қилинади:

- намуналар бўйича мустақил ишлар;
- реконструктив-вариатив;
- эвристик (қисман, ижодий);
- ижодий тадқиқот.

**Намуналар бўйича мустақил ишлар** типик вазифаларни, турли машқларни намуна асосида ечишдир. Улар материални ўзлаштиришга омил бўлади, лекин талабаларнинг ижодий фаоллигини ўстирмайди.

**Реконструктив-вариатив мустақил ишлар** нафақат билимларнинг амалий тавсифномасини, балки билимлар тузилмасини қайта ишлаб чиқишни, масала, муаммони ечишда мавжуд билимларни жалб қилишни кўзда тутди.

**Эвристик мустақил ишлар** маъруза, лаборатория, амалий машғулотлар, семинарларда қўйилган айрим масала, муаммоларни ҳал қилиш билан боғлиқдир. Тадқиқий мустақил ишлар тадқиқот муаммосини кўра олиш малакасини, уни мустақил ифода қилиш, фарзани белгилаб олиш, муаммонинг ҳал йилиниш режасини ишлаб чиқиш, уни ҳал қилишни мўлжаллайди.

**Ижодий тадқиқот ишлари.** Бундай ишларда вазифа муаммоли вазиятнинг юзага келишини тақозо қиладиган шароит яратишдан иборат бўлади. Талаба ўз фаолиятида тайёр намуналардан озод бўлган ҳолда масаланинг ҳал қилиниш йўллари қидиради, тадқиқ қилади. Бундай ишлар сирасига эксперимент қўйиш, жиҳозлар, макетлар ва дастгоҳларни лойиҳалаш билан боғлиқ бўлган вазифалар киради.

Мустақил ишни ташкил қилишнинг иш тартибини белгилаш катта аҳамиятга эга. Мустақил ишларни бажариш учун вақтни семестр давомида кунлар бўйича тақсимлаш, уни ратсионал ташкил қилишнинг муҳим принципи, қондаси ҳисобланади. Гоҳ умуман дарс тайёрламай, гоҳ ҳаддан ташқари шошиб, шиддат билан, айниқса семестр якунига яқин семестр давомида қолдирган, бажармаган ишларни тезда бажаришга ҳаракат қилиши ижобий натижа бериши қийин. Бу талабанинг меҳнати самарадорлигини, қилган ишдан қониқиш ҳиссини пасайтиради. Одатда талабанинг кун тартибини дарс жадвали белгилайди. Лекин кўп нарса талабанинг ўзига ҳам боғлиқ. Масалан: доклад, реферат, назорат иши, семинар дарсига тайёрланиш ҳар ҳафтада маълум вақт ажратилиб, мунтазам равишда олиб борилмаса, кутилган натижа бермайди.

**4.5. Мактабгача таълим фанларидан курс иши (лойиҳаси)ни тайёрлаш методикаси Битирув малакавий ишларига раҳбарлик қилиш.**

Курс иши мавзулари ўқув режага асосланган ҳолда фан мазмунига мувофиқ равишда ишлаб чиқилади ва кафедра йиғилишида тасдиқланади. Мавзулар илмий, долзарб ва талабанинг мустақил билим эгаллашига йўналтирилган бўлиши лозим.

Курс ишининг сифати мавзунинг тўғри танланганлигига боғлиқ. Яъни талаба у ёки бу илмий масалага шахсий қизиқиши, уни чуқурроқ англашга бўлган ҳоҳиши билан мавзу танлаши ҳамда ушбу муаммони тадқиқ этиш жараёнида илмий раҳбарига шахсий фикрини билдириши мумкин. Бироқ айтилган вақтда илмий раҳбар албатта танланган мавзу бўйича илмий адабиётлар ва амалий материалларни танлаш имкониятини ҳам ҳисобга олиши зарур.

Курс иши-талабанинг танлаган соҳасига мос келувчи эгаллаган билим даражаси ҳақида маълумот берувчи, мустақил бажариладиган ва ёзма шаклда ифода этиладиган ижодий, илмий тадқиқот ишидир. Ушбу иш изланувчи-тадқиқотчидан (яъни, талабадан) тадқиқот предметини чуқур ва ижодий ўрганиш, танланган мавзунинг долзарблигини асослаш, кўрилаётган муаммо ҳолатини таҳлил қилиш ҳамда шахсий хулоса ва умумлашмаларни талаб этади.

Курс ишини бажариш талабалар учун энг муҳим бўлган мустақил ишлардан бири ҳисобланади. Уни тайёрлашда мувофиқ келувчи ҳуқуқий интизомни ўрганиш зарур компонентлардан биридир. Курс ишини ёзмасдан ёки ҳимоя этмасдан туриб талаба имтиҳонларга киритилмайди ва шунингдек, кейинги курсга ҳам ўтказилмайди.

Курс иши, одатда, 2-,3- ва 4- курсларда бажарилади. Курс ишларининг бу каби бажарилиши илмий-тадқиқотчилик малакалари, шунингдек, махсус педагогика ва психология соҳасида муайян психологик-педагогик муаммони ҳал қилиш малакаларининг узвий шакллантирилишини таъминлаш лозим.

Курс иши ўқув фанини ўрганишни яқунловчи босқичида бажарилади, уни бажариш давомида олинган билим ва малакалардан фойдаланилади. Фан бўйича курс иши кутсйдаги мақсадларни кўзлайди:

- махсус фанлар бўйича олинган назарий билим ва амалий кўникмаларни тизимлаштириш ва мустаҳкамлаш;
- берилган мавзу доирасида назарий билимларни чуқурлаштириш;
- илмий-методик адабиётлар, маълумотнома, меъёрий ва ҳуқуқий ҳужжатлардан тадқиқот ўтказиш мақсадида фойдаланиш малакаларини такомиллаштириш;
- назарий билимлардан амалий масалаларни ҳал қилишда фойдаланиш малакаларини шакллантириш;
- ижодий ташаббускорлик, мустақиллик, масъулият ва уюшқоқликни ривожлантириш;
- битирув малакавий ишни бажаришга тайёргарлик.

Курс ишлари мавзулари профессор-ўқитувчилар томонидан ишлаб чиқилади ва кафедрада муҳокама қилиниб, тасдиқланади. Курс ишлари мавзулари ўқув фанлари ишчи дастурларида тавсия этилганларга мувофиқ келиши лозим.

Курс ишини ёзишдан мақсад талабаларнинг эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини чуқурлаштириш, бойитиш ҳамда уларда таҳлил этиш, изланишга доир кўникма ва малакаларни таркиб топтиришга эришишдир.

Курс ишини ёзишда қуйидаги тартибга асосланилади:

1) кафедра мудирининг тақсимооти асосида мавзуни ва илмий раҳбарни аниқлаш;

2) илмий раҳбар билан учрашиш ва мавзу юзасидан маслаҳат олиш;

3) илмий раҳбар кўрсатмасига асосан адабиётларни ўрганиб чиқиш ва таҳлил этиш;

4) ўрганилган адабиётлар асосида курс иши режасини тузиш ва илмий раҳбар тасдиғидан ўтказиш;

5) режанинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ўрганилиш дара-жаси, объекти, предмети, мақсад ва вазифалари, амалий аҳамияти, ишнинг тузилиши кўрсатиб берилади;

режа масалалари кетма-кетликда баён этилади ва ҳар бир масаладан сўнг қисқа хулоса берилади;

7) режа масалаларини баён этаётганда адабиётлардан фойдаланишда белгиланган тартибда сноска келтирилади;

8) режадаги барча масалалар баён этиб бўлингач, умумий хулоса қилинади;

9) агар илова қилинадиган иллюстрациялар мавжуд бўлса, хулосадан сўнг берилади;

10) курс ишининг умумий ҳажми 30 бетни ташкил этиши керак (компьютерда ёзилган ҳолатда);

11) курс ишининг адабиётлар рўйхати белгиланган тартибда расмийлаштирилиши шарт;

12) курс иши тўлиқ тугатилгандан сўнг, курс иши топширувчи ва илмий раҳбар титул варағига имзоларни қўйиб, кафедрага тақдим этишади;

13) курс иши ҳимояси белгиланган тартибда ўтказилади ва ҳимоя ўтказилишидан бир ҳафта олдин эълон қилинади;

14) курс иши ёзилаётган ўқув фанидан ЯН олингунига қадар топширилиши керак.

Курс иши ёзишда талаба асосан қиёсий таҳлил қилиш йўлларини, муаммолар устида ишлашда бир нечта адабиётлардан фойдаланиш ва яқуний хулосалар чиқаришни ўрганишда ёрдам беради.

Талабаларга курс иши беришдан асосий мақсад қуйидагилардир:

- муаммоли мавзу ечимини топишда адабиётлар ва статистик маълумотлар устида ишлашни ўргатади;
- муаммолар устида ҳар хил тадқиқотлар олиб боришни ва уларни таҳлил қилишни;
- муаммолар ечимини топишда илмий хулосалар ва натижаларни чиқаришда катта ёрдам беради.

**Курс ишини ташкиллаштиришда қуйидагиларга эътибор қаратиш керак:**

#### **Ишнинг мавзусини танлаш**

Талаба мавзунини танлашда қуйидагиларни назардан четда қолдирмаслиги лозим:

- фаннинг мақсад вазифасидан келиб чиққан ҳолда халқаро туризм соҳасида долзарб бўлган муаммоларни;
- туризм соҳасидаги муаммолар устида мутахассислар ва илмий раҳбар билан маслаҳатлашиб олиш;
- олдида қўйган мақсаддан келиб чиқиб, мутахассислардан керакли маълумотлар базасини яратишдир.

#### **Ишнинг режасини тузиш ва бажариладиган ишларни назорат қилиш.**

Талаба курс ишининг режасини тузишда илмий раҳбар билан маслаҳатлашган ҳолда амалга ошириши керак. Ишнинг режаси тузилгандан сўнг талаба кафедра мудирини ёки унинг ёрдамчисидан тасдиқлатиб олиши лозим.

Талаба иш режасини тасдиқлатиб олгандан сўнг режага қатъий амал қилган ҳолда ишни бажариши лозим. Ҳар бир вазифани босқичма-босқич қатъий режа бўйича илмий раҳбар назоратида амалга ошириши керак. Биринчи босқич вазифалари бажарилмасдан кейингисига ўтиб бўлмайди. Бир босқич амалга оширилмай қолса ишдан самарали натижа кутиб бўлмайди.

#### **Курс ишида амалга оширилиши керак бўлган ишлар**

##### **Кафедранинг асосий вазифалари**

Кафедра томонидан курс ишини ёзишда қуйидаги ишлар амалга оширилиши керак.

- курс иши мавзуларини тасдиқлаш ва қайта кўриб чиқиш;
- талаба мавзунини танлашида унга керакли кўрсатмалар ва амалий ёрдам бериш;
- талабага илмий раҳбарларни тайинлаш ва бириктириш;
- талабанинг ишини тайёрлаши учун ражани тасдиқлаб бериш ва унинг вазифасини бажаришини назорат қилиш;
- талаба томонидан бажарилган ишнинг сифатига тақриз беришдан иборат булади.



### **Илмий раҳбарнинг вазифалари**

Талабанинг илмий раҳбари ишга раҳбарлик қилишда қуйидаги вазифаларни бажариши керак.

- талаба ишни бажариши учун вазифани тасдиқлаб бериши;
- ишнинг режасини тузишда талабага ёрдам бериши ва адабиётларни тавсия этиши;
- талабанинг режасини тасдиқлаши, режа бўйича мунтазам равишда ишни текшириши, маслаҳатлар ва кўрсатмалар бериши;
- талаба ишни бажаришида ташкилий ва услубий йўналишлар бериб бориши;

### **Талабанинг вазифалари**

- Талаба курс ишни бажариш жараёнида қуйидагиларни бажариши лозим:
- ишнинг мавзусини кафедранинг талабларидан келиб чиққан ҳолда танлаш;
- илмий раҳбарнинг тузиб берган режаси асосида берилган топшириқларни ўз вақтида бажариши;
- ўрнатилган тартиб бўйича курс ишнинг ҳисоботини ўз вақтида кафедрага тақдим этиши керак.

### **Адабиётларни танлаш**

Фанга таълуқли бўлган барча турдаги адабиётларни ва манбаларни кўриб чиқиш лозим: махсус, илмий; илмий-оммобоп; маълумотномалар, шу сингари статистик; умумий.

### **Адабиётларни ўрганиш ва асосий маълумотларни йиғиш**

Адабиётларни ўрганишдан олдин яна бир бор мавзунини тўғри танланганлигига ишонч ҳосил қилиш лозим. Талаба адабиётларни курс иши мавзусини тўғри танлаши керак. Илмий раҳбарнинг вазифаси талаба танлаган манбаларни қайта кўриб асосийларини қолдиришдир.

Манбаларни тўплашда талаба унинг чоп этилган йилига ҳам алоҳида эътибор бериши лозим. Эски манбалардан олинган маълумотлар бугунги кундаги долзарб ҳисобланган муаммоларни ечишда унчалик аҳамиятли бўлмай қолади.

Талаба бир нечта манбаларни қиёсий таҳлил қилган ҳолда ўзига энг маъқул деб топган маълумотларни олгандагина олиб борган тадқиқоти самара беради.

### **Курс ишини баҳолаш мезонлари**

Курс ишини асосий баҳолаш мезонлари қуйидагилардан иборат:

- мавзунинг долзарблиги ва янгилиги, уни ишлаб чиқишнинг мураккаблиги;

- кўрилатган масала бўйича маҳаллий ҳамда хорижий манба ва махсус адабиётлардан тўла фойланилганлиги;

- тадқиқот объекти бўйича далилий маълумотларни тўлиқ ва сифатли тўпланганлиги;

- қўйилган масалани ҳал қилишда метод ва воситалардан фойдаланишнинг тасдиқланганлиги;

- олинган натижаларни таҳлил қилиб, шарҳлай олинганлиги;

- хулоса, таклиф, тавсияларнинг илмий, услубий ва амалий аҳамияти ҳамда уларни исботланганлик даражаси ва реал тадбиқ этиш имкониятлари;

- материални аниқ ва тўғри, хатосиз баён этилганлиги, ишни сифатли расмийлаштирилганлиги, мазкур «Методик қўлланма» талаблари ҳисобга олинганлиги;

- курс ишининг назарий ва амалий масалалар бўйича мунозара юрита олинганлиги, кафедра томонидан тузилган комиссия аъзоларининг саволлари ва тақризчилар камчиликларига берилган жавобларнинг тўғри ва чуқур ифодаланганлиги.

Иш сессия бошланишига 10 кун колганда топширилади ва ҳимоя қилинади.

### **Битирув малакавий ишларини ёзиш методикаси. Раҳбарлик қилиш**

**Битирув малакавий иши**-таълимнинг якуний босқичида олий таълим муассасаси раҳбари томонидан тайинланган илмий раҳбарнинг топ-шириғи ва кўрсатмаси асосида талаба томонидан мустақил бажариладиган илмий-назарий ва методик лойиҳадир.

Битирув малакавий иши ҳимояси бакалавриат йўналиши талабасининг якуний давлат аттестацияси синови кўринишларидан биридир. Шунингдек, битирув малакавий иши талабанинг ўз ихтисослиги бўйича эгаллаган назарий ҳамда амалий кўникма ва малакалари кўлами ва даражасини, битирувчининг савияси ва салоҳиятини белгиловчи, мустақил илмий, ижодий тадқиқот ишидир.

**Битирув малакавий ишини бажариш жараёни қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:**

#### **Тайёргарлик босқичи:**

- танланган мавзу бўйича битирув малакавий ишни бажариш учун рухсат олиш (мавзуни тасдиқлаш);

- малакавий ишни бажариш бўйича топшириқларни ишлаб чиқиш.

- мавзу танлаш;

**Битирув малакавий иши мавзуси қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:**

- мавзунинг талаба таълим йўналиши, ихтисослигига мослиги;

- долзарб педагогик муаммога бағишланганлиги;

- фаннинг амалдаги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболларига мослиги;

- истеъмолчиларда қизиқиш уйғотиши ва амалий аҳамиятга эга бўлиши.

**Битирув малакавий иши мавзусини танлашда қуйидагиларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир:**

- тадқиқ этилаётган муаммонинг адабиётларда ёритилиши ва ишланганлик даражаси;
- олий таълимда таълим олиш даврида талабанинг курс ишлари ҳамда бошқа илмий ишларни бажариш борасида эгаллаган кўникмалари;
- битирув ишини бажариш учун зарур бўлган маълумотларни топиш имконияти;
- истеъмолчи ташкилотнинг битирув малакавий иши материалларига қизиқиши ва эҳтиёжи;
- талабанинг имкониятлари ва назарий-амалий тайёргарлик даражаси.

**Битирув малакавий иши таркибига қуйидагилар киради:**

- Титул варағи
- Мундарижа
- Кириш
- а) танланган мавзунинг долзарблиги;
- б) ишнинг мақсад ва вазифалари;
- в) ишнинг объекти ва предмети;
- г) методологик асоси ва тадқиқот методлари;
- д) ҳимояга олиб чиқилаётган ҳолатлар;
- е) ишнинг амалий аҳамияти;
- ж) ишнинг тузилиши.
- Асосий қисм.
- Хулоса.
- Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.
- Иловалар.

Битирув малакавий иш битирувчининг касбий эрудицияси юқори даражасини, унинг методик тайёргарлигини, касбий фаолият кўникма ва малакаларини эгаллаганлигини аниқлаши лозим. Шунга кўра битирув малакавий ишнинг мақсади:

- назарий билим ва амалий кўникмаларни тизимлаштириш ва мустаҳкамлаш;
- билим ва амалий кўникмалардан аниқ илмий-тадқиқотчилик ва илмий-амалий муаммоларни ҳал қилишда фойдаланиш;
- мустиакл иш кўникмаларини ривожлантириш;
- материални умумлаштириш ва мантиқий баён қилиш кўникмаларини ривожлантириш;
- экспериментал тадқиқот методикасини эгаллаш.

Битирув малакавий ишни бажаришда талаба қуйидаги қобилиятларни намоиш этили талаб қилинади:

- мустақил равишда илмий-тадқиқотчилик ва илмий-амалий вазифани қўйиш, унинг долзарблиги ва аҳамитини баҳолаш;
- тадқиқот фаразини илгари суриш;
- иш мавзуси бўйича ахборотни тўплаш ва қайта ишлаш;
- олинган материални ўрганиш ва танқидий таҳлил қилиш;
- аниқланган муаммони чуқур ва ҳар тарафлама тадқиқ қилиш;
- ўрганилаётган муаммони ҳал қилишнинг ўз вариантини ишлаб чиқиш, тавсифлаш ва асослаш;
- хулоса ва олинган натижаларни амалиётга жорий этиш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш, расмийлаштириш ва мантиқий асослаб бериш.

Битирув малакавий иш мавзулари фанни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва амалиёт эҳтиёжларига мувофиқ тарзда кафедрада ишлаб чиқилади ва ОТМ Илмий кенгаши томонидан тасдиқланади.

Талаба таклиф қилинган мавзулардан бирини танлайди, шу билан бирга ўзининг шахсий илмий-тадқиқот иши тажрибасига таяниб, мустақил равишда мавзу таклиф қилиши ва уни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлигини асослаши мумкин. Мавзулар ректор буйруғи билан тасдиқланади. Мавзуни ўзгартиришга фақат истисно тарзида йўл қўйилади ва ректор буйруғи билан расмийлаштирилади.

Битирув малакавий ишни талаба кафедранинг тавсияси билан ОТМ профессор-ўқитувчилари таркибидан тавсия қилинган ва тасдиқланган илмийраҳбар қўл остида бажаради.

Битирув малакавий тадқиқот устида ишлаш учун талаба қатор босқичларни кўзда тутадиган режа-график ишлаб чиқади ва раҳбар билан келишади. Бу босқичлар қуйидагича:

- касбий фаолият соҳасини белгилаш ва иш бағишланадиган муаммони аниқлаштириш;
- иш мавзусини, унинг ишчи номини ва тадқиқот фаразини шакллантириш;
- ахборот маконини белгилаш ва муамога оид адабиётларни излаш, аннотацияланган картотека тузиш, манбаларни рефератлаш. Бунда талаба мавзунинг умумий масалаларидан хусусий муаммога ёки танланган муаммони хусусий ўрганишдан унинг умумий манбаларига томон йўлни белгилаши мумкин;
- назарий тадқиқот натижаларини муҳокама қилиш, мақсад, вазифалар ва тадқиқот фаразини аниқлаштириш, ишнинг амалий қисми учун вазифаларни белгилаш;

- экспериментал база, методикаларни аниқлаш ва экспериментининг боришини режаалаштириш;

-экспериментал тадқиқот ўтказиш ва натижаларни тўплаш, таҳлил ва талқин қилиш;

- битирув малакавий тадқиқот номини (зарар ҳолларда) коррекциялаш, иш матнини ёзиш ва раҳбар томонидан текширишилиши;

- ишни, иловаларни, иллюстратив материални расмийлаштириш;

- ишни тақризчига тақдим қилиш, тақриз билан танишиш;

- ҳимоя учун чиқиш (маъруза) ни тайёрлаш, зарур ҳолларда уни апробациялаш (синовдан ўтказиш – дастлабки ҳимоя қилиш).

Режа-график мажбурий меъёрий ҳужжат саналади, раҳбар томонидан имзоланади, мутахассис тайёрловчи кафедра мудини томонидан имзоланади.

Режа-график битирув малакавий ишга, сарварақдан кейин қўшиб тикилади.

Раҳбар ишнинг бажарилишини қисмлар бўйича ва яхлит текширади, ишнинг графика мувофиқ бажарилишини назорат қилади ва кафедранинг битирувчи талаба ишининг аҳволи ҳақида мунтазам хабардор қилиб боради.

Малакавий иш раҳбари талабага ишни тайёрлаш ва ёзиш даврида назари ва амалий ёрдам беради, иш структураси, мазмуни ва уни расмийлаштириш, адабиётларни танлаш ва ш.к. юзасидан тасвиялар беради. Бундан ташқари, раҳбар асослаш, композиция, услуб ва ш.к. ларга оид камчиликларни, уларни бартараф қилиш йўллари кўрсатиб, маслаҳатлар беради.

Битирув малакавий ишни талаба мустақил бажариши ва барча зарур ҳужжатларни расмийлаштириши, жумладан намоёиш қилинадиган материални тайёрлашини назарда тутиш лозим. Мавзуни назарий ва методик жиҳатдан тўғри ишлаб чиқиш ва ёритиш, унинг сифати ва мазмуни учун жавобгарлик тўлиғича талабанинг зиммасидадир.

Тугалланган иш раҳбарга топширилади, раҳбар уни ўқиб чиққач, имзолайди ва ёзма хулоса беради. Раҳбарнинг хулосаси асосида кафедра талабани ҳимояга қўйиш ҳақида қарор қилади. Кафедра мудирини талабани ҳимояга қўйиш мумкин эмас, деб топса, масала раҳбарнинг мажбурий иштирокида кафедра йиғилишида кўриб чиқилади ва баённома расмийлаштирилади.

Буйруқ билан ҳимояга қўйилган битирув малакавий иш тақризга юборилади. Тақризчи сифатида, одатда, тадқиқот базаси саналган таълиммуассасининг етакчи мутахассисларидан бири, шунингдек, тадқиқот муаммоси бўйича эксперт саналган ОТМ профессор-ўқитувчиси жалб қилинади. Тақризчилар таркиби кафедра мудирини томонидан тасдиқланади.

Тақризни олган, талаба илмий раҳбари билан биргаликда тақризчининг эътирозларига жавоб тайёрлиши, зарур ҳолларда ишга тегишли тузатиш ва тўғрилашлар киритиши керак бўлади.

Тақризчи томонидан ишда жиддий камчиликлар аниқлангани ҳолда улар бартараф этилгач, кафедра уни қайта тақризга юборишга ҳақли.

Кафедра мудирини раҳбар тақризи ва ёки дастлабки ҳимоя натижалари ва ёки тақризчилар эътирозларига асосан талабани битирув малакавий ишни ДАК да ҳимоя қилишга қўйиб бўлмайди, деб ҳисобласа, бу масала муаллиф ва раҳбар иштирокида кафедра йиғилишида қўриб чиқилади.

Ҳимояга қўйилган битирув малакавий иш раҳбар хулосаси ва тақриزلар билан ДАК га ҳимояга юборилади.

Битирув малакавий иш, одатда, қуйидагича тузилишга эга бўлади : кириш, назарий қисм (биринчи боб), экспериментал тадқиқот (иккинчи қисм), психологик-педагогик тавсиялар (учинчи боб).

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги асоаланади, унинг мақсади, вазифалари белгиланади, предмети, объекти қисқача тавсифланади, тадқиқот фарази шакллантирилади ва амалдий аҳамияти акс эттирилади. Бундан ташқари, кириш қисмида иш бобларининг қисқача тавсияи келтирилади. Тадқиқот мавзусининг долзаоблигини асослаш назарий манбалар, ижтимоий ривожланиш тенденциялари ва касбий амалий фаолият реалаялариасосида амалга оширилади. Тадқиқот долзарблигининг исботи ванатанзимиз вахориж олимларининг ўрганилаётган муаммога катта эътибор қаратиши, шунингдек, етарлича йиритилмаган ва аниқлаштиришни иалаб этадигансаволларнинг мавжудлиги бўлиши мумкин. Қўйилган муаммонинг ечими касбий соҳадаги фаолият, муайян муассасалар ишини такоиллаштириш учун аҳамият касб этиши ҳам бўлиши мумкин.

Битирув малакавий иш мақсади қўйилган муаммони ечишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари унинг мақсадини аниқлаштирилади ва бажариш кетма-кетлигини белгилайди. Одатда, битирув малакавий ишда қуйидаги вазифалар қўйилади:

- ўрганилаётган муаммога доир назарий манбалар таҳлили;
- ўрганилаётган ҳодисанинг долзарб ҳолати, шунингдек, эҳтимол, унинг кейинги ривожланиш истиқболлари ва сабабларини аниқлаш;
- экспериментал базани белгилаш;
- тадқиқот методларини танлаш;
- эмпирик тадқиқот ўтказиш;
- амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида умуман ҳодиса ё унинг айрим томонлари ривожланиши ва намоён бўлишининг қонуниятлари ва жараёни бўлиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда тадқиқот объекти танланган мавзу ва иш муаммосига мувофиқ келиши лозим.

Тадқиқот предмети ишнинг мавзуси ва объектига қатъий мувофиқ ва аниқ белгиланиши керак. БМИ предмети сифатида у ёки бу ҳодисанинг хусусиятлари, структуравий компонентлари, уни ўрганиш, уни ташҳислашнинг

йўллари ва методлари, ўқув-тарбиявий чора-тадбирлар, психологик-педагогик, таъсир самарадорлигини оширадиган шароитлардан иборат бўлиши мумкин.

БМИ амалий аҳамияти унинг муаммони ҳал қилиш, тадқиқот натижалари амалиётда кўрсата оладиган аниқ ёрдамда ўз ифодасини топади. Одатда, ишнинг амалий аҳамиятини ўрганилаётган ҳодисанинг аниқланган хусусиятлари ва ишлаб чиқилган тавсиялар ташкил этади.

Тадқиқотнинг назарий қисми биринчи бобда (зарур ҳолларда икки бобда) тақдим этилиши керак. Унда ватанимиз ва хориж олимларининг ишлари таҳлили ва талқини, ўрганилаётган муаммога турли ёндашувларниг ўзига хосликлари, унинг умумий проблематикада тутган ўрни ва аҳамияти, ҳал қлинмаган, заиф ёритилган ва аниқлаштиришни талаб қиладиган масалалар баён қилинади. Унинг аналитик йўналганлигини кучайтириш учун материални турли асосларга кўра тизимлаштириш, умумлаштириш ва таснифлаш тавсия этилади.

БМИ нинг сифатли бажарилиши камида 50 та назарий манбани ўрганишни талаб этади, улар орасид мутахасислар монографиялари ва илмий мақолалар (улар адабиётларнинг асосий қисмини ташкил қилиши), дарслик ва ўқув қўлланмалар, луғат ва маълумотнома (справочник) лар бўлиши керак.

Нафақат хориж, балки мадбурий тартибда маҳаллий тадқиқотчилар ишлари келтирилиши лозим.

Матнда, ўрганилган адабий маълумотларга ҳаволалар билан бир қаторда, БМИ муаллифининг нуқтаи назари, позицияси, шарҳи акс этирилиши ва асосланиши лозим.

БМИ биринчи боби ўрганилаётган муаммонинг алоҳида жиҳатларини акс эттирган камида икки параграфни ўз ичига олиши керак. Ҳар бир параграф мантиқий асосланган худосалар, масала моҳиятининг қисқача баёни билан тугалланади. Боб охирида тадқиқот муаммосининг ишланганлик даражаси, уни ўрганишнинг асосий йўналишлари, унинг долзарблиги ва ш.к. ҳақида хулоса келтирилади. Биринчи боб юзасидан хулосалар экспериментал амалий тадқиқот асосланишини ўз ичига олиши керак.

Аналитик шарҳ матнига қуйидаги талаблар қўйилади: ахборотнинг тўлиқ ва ишончлилиги; ахборотга танқидий баҳонинг мавжудлиги; структура мантиққийлиги; композицион яхлитлик; хулосаларнинг асосланганлиги; баённинг аниқ ва лўндалиги.

БМИ иккинчи бобби экспериментал тадқиқот натижаларини ўз ичига олади. Одатда, у 3 параграфга бўлинади. Бу ҳолда биринчи параграфда синалувчилар

таркиби, уларнинг кенгайтирилган тавсифини (сони, ёши, жинси, ижтимоий мақоми, ҳолати хусусиятлари ва ш.к.) келтириш мақсадг амувофиқ. Иккинчи параграфда экспериментал тадқиқотнинг бориши, шакллари ва методларини (қаерда, қачон ва қай муддатларда, якка ё гуруҳ тартибида ўтказилгани, фойдаланилган методлар ва аниқ экспериментал методикалар) тавсифлаш ва асослаш, қўлланган методларнинг БМИ мақсад ва вазифаларига мувофиқлигини исботлаш керак. Тадқиқот ўтказиш учун зарур кўрғазмали ва матн материали кўп жой талаб этса, уларни иловаларда бериш тавсия этилади. Параграф матнида методикаларнинг умумий тавсифи ва иловага ҳавола, библиографик манбалар келтирилади.

Учинчи параграф эмпирик тадқиқот натижаларининг миқдор ва сифат таҳлилига бағишланиши мумкин. Муаллиф, масалан, тадқиқот давомида синалувчилар ўзини қандай тутганини тавсифлайдиган натижалар баённомаларидан мисоллар келтириши, аниқланган фактларни тушунтириши лозим. Олинган натижаларни миқдорий қайта ишлашнинг тадқиқот натижалари ва хулосаларнинг ишончлилиги ва асосланганлигини тасдиқловчи махсус методлардан фойдаланиш тавсия қилинади. Натижаларни график, диаграмма, жадвал ва ш.к. кўринишда тақдим қилиш мақсадга мувофиқ.

Иккинчи боб ва унинг таркибидаги параграфлар ҳам қилинган ишларни қисқача умумлаштирувчи хулоса билан тугалланиши керак. Хулосалар тадқиқотда қайси қоидаларда ўз тасдиғини топгани, ўрганилаётган ҳодисанинг қайси янги хусусиятлари аниқланганини кўрсатиб бериши лозим. Айни вақтда тадқиқот натижалари ва хулосаларидан муайян вазифаларни ҳал қилишда қандай фойдаланиш мумкинлигини таъкидлаш керак.

Учинчи бобда синалувчилар билан олиб бориладиган иш йўллари ва воситалари келтирилиши, ёрдамнинг бу шакллари самарадорлиги экспериментал исботланиши ва фаолияти кўрсатилган муаммоларни ҳал қилиш билан боғлиқ мутахассилар учун тавсиялар берилиши мумкин.

Унда талаба болаларни психологик-педагогик ташҳислашни, улар билан олиб бориладиган ўқув-тарбиявий ва коррекцион ишларни, оила, маҳалла ва жамоатчилик билан ҳамкорликни такомиллаштириш, таълим муассасаси иш сифати ва натижалилигини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади. Барча таклиф ва тавсиялар амалий аниқ характерда бўлиши, уларнинг амалда қўлланишини таъминлайдиган ишланма даражасига етказилиши керак.

Муайян чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун ўрганилаётган муаммонинг назарий тадқиқи, мавжуд илғор маҳаллий ва хорижий тажриба, шунингдек иккинчи бобда келтирилган экспериментал тадқиқот маълумотлари асос вазифасини ўтайди.



Хулосада тадқиқот натижалари келтирилади. Қўйилган муаммони илмий-назарий ва экспериментал-амалий ўрганиш асосида унинг долзарблиги таъкидланади, мақсад ва вазифаларнинг ҳал этилганлик даражаси кўрсатилади, ишчи фараз тасдиқланади ё инкор этилади, ишнинг амалий аҳамияти (муаллифнинг муаммони ҳал қилишга ҳиссаси) баҳоланади. Зарур ҳолларда янада чуқур ишлашни талаб этадиган масалалар доираси, муаммони ўрганиш истиқболлари белгиланади.

Хулосада кириш ёки асосий қисмнинг мазмунини такрорлашга йўлқўйилмайди.

Адабиётлар руйхати БМИ мавзусига мос келиши, турли нашрларни ўз ичига олиши керак. Адабиётлар руйхати муаллифлар сарлавҳаси (муаллифлар Ф.И.О.) ёки асосий номланишларнинг қатъий алифбо тартибида тузилади.

Руйхат фойдаланилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан бошланади, кейин нашр қлинган ўқув-методик адабиёт, журнал мақолалари, ниҳоясида интернет манбалари келтирилади. Нашр йили ва жойи, саҳифалар сони албатта кўрсатилади, бунда чиқиш маълумотлар соҳасида библиографик талабалар билан белгиланган қисқартишларга йўл қўйилади. Руйхатни расмийлаштиришда шу талабларга таяниш тавсия қилинади. Адабиётларнинг тартибланган руйхати араб рақамлари ва нукта билан тартиб рақамланади.

Ишни тамомлагач, айниқса, асосий қисм матнини ёзишда адабиётлар руйхати тўлдирилган бўса, матндаги ҳаволаларнинг кўрсатилган нашрнинг адабиётлар руйхатидаги рақамга мослиги қўшимча текширилади.

Иловада БМИ матни билан бевосита боғлиқ бўлмаган жадваллар, график ва схемалар, шунингдек, эксперимент баённомалари, олиб борилган дарс ва машғулотлар тавсифи, синалувчиларнинг расмлари ва бошқа, муаллиф матнда келтириш зарур деб топмаган, материаллар келтирилиши мумкин. Шунингдек, иловада глоссарий берилиб, унда ишда қўлланган асосий тушунча ва терминлар келтирилади.

Бундан ташқари, ишга ўзбек, рус ва инглиз тилларида аннотация тайёрланиб, унда ишнинг мақсади ва қисқача мазмуни келтирилади. Битирув малакавий иш учун баҳо давлат аттестация комиссияси аъзолари, битирув малакавий иш раҳбари ва тақризчилар муҳокамаси ва уларнинг фикрини мувофиқлаштиришдан кейин коллегия асосда қўйилади. Битирув малакавий ишни баҳолаш ишнинг ўзини ва унинг ҳимоясини баҳолашдан иборат бўлади.

Битирув малакавий иш учун сифатини баҳолашда унинг даражаси инобатга олинади. Иш амалий йўналишда инновацион характерда бўлиши, тадқиқ қилинаётган муаммога амалий ёки илмий ҳисса элементларини ўз ичига олиши лозим. Баҳонинг холис бўлиши учун ҳар бир қисм (боб) мазмуни талаба томонидан муаммонинг қўйилганлиги, асосий тушунчаларнинг

аниқлаштирилгани, таснифлар ва уларнинг белгилари ишлаб чиқилганлиги, салбий ҳодисалар сабабларининг аниқлангани, муаммони ҳал қилишнинг асосий йўллари белгилангани, турли нуқтаи назарлар умумлаштирилгани, тизимларгани ва таҳлил қилинганлиги, алоҳида позициялар танқиди, амалий характердаги таклифлар киритилгани нуқтаи назаридан таҳлил қилинади.

Битирув малакавий иш ҳимоясини баҳолашда талаба маърузасининг сифатига, яъни унинг:

- ўрганилаётган муаммо асосини ташкил этадиган назарий қоидаларни соддалаштирмасдан ва кундалик тушуниш ҳамда жонли сўзлашув тилида изоҳлашга ўтмасдан аниқ ифодалаб бера олиши;

- ҳодисаларни бошқа ижтимоий жараёнлар билан боғлай олиши, уларнинг ҳаётий тажрибага таъсирини белгилай олиши;

- муаммога ўз ёндашувини, олинган натижаларни етарли даражада аниқ шакллантира олишга, асосли баён қила олишига эътибор қаратилади.

Талаба битирув малакавий иш ҳимоясида «қониқарсиз» баҳо олса, у қайта ҳимоя қилиш ҳуқуқи билан университетдан чиқарилади. Бир марта қайта ҳимояга йўл қўйилади.

### Назорат саволлари

1. Мактабгача педагогика туркум фанларни ўқитишнинг инновацион метод ва воситалари.

3. Кейс-стади методи.

4. Ўқитишнинг мақсади ва вазифалари.

5. Мавзунинг мазмуни.

6. Ўқитиш тамойиллари ва педагогнинг позицияси.

7. Талабаларнинг ўқув имкониятлари.

8. Ўқув муассасалари, аудиторияларнинг моддий таъминланганлик даражиси, жиҳозлар, кўрсатмалли қуроллар, техник воситаларга қўйиладиган талаблар.

9. Ўқитишнинг анъанавий методларини изоҳланг.

10. Интерфаол методларни изоҳланг.

11. Маъруза ва маърузанинг аҳамияти.

12. Маъруза ва унинг турлари.

13. Маъруза машғулотларини ўтказиш методикаси.

14. Маърузага қўйиладиган талаблар.

15. Якуний ёки умумлаштирувчи маъруза.

16. Маъруза ва унинг ўзига хосликлари

17. Семинар машғулотларини ташкил этиш.

18. Амалий машғулотларни ўтказиш технологияси.



19. Лаборатория машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш методикаси.
20. Ўқитувчининг семинар машғулотида таёргарлик кўриши ва ўтказиши бўйича маслаҳатлар.
  - .21. Мустақил таълим ва уни ташкил этиш шакллари айтиб беринг.
  22. Мустақил таълимнинг турлари санаб беринг.
  23. Мустақил ишлар қандай имкон бериши лозим.
  24. Аудиторияда амалга ошириладиган мустақил ишлар.
  25. Педагогикага оид адабиётларда мустақил ишларнинг қандай турлари мавжуд.
26. Мактабгача таълим фанларидан курс иши (лойиҳаси)ни тайёрлаш методикасини айтиб беринг.
27. Битирув малакавий ишларини ёзиш методикаси.
28. Битирув малакавий ишларига раҳбарлик қилиш ва битирув малакавий ишини расмийлаштириш тартибини айтиб беринг.
29. Ишнинг режасини тузиш ва бажариладиган ишларни назорат қилиш.
30. Илмий раҳбарнинг вазифаларини айтиб беринг.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Абузалова М., Тоирова Г. Малакавий битирув иши ёзиш учун методик кўрсатма ва тавсиялар (филология факултети талабалари ва методистлари учун мўлжалланган). – Т.: “Фан” нашриёти, 2007, - 28 б.
2. Азизхўжаева Н. Педагогик технология ва маҳорат. Тошкент: ТДПИ, 2003.
3. Байбаева М. Х. Мустақил таълим олиш технологияси ва касбий йўналганлик // Касб-ҳунар таълими. – Тошкент, 2005.
4. Кадирова Р.М Битирув малакавий ишини ёзиш методикаси . Ўқув қўлланма.Т.: 2001 -112.б
5. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. – Тошкент: Фан, 2006.
6. Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт. – Тошкент: “Фан”, 2005.
7. Слостенин В.А. Исаев И Ф., Шиянов Е.Н. Общая педагогика. В 2-х ч. – М.:ВЛАДОС, 2003. Ч.1
8. Хасанбоева О.У. ва бошқ Мактабгача таълим педагогикаси -Т.: Илм-зиё. 2012. Ўқув қўлланма
9. Елсуков А.Н. Методика преподавания социологии в высшей школе. Учебное пособие. Минск: ТетраСистемс, 2003
10. Буланова-Топоркова М.В. Педагогика и психология высшей школы: учебное пособие. Ростов-на-Дону: Феникс, 2002. - 544 б.



11. Чичерина Я., Нуркелдиева Д., Бондарева Е. Мутахассислик фанларни ўқитиш методикаси. Т.: Фан ва технологиялар, 2013й.
12. Холиқов А. Педагогик маҳорат. – Т.: ИҚТИСОД-МОЛИЯ, 2011.
13. A Handbook for Teaching and Learning in Higher Yeducation, publis'hed 2009by Routledge 270 Madison Ave, New York.
14. Ходжаев Б.Х. Ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантириш йўллари. - Т.: ТДПУ, 2008. - 65 б.
15. R.P. Pathak. Methodology of Yeducational Research. USA-2008 Atlantic
16. Муслимов Н.А., Қўйсинов О.А. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этиш. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ. Методик қўлланма. 2006.
17. Педагогика. // М.Тохтоходжаеванинг умумий таҳрири остида. – Т.: Оъзбекистон Файласуфлари Миллий жамияти, 2010.
18. Жукова Е.Д. Технология организации и реализации самостоятельной работы студентов : рабочая тетр. – Уфа : Изд-во БГПУ, 2004.

## IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

### 1 – Амалий машғулот

#### **Фан дастурлари ва ишчи фан дастурларини ва ўқув режаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш**

**Ишдан мақсад:** Фан дастурлари ва ишчи фан дастурларини ва ўқув режаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш ва уларга вариатив дастур ва ишчи дастурлар яратиш.

**Масаланинг қўйилиши:** Фан дастурлари ва ишчи фан дастурларини ва ўқув режаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш.

#### **Ишни бажариш учун намуна**

1. Мактабгача таълим педагогика туркум фанлари ўқув режаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш
2. Мактабгача таълим педагогика туркум фан дастурлари ва ишчи фан дастурларини ўрганиш ва таҳлил қилиш.
3. Мактабгача таълим педагогикафани ўқитувчисининг ўқув-методик хужжатларни режалаштириши, ташкил этиши ва тайёрлаши.

### 2- Амалий машғулот

#### **Таълим жараёнига STEAM ўқитиш технологияларини тадбиқ этиш.**

**Ишдан мақсад:** Таълим жараёнига STEAM ўқитиш технологияларини тадбиқ этиш.

**Масаланинг қўйилиши:** Мактабгача методика фанларида STEAM технологияларини тадбиқ этиш.

#### **Ишни бажариш учун намуна**

1. Мактабгача методика фанларида STEAM технологияларини тайёрлаш ва ўтказиш.
2. Мактабгача методика фанларида STEAM технологияларини тадбиқ этиш бўйича маъруза матнини тузиш.
3. Мактабгача методика фанларида STEAM технологияларини тадбиқ этиш бўйича лойиҳалар тайёрлаш..

### 3-Амалий машғулот

#### **Маъруза машғулотини технологиясини ишлаш. Маъруза матнини тузиш Мини маърузалар ўтказиш**

**Ишдан мақсад:** Мактабгача таълим педагогика туркум фанлари бўйича маърузаларни тайёрлаш ва ўтказиш

**Масаланинг қўйилиши:** Мақтабгача таълим педагогика туркум фанлари бўйича турли хилдаги маърузаларни ишлаб чиқиш.

#### **Ишни бажариш учун намуна**

- 1.Мақтабгача таълим педагогика туркум фанлар бўйича маърузаларни тайёрлаш ва ўтказиш.
- 2.Мақтабгача таълим педагогика туркум фанлар бўйича маъруза матнини тузиш.
- 3.Мини маърузалар ўтказиш.

#### **4-Амалий машғулот**

##### **Семинар ,амалий,лабаротория машғулотларини ўтказиш технологияси**

**Ишдан мақсад:** Мақтабгача таълим педагогика туркум фанлар бўйича семинар ,амалий,лабаротория машғулотларини ўтказиш технологияларини ўрганиш.

**Масаланинг қўйилиши:** Мақтабгача таълим педагогика туркум фанлар бўйича семинар ,амалий,лабаротория машғулотларини ўтказиш технологияларини таҳлил қилиш.

#### **Ишни бажариш учун намуна**

- 1.Мақтабгача таълим педагогика туркум фанлар бўйича семинарларни тайёрлаш ва ўтказиш.
- 2.Мақтабгача таълим педагогика туркум фанлар бўйича амалий машғулотларини тайёрлаш ва ўтказиш.
- 3.Мақтабгача таълим педагогика туркум фанлар бўйича лаборатория машғулотларини тайёрлаш ва ўтказиш.

#### **5-Амалий машғулот**

**Мустақил таълимни лойиҳалаштириш ва уни ташкил этиш технологияси. Мақтабгача таълим фанларидан курс иши (лойиҳаси)ни ва битирув малакавий ишларини тайёрлашнинг ташкилий ва илмий-методик таъминоти ва уларни он-лайн химояларини ташкил этиш технологияси.(4соат)**

**Ишдан мақсад:** Мақтабгача таълим педагогикаси туркум фанлардан мустақил таълимни ташкил этиш тажрибасини кўрсатиб бериш.

**Масаланинг қўйилиши:** Мақтабгача таълим педагогикаси туркум фанлардан турли шакллардаги мустақил таълимни ташкил этишни таҳлил қилиш.

#### **Ишни бажариш учун намуна**

1. Мустақил таълимнинг турларини тавсифлаш.
2. Аудиторияда амалга ошириладиган мустақил ишларни ташкил этиш методикаси.
3. Аудиториядан ташқарида бажариладиган мустақил ишларни ташкил этиш методикаси.

**Ишдан мақсад:** Мақтабгача таълим педагогика туркум фанларидан курс иши ва битирув малакавий ишини (лойиҳаси)ни тайёрлаш.

**Масаланинг қўйилиши:** Мақтабгача таълим педагогикаси туркум фанларидан курс иши (лойиҳаси)ни ва битирув малакавий ишларини бажариш методикасини ишлаб чиқиш.

#### **Ишни бажариш учун намуна**

1. Мақтабгача таълим педагогикаси туркум фанларидан курс ишини тайёрлаш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқиш.
2. Битирув малакавий ишларига раҳбарлик қилиш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқиш.
3. Курс иши ва битирув малакавий ишлари учун тақризлар тайёрлаш.

#### **6-Амалий машғулот: Ўқув ва малакавий педагогик амалиётни ташкил этиш ва ўтказиш технологияси**

**Ишдан мақсад:** Ўқув ва малакавий педагогик амалиётни ташкил этиш ва ўтказиш дастурини тайёрлаш

**Масаланинг қўйилиши:** Ўқув ва малакавий педагогик амалиётни ташкил этиш ва ўтказиш дастурини тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш.

#### **Ишни бажариш учун намуна**

1. Ўқув амалиётни ташкил этиш ва ўтказишни технологияси.
2. Амалиёт дастурларини тузиш.
3. Малакавий педагогик амалиётни ташкил этиш ва ўтказиш технологияси.

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

“Case” сўзи, латинча “сасус”- “воқеа, ҳодиса” сўзидан келиб чиққандир. Бошқача айтганда, бу тушунча ҳаётда юз берадиган қандайдир воқеа ёки ҳодисани, аниқ бир вазиятнинг тафсилотини англатади. Умуман олганда, кейс – стади (аниқ бир ҳолат ёки вазият), муайян жараёнида содир бўладиган ҳақиқий воқеликни сўзлар, рақамлар, образларда ифода этишда намоён бўлади. Бундан ташқари, бу ифода таълим соҳасида, ҳодиса ёки вазиятни тадқиқ этиш учун ишлатиладиган ахборот, стенография сифатида қўлланилади. Кейс-стади ҳодиса ёки вазиятни оддий тафсилотидан фарқли ўлароқ, у ўқув материални ўзлаштириш учун кўмаклашувчи ахборотни ўз ичига олади, бунга дуч келган муаммони аниқлаш ва унинг ечим йўллариини излаш орқали эришилади. Кейс-стади, муайян ўқув мақсадли билим олиш воситаси сифатида ишлаб чиқилиши зарур. Ушбу мақсадлар кенг қўламли бўлиб, ахборотлар, маълумотлар ёки тафсилотлар билан таъминланишини назарда тутаяди, улар муайян қарашлар ёки усулларни намойиш этишда қўлланилиши мумкин. “Кейс-стади” атамасини ўқитиш ва тадқиқ этиш йўналишларида қўллашда турлича ёндашиш зарурлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Мутахассислар мазкур терминни ташкилотларни жадал ўрганиш, ифодалаш ва таҳлил этиш учун ишлатадилар, унинг натижасида янги назария яратилади мавжуд назария текшириб кўрилади, янги ечимлар аниқланади. Кейс усул биринчи марта Гарвард бизнес-актабида бўлғуси адвокатларни амалий малакаларга ўргатишда ишлатила бошланган эди. Вазиятлар мазмуни ва тафсилотини ифодалашнинг турли хил кўринишлари мавжуд. Кейс-стади бор-йўғи бир неча иборалардан тортиб, юзлаб варақлардаги ҳажмгача эга бўлиши мумкин. Йирик ҳажмдаги кейс-стадига дуч бўлган таҳсил олувчилар, одатда кейс-стадининг тафсилоти қанчалик йирик бўлса улар шунчалик мураккаб деб ҳисоблайдилар. Бу нотўғри хулосадир – чунки кўпчилик қисқа кейслар чигалроқ бўлади. Кейсни тузишда муайян вазиятни ифодалаш учун унинг ёзма шаклидан фойдаланиш шарт эмас. Вазиятларни ифодалаш учун фотография, видеофильмлар, аудиоёзувлар ёки слайдлардан фойдаланиш мумкин. Барча ушбу воситалар таҳсил олувчиларга вазиятни ҳақиқатга яқинроқ гавдалантиришга ёрдам беради. Шу билан бирга ёзма шаклдаги ахборот масалан фотография шаклидаги ахборотдан кўра қайта ишлаш ва таҳлил этиш учун қулайроқдир. Бу ҳолларда фотографияларни ёзма шаклдаги ахборот билан тўлдириш зарур. Ёзма кейсларни ўрганиш тажрибаси бўлган таҳсил олувчиларни ўқитишда мультимедиялар ахборотларидан фойдаланилган кейсларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Кейс-стади (муайян вазиятлар) индивидуумлар, шериклар, гуруҳларда, корхоналарда, ҳаттоки бутун бир мамлакат миқёсида



ўзининг таълим хусусиятига кўра назарга келувчи муаммоларни ифодалаш мумкин. Кейслар таълимнинг турли соҳаларида: бизнес, бошқарув, тиббиёт, архитектура, қурилиш, ҳамда ностандарт муаммолар мажмуаси ечимини қабул қилиш малакасини талаб этадиган барча фанларда қўлланилиши мумкин.

**“Кейс-стади” ёрдамида ўқитишда муаммолар аниқланади, ечимлар топилади, тавсиялар ишлаб чиқилади.**

Сифатли кейс-стадилар, уларни тайёрлаш, расмийлаштириш ва текшириш учун кўп вақт талаб этади. Шу билан бирга тўғри тузилган ва ўқув фанига киритилган кейс-стади, фанни ўзлаштиришда кўзланган натижаларга эришишга имконият беради.

Ишчан кейс-стадилар тузишнинг қуйидаги кетма-кетлигига риоя қилиниш тавсия этилади. **Кейсни ўрганиш мақсад ва вазифаларини ишлаб чиқиш** - мазкур босқичда ўқитувчи ўқитиладиган фан бўйича таҳсил олувчи ўзлаштириши зарур бўлган билим ва малакаларга ўз эътиборини қаратади. Олдин ўрганилган материал билан қўйилган мақсаднинг сўзсиз мувофиқлиги кўзда тутилган бўлиши зарур. Кейс-стадиларни тузиш ва қўллашнинг асосий принциплари етарли даражада умумийдир.

**Кейснинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ материаллар танлаш** - кейснинг материали муаммони очиб бериши лозим ва мазкур муаммо кейс олдида қўйилган мақсад ва вазифаларга мос бўлиши керак. Кейслар ҳақиқий вазиятларни аниқ тафсилотини намоён этишлари ёки бироз муаллифни ижод натижалардан қўшилган бўлиши мумкин. Кейслар учун маълумотлар ва материаллари сифатида юқорида кўрсатилганидек, газета мақолалари, ташкилотларнинг ҳужжатлари, у ёки бу соҳадаги ташкилотнинг фаолияти бўйича хусусий кузатувлар, мутахассисларнинг фикри, истеъмолчиларнинг фикри, статистика қўмитаси маълумотлари, диаграмма фотоҳужжатлар, мультимедиа материаллари, слайдлар ва ҳ.к. хизмат қилиши мумкин.

**Материалларни бирламчи қайта ишлаш.** - Ушбу босқичда олинган кўп сонли ахборотлардан, кейс-стади мақсадларига мос келувчи, фойдалисини танлаб олинади. Кейс-стадида қўлланиладиган интеграллашган таҳлил, кўп шаклларга эга бўлиши мумкин. У асосан қўшимча маълумотларни тармоқ ҳисоботлари, техник ҳужжатлар, компаниялар ҳисоботлари, шахсий тажрибалар ва ҳ.к. киритиш ва таҳлил этиш дан иборат. Кейс турини аниқлаш. - Кейс-стади тайёрлаш усули бўйича турлича бўлиши мумкин. Ёзилиш жойига кўра кейс-стадилар “майдонда” (яъни объектда – фирма ёки компанияда) ёки ўқитувчининг иш столида тайёрланиши мумкин бўлса, кейс стадида фойдаланиладиган н манбалар расмий (яъни нашр этилган) ёки норасмий (яъни дастлабки манбалардан олинган) кўринишга эга бўлса, кўрсатилган икки ўзгарувчи жамламасидан тўрт хил кейс-стади ҳосил бўлади: - “кутубхона”, “нашрий”,

“классик” ва “кабинет”, “Кутубхона” кейс-стадиси ташқи томонидан “майдонда”ги тадқиқот натижасида тайёрланган кейс-стадига ўхшаб кетади. Уларда корхона фаолияти ҳақида оммавий ахборот воситаларида (телевидения билан бирга) ва давлат бошқарув органларида (статистик, назорат, суд ва ҳ.к.) чоп этилган ахборотлар кенг миқёсда фойдаланилади.

“Кабинет” кейс-стадилар, муаллифнинг тадқиқотлари бошқарув соҳасидаги ўқитувчилиги ва маслаҳатчилигида тўплаган бой тажрибаларига асосланади.

### **Кейс мақсади ва вазифасига мувофиқ материални мослаш.**

Кейс матни ва унга қўйиладиган саволларини техник тузиш. -Ҳақиқий вазиятларнинг тафсилотидан ташқари, изчиллик билан ҳақиқатга

яқин вазиятни тасвирлаш тажрибасига эга бўлган муаллифнинг ижодий ҳаёти

асосида ҳам вазиятни ифодалаш мумкин. Аммо, кўпчилик ҳолларда бундай кейслар таҳсил олувчиларга ёқмайди, улар ҳақиқий, чуқур маънога эга бўлган, аниқ ва тўлиқ ахборотларни талаб этадилар. Улар энг аввало ҳақиқий вазиятга ўзларининг фойдали ва бу жараёнларга тегишли эканлигини ҳис этишни хоҳлайдилар, ўз билим ва малакасидан фойдаланиш имкониятига эга бўладилар.

### **Кейс усулни қўллаш билан машқлар бажаришни фарқлай олиш керак.**

Машқларни бажариш юзаки тафсилоти ҳақиқий ёки уйдирма бўлган воқеани эслатиши мумкин. Аммо, машқни бажариш мақсади билан кейс-стади тадқиқотлари турлидир. Математик кўринишдаги мисол, масала, машқлар таҳсил олувчиларни махсус концепция, техника ёки принципни қўллашни ўрганиш учун материал ҳисобланадилар. Вазият эса, таҳсил олувчиларга кенг қамровли малакаларни эгаллашга ёрдам бериш учун қўлланилади. Машқ ёки масалани бажаришда битта ечим ва бу ечимнинг битта йўли мавжуд бўлади, вазиятда эса жуда кўп ечим ва ечимнинг муқобил йўлчалари мавжуддир.

Вазиятни шундай ифодалаш мумкинки у таҳсил олувчиларга махсус аналитик усулни қўллаш ёки муаммога махсус усул билан яқинлашиш имкониятини яратсин. Кейс усулнинг асосий вазифаси – бу таҳсил олувчиларни таркиблаштирилмаган муаммолар мажмуасини ечишни ўргатишдан иборат, ушбу турдаги муаммоларни муайян аналитик усул ёки йўл билан ечиб бўлмаслиги аниқ. Шунинг учун, ўқитувчи таҳсил олувчи олдида аниқ вазифа қўйиши лозим: ёки масалани ечиш ёки кейс -стадини бажариш. Бунинг учун берилган топшириқ бўйича ўқитувчи таҳсил олувчининг нуқтаи назари билан ўзиникини солиштиради ва зарурият бўлса, таҳсил олувчи тушунчасига тузатиш киритади. Вазиятлар “жонсиз”, “жонли” ёки қандайдир ўртача бўлиши мумкин. “Жонсиз” вазиятда, вазиятнинг барча ахбороти таҳсил олувчиларга таҳлилнинг бошида тақдим этилади. Вазият тирик бўлиши учун, ахборот вазият ўзгариши билан қўшимча берилиб борилади, яъни вазиятни тўла ўрганиш давомида

қандайдир маълумотлар бериледи. Бу эса вазиятни ҳақиқий ўзгариб боришини таъминлайди. Баъзи кейс-стадиларда бир ташкилотнинг ўзида, бир вақтнинг ўзида пайдо бўлган муаммолар, вазиятларнинг турлича талқини тақдим этилиши мумкин. Бундай ҳолатларда таҳсил олувчиларда мазкур ташкилот ва унинг муаммолари ҳақида маълумот тўплаб, ўзларининг жуда мураккаб жавоблари ва ечимларини ишлаб чиқишга имконият яратилади. Вазиятнинг “жонли” шакли икки турли бўлиши мумкин.

Биринчи турда, ташкилот аъзоси мавжуд вазиятни умумий тарзда ифода этади. Ташкилотдаги аниқ ҳолат ва унинг муаммоларини аниқ тасавур этиш учун, таҳсил олувчилар ўқитувчига бир неча қўшимча саволлар беришлари зарур бўлади. Табиийки, бундай кейсларнинг ҳар бири, уларнинг кўрилиш вақти ва жойига кўра фарқ этади.

Иккинчи тури, оддий кейс – усулдагидек, вазиятни оддий ёзма тафсилот кўринишида тақдим этади. Таҳсил олувчиларда ҳақиқий

вазиятга жалб этилиш учун, фақат ўзларига фойдали ахборотларни тўплаш имконияти бериледи. Ушбу турли “жонли” вазият, ўрганишнинг бошқа усули – лойиҳалашга яқинлашади. Уларнинг асосий фарқи ташкилот ва таҳсил олувчи ўртасидаги муносабатнинг характеридадир. Лойиҳалаш одатда ташкилот аъзоларига фаолият режасини таклиф этувчи таҳсил олувчилар гуруҳини жалб этади. “Жонли” вазият, асосан ташкилотдан ахборот манбаси сифатида фойдаланишга имкон бериши мумкин. Таҳсил олувчиларнинг қизиқиши ошгани сари таълим имконияти ошиб боради. Бундан ташқари, бу таҳсил олувчиларда ахборотни излаш, олиш ва баҳолаш кўникмаларига эга бўлиш имкониятларини яратади. “Жонли” вазиятлар, уларни тадқиқ этишнинг юқори даражадаги малакаларини талаб этадилар, бундай малакага эса қуйи курс таҳсил олувчилари эга бўлмайдилар. Кўпчилик ўқитувчилар ушбу турли вазият йўриқномасини анъанавий кейс – курс ва лойиҳалаш орасидаги кўприк сифатида фойдаланадилар.

**Кейс апробацияси (синоб кўриш).** Муайян вазиятнинг таҳлили сифати ва аудиторияда уни муҳокама қилишда таҳсил олувчиларни жалб этиш даражаси ушбу усулни қўллашда алоҳида аҳамият касб этади. Сўзсиз, ўқитувчи қанчалик маҳоратли бўлмасин, у ўз ютуғини аудитория билан баҳам кўришга мажбурдир. Шунинг учун, таҳсил олувчилар кейс -стадини қўллаб ўтказиладиган машғулотларга тегишли равишда тайёрланиши жуда муҳимдир.

**Муайян вазият усули апробацияси доирасида таҳсил олувчининг кейс билан иши қуйидагилардан иборат:**

- кейс-стадини индивидуал таҳлил қилиш;
- кейс-стадини кичик гуруҳда таҳлил қилиш;
- кейс-стадини аудиторияда ўқитувчи билан муҳокама қилиш.

Апробацияда кейс-стади билан танишишни бир неча босқичда ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Биринчи марта бутун кейс-стадини жуда тез ўқиш чикиш керак. Бунда ўқиш тезлиги, уни қайта айтиб бериш имконияти билан аниқланиши зарур.

Биринчи ўқиш давомида, таҳсил олувчи қандай кейс-стади билан ишлаётгани ва кейс-стади умумий мавзуси ҳамда мазмунини тушуниши лозим. Кейс-стадининг таркиби ва мантиқига алоҳида эътибор қаратиш лозим, бу эса кейинчалик матн бўйича тушунтириш ва ҳаволаларга қайтишга ёрдам беради. Агар таҳсил олувчи нима учун айнан шу кейс-стади берилганини тушуниб етса, унда унга ўқитувчи аудиторияда қўйиши мумкин бўлган саволларни аниқлаши осон бўлади. Биринчи ўқиш таҳсил олувчини кичик гуруҳда ишлашга тайёрлаши лозим, у ерда таҳсил олувчи бошқалар билан ўртоқлашиши мумкин. Кейснинг иккинчи ўқуви, анча диққат ва эътиборли бўлиши лозим, унинг тезлиги эса ўқилганга нисбатан англашни амалга ошириш орқали белгиланади. Катта кейс-стади учун бу икки соатдан тўрт соатгача давом этиши мумкин. Кейс-стадининг таҳлили, айнан шу босқичда баҳоланади. Бунинг учун, таҳсил олувчи барча муҳим далилларни таҳлил этиши ва уларни баҳолашдан ажратиши лозим. Таҳлил, далилларни топиш, муаммо қисмларини ҳамда уларни ўзаро боғлиқлигини аниқлашни ўз ичига олади.

Самарали таҳлил жараёнида унгача кўзга ташланмаган баъзи бир янги ҳодисалар (нарсалар) аниқланиши мумкин. Далил ва воқеалар таҳлили таҳсил олувчиларга ўз қарорларини тасдиқлаш учун ёрдам бериши керак. Бу таҳсил олувчидан оригиналлик ва ижод талаб қилади. Кўпчилик ҳолларда таҳсил олувчилар таҳлил ўрнига далил ва воқеаларни баҳолашга ўтиб кетадилар. Аммо ҳақиқий баҳолаш, фақат пухта таҳлилдан сўнггина амалга оширилиши мумкин. Таҳсил олувчи иккинчи ўқиш давомида муаммога етиб бориши керак деб фараз этилади. Бу осон иш эмас. Таҳсил олувчи, муаммо истак ва натижа орасидаги номувофиқликда эканлигини тушуниши лозим. Муаммолар фақат моддий асосга (корхона, машиналар, пуллар, баҳолар ва бошқалар) эга бўлиши мумкин эмас. Улар доимо инсон ва унинг ҳатти-ҳаракати билан боғлиқ бўладилар. Бу кўпчилик ҳолларда ташкилот раҳбарига тегишли, агар у кейс-стади “қаҳрамони” сифатида намоён бўлса, иккинчи ўқиш таҳсил олувчига ўқитувчи баҳолайдиган яъни қабул қилинадиган ечимнинг асосланганлигини таъминлайди. Бунинг учун таҳсил олувчи далил ва воқеалар кетма-кетлигидан иборат занжир тузиши зарур. Ундан ташқари у схема ва жадвалларни диққат билан кузатиб, уларда тушинтирилмаган вазиятларни, ибораларни топа олиши керак.

Кейс-стадини учинчи ўқиши якуний ҳисобланади. Буни машғулотдан олдинги куннинг кечаси бажариш яхшидур. Кейс-стадини аввал бошланишини

ўқиш, сўнг охиридан бошлаб ҳаммасини олдинга “қайтариб” далил ва воқеаларни кичик гуруҳда муҳокама қилгандан кейин, қайта текшириш ва аниқлаш фойдадан холи бўлмайди.

Кейс-стади билан ишлашнинг ушбу босқичи, кейс-стадининг жиддий маънавий таҳлилидан ва ушбу таҳлилни аудиторияда тақдим этишнинг самарали шаклини аниқлашдан иборат. Шунини таъкидлаш лозимки, кўпчилик ҳолларда кейс-стади муҳокамаси муаммо, муқобил ечимлар ва тавсиялар атрофида кечади. Кейс лойиҳасини биринчи муҳокамасида ўқитувчи таҳсил олувчининг ҳар бир босқичда сарф этган вақтини қайд этади. Қўшимча ахборотлар билан таъминлашнинг мураккаблиги, уни ўқиш қийинчиликлари, режалаштирилган билим ва малакаларни ўзлаштиришдаги фойдалилик даражасини аниқлайди. Шу билан бирга фан бўйича режалаштирилган мавзуларнинг кейс лойиҳасида тўла қамраб олинганлиги текширилади.

**Кейс матнининг охириги кўринишини шакллантириш** (босқичлар бўйича йўриқнома билан биргаликда). Ушбу босқичда апробация натижалари бўйича киритилган камчиликларни ҳисобга олиб кейснинг т узатилган матни тайёрланади. Кейс устида таҳсил олувчилар билан ишни ташкил этиш услубини ёритишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу услубиёт келажакда ўқитувчи бўлмоқчилар учун жуда фойдали бўлади.

## **“ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ БОШҚАРИШ” МАВЗУСИДАГИ КЕЙС-СТАДИ**

### **ПЕДАГОГИК АННОТАЦИЯСИ**

**Ўқув фани:** Инновацион фаолият.

**Мавзу:** Инновацион жараёнларни бошқариш.

**Кейснинг асосий мақсади:** инновацион жараёнларни бошқаришга доир моделларни ўрганиш, таҳлил этиш ва мактабгача таълим муассасаларида инновацион жараёнларни тизимли бошқаришнинг ташкилий моделини ишлаб чиқиш.

**Ўқув фаолиятдан кутиладиган натижалар:**

- 1) инновацион жараёнларни бошқаришнинг ўзига хосликларини очиб бериш;
- 2) моделларга тавсифномалар тайёрлаш;
- 3) мактабгача таълим муассасаларида инновацион жараёнларни тизимли бошқаришнинг ташкилий моделини ишлаб чиқиш;

Ушбу кейсни муваффақиятли амалга ошириш учун талабалар олдиндан қуйидаги билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари лозим:

**Талаба қуйидагиларни билиши керак:**

инновация, инновацион жараён, бошқариш, бошқарув объекти, бошқарув субъекти, бошқарув методлари, бошқарув функциялари.

**Талаба қуйидаги кўникмаларга эга бўлиши керак:**

таҳлил этиш, таққослаш, умумлаштириш, абстрактлаштириш, лойиҳалаш, моделлаштириш.

**Талаба қуйидаги малакаларга эга бўлиши керак:**

индивидуал ва ҳамкорликда ишлаш, когнитив, эвристик, креатив фаолият малакалари.

Манбалардан фойдаланиш учун адабиётлар рўйхати:

1. Омонов Н.Т., Хўжаев Н., Мадярова С., Эшчонов Э. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т.: «ИҚТИСОД-МОЛИЯ», 2009.

2. Абдуқодиров А. А. "Педагогика" ва "Психология" фанларидан кейслар ва улардан фойдаланиш услубиёти. Тош.Фан ва технология.-2015й.

Ушбу кейснинг асосий манбаи кабинетли, лавҳали бўлиб, аниқ топшириқлар асосида баён этилган. Кейснинг асосий объекти инновацион жараёнларни бошқаришга йўналтирилган. Бу ташкилий кейс бўлиб, маълумотлар топшириқлар асосида тузилган. Ҳажми ўртача тизи кўникма ва малакаларни эгаллашга йўналтирилган. Дидактик мақсадларга кўра кейс муаммоларни тақдим қилиш, уларни ҳал этиш, таҳлил этиш ва янги моделни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ этиш технологиясини яратиш ва баҳолашга йўналтирилган.

Ушбу кейсдан "Мактабгача таълимни ташкил этиш ва бошқариш" ва "Мактабгача таълимни ўқитиш технологиялари ва лойиҳалаштириш" фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

**КЕЙС: ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ БОШҚАРИШ**

Кириш. Инноватиканинг таянч тушунчаси – бу инновацион жараёндир.

Таълимдаги инновацион жараёнлар қоидага мувофиқ уч асосий – ижтимоий-иқтисодий, психологик-педагогик ва ташкилий-бошқарувга доир жиҳат билан боғлиқликда кўриб чиқилади. Мазкур жиҳатларнинг мазмунидан инновацион жараёнлар юзага келадиган умумий шарт-шароитлар ҳосил бўлади. Мавжуд шарт-шароитлар инновацион жараённинг амалга ошишига тўсқинлик қилиши ҳам мумкин. Инновацион жараёнлар ҳам стихияли, шунингдек, онгли бошқарилиши мумкин. Янгилик киритиш – бу энг аввало, табиий ва сунъий ўзгаришлар жараёнини бошқариш функцияси. Шунинг учун таълимдаги инновацион жараён – бу таълимдаги ўзгаришларни бошқариш жараёни демакдир. Мактабгача таълим муассасаларида инновацион жараёнларни бошқариш – ўзига хос яхлит тизим бўлиб, таҳлил этиш, қарорлар қабул қилиш, режалаштириш, ташкил этиш, коррекциялаш, мотивациялаш, рағбатлантириш, назорат қилиш каби таркибий қисмларга эгамуайян бошқарув циклига эгадир.

Мақтабгача таълим муассасаларида инновацион жараёнларни бошқариш бошқарув тизимини модернизациялашни талаб этади. Ана шу сабабли мақтабгача таълим муассасаларида инновацион жараёнларни бошқариш моделини лойиҳалаш зарур. Айнан ана шу муаммони ҳал этиш “Кейс стади”га асосланган ўқитиш технологиясининг асосий мақсади ҳисобланади. Ушбу технология инновацион жараёнларни бошқаришга доир моделларни қиёсий ёндашув асосида ўрганиш ва таҳлил этиш орқали гуруҳ томонидан мақтабгача таълим муассасаларида инновацион жараёнларни тизимли бошқариш моделини ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Тавсия этилаётган кейсни ечиш қуйидаги натижаларга эришишга имкон беради:

- 1) инновацион жараёнларнинг тузилиш, фазаси ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш;
- 2) топшириқларни ҳал этиш орқали инновацион жараёнларни бошқаришга доир моделларни ўзлаштириш;
- 3) инновацион жараёнларни бошқариш шакл ва методларини ўрганиш;
- 4) мустақил равишда инновацион жараённи моделлаштириш кўникмасини эгаллаш.

1-муаммоли топшириқ. Қуйидаги инновацион жараёнларни бошқаришга доир моделларни ўрганиш ва ҳар бирига тавсифнома (характеристика) ёзинг.

“Таълим муассасаси амалиётига инновацияларни жорий этишда педагогнинг хулқ-атвори модели” (К.М.Ушаков бўйича).

Инкор этиш

Қаршилиқ

Тадқиқ этиш

Кенгайтириш

Анъанавийлаштириш

Билишга доир

Рефлексив-релакция

Умумий таълим мақтабларини инновацион бошқаришнинг лойиҳали методи (Н.Мамадов бўйича)

2-муаммоли топшириқ. Қуйидаги мақтабгача таълим муассасаларида Инновацион жараёнларни тизимли бошқаришнинг ташкилий моделини ишлаб чиқиш учун тайёр чизма ва чизманинг тагида модел таркибий

қисмлари аралаштирилган ҳолда берилган. Сиз чизмага унинг таркибий қисмларини шундай кетма-кетликда жойлаштирингки, натижада мақтабгача таълим муассасаларида инновацион жараёнларни тизимли бошқаришнинг ташкилий модели ҳосил бўлсин.

- 1) янгиликларни яратиш, жорий этиш ва ўзлаштириш бўйича ижодий гуруҳ;
- 2) кенгаш аъзолари;
- 3) янгиликларни яратиш, жорий этиш ва ўзлаштириш бўйича экспертлар гуруҳи;
- 4) Педагогик кенгаш;
- 5) ўқув жараёни;
- 6) тарбия жараёни;
- 7) илмий-методик;
- 8) янгиликларни яратиш, жорий этиш ва ўзлаштиришни мувофиқлаштириш соҳалари;
- 9) инновацион жараёнларни тизимли бошқариш;
- 10) методист;
- 11) метод бирлашма раҳбарлари;
- 12) янгиликларни яратиш, жорий этиш ва ўзлаштириш соҳалари;
- 13) методик кенгаш;
- 14) мудира.

Иш босқичлари	Маслаҳат ва тавсияномалар
1. Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан танишиш	Инновацион жараёнларни бошқаришга доир моделлар билан танишинг ва моделларнинг таркибий қисмлари, уларнинг мазмунини ўрганинг. Ўрганиб чиқиш вақтида моделларга тавсифнома ёзишга ва мақтабгача таълим муассасаларида инновацион жараёнларни тизимли бошқаришнинг ташкилий моделини ишлаб чиқишга шошилманг.
2. Муаммоли топшириқлар билан танишиш	Тақдим этилган моделлар мазмуни билан яна бир мартаба танишиб чиқинг. Моделлар таркибидаги тушунчалар ва жумлаларга диққатингизни жалб қилинг. Моделларда инновацион жараёнларни бошқаришнинг қайси жиҳатларини ҳал этишга эътибор қаратилганлигини аниқланг.
3. Муаммоли топшириқни таҳлил этинг	Асосий муаммо ва кичик муаммоларга диққатингизни жалб этинг. Асосий муаммо: инновацион жараёнларни бошқариш. Қуйидаги саволларга жавоб беришга ҳаракат қилинг: 1. Инновацион жараён деганда нима тушунилади? 2. Инновацион жараён қандай тузилишга эга?



	<p>3. Инновацион жараён бошқарувчиси ва иштирокчилари деганда кимлар тушунилади?</p> <p>4. Инновацион жараёнларни бошқариш қандай функцияларни бажаришни талаб этади?</p> <p>Инновацион жараёнларни бошқариш моделларини таҳлил этинг ва ҳар бирига тавсифнома ёзинг. Мақтабгача таълим муассасаларида инновацион жараёнларни тизимли бошқаришнинг ташкилий модели таркибий қисмларини қандай мақсадга йўналтирилганлигини кўрсатиб беринг.</p>
<p>4. Муаммоли топшириқларни ечиш усул ва воситаларини танлаш ҳамда асослаш</p>	<p>Инновацион жараёнларни бошқаришга доир моделларга тавсифнома ёзишда “Инновацион жараёнларни бошқариш моделлари” жадвалини тўлдиришга киришинг. Тавсифномаларни ёзишда аниқ хусусиятларни белгилаб олишга ҳаракат қилинг. Жадвални тўлдиринг.</p> <p>“Мақтабгача таълим муассасаларида инновацион жараёнларни тизимли бошқаришнинг ташкилий модели”ни ишлаб чиқишда мақтабгача таълим муассасаларида ички бошқаруви соҳаларини ёдда сақланг ва уларнинг функцияларини кўз олдингизда гавдалантиринг.</p>

**“Инновацион жараёнларни бошқариш моделлари” жадвалини тўлдиринг**

<p><b>Моделларнинг йўналишлари</b></p>	<p><b>Моделларни инновацион жараёнларни бошқаришга йўналтирилган жиҳатлари</b></p>	<p><b>Моделларни модернизациялашни талаб этувчи жиҳатлар</b></p>

**Кейс билан ишлаш жараёнини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари**

<p>Талабалар рўйхати</p>	<p>Моделларнинг инновацион жараёнларни бошқаришга йўналтирилган жиҳатлари ва</p>	<p>Педагогика коллежларида инновацион жараёнларни тизимли бошқариш модели ишлаб</p>	<p>Жами. – мак. 5 балл.</p>
--------------------------	--	---	-----------------------------



	модернизациялашни талаб этувчи жиҳатлари аниқланган. – мак.2 балл	чиқилган. – мак. 3 балл.	

## VI. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
<b>Акмеалогия</b>	инсонни ўз тараққиёти динамикасида, такомил ҳамда ҳаёт фаолиятининг турли босқичларида ўзидаги энг кучли қобилиятларини намоён қилишнинг комплекс масалаларини ўрганадиган фан тармоғи	dynamics of development of human life and takomili various stages his strong ability to study problems of a difficult branch of science
<b>Амалий машғулотлар</b>	махсус жиҳозланган хона ёки алоҳида ажратилган тажриба майдонида ташкил этилиб, таҳсил олувчиларда улар томонидан ўзлаштирилган назарий билимларни амалиётда қўлланиши	спесиаллй equipped room or special area of tests where scholars to put the theoretical knowledge into practice, directed to skills and training
<b>Анъанавий ўқув адабиётлар</b>	адабиётлар билим олувчиларнинг ёши, психологик ва физиологик хусусиятлари, маълумотлар ҳажми, матн ўлчовлари, қоғоз сифати, муқова тури каби кўрсаткичларни инобатга олган ҳолда қоғозга чоп этиладиган манбалар	recipients of age of knowledge, psychological and physiological features, the size of data, the text sizes, quality of paper, in view of indicators, such as type of a covering of paper of the publis'hed sources
<b>Аудитория</b>	олий ва ўрта махсус ўқув юртларида дарс ўтказиладиган хона	the highest and middle classes of vocational yeducation
<b>Ахборот</b>	амалда қўлланиладиган аниқ хабар. Ахборот кишилар орасидаги, одамлар ва ЭҲМ орасидаги маълумот алмашиниш ҳодисаси	it is accurately put into practice. Information between these people and yexchange of information between the falling yexposition

<b>Ахборот-таълим муҳити</b>	– таълим жараёнида янги маълумотларни олиш имконини берадиган ўқув вазияти	the provision of educational process that allows to receive new school
<b>Ахборот технологияси</b>	ахборотни ҳосил қилиш, сақлаш, компютер ёрдамида қайта ишлашни ифодаловчи фаолият соҳаси	data, storage, processing the computer which represents the field
<b>Ақлий ҳужум</b>	муаммони ҳал етишга нисбатан интеллукуал ёндашув. Бунда муаммони ҳал етишга оид шахсий фаразлар илгари сурилади	intelluktual approach to the solution of this problem. At the same time, to solve a problem of separate hypotheses earlier
<b>Баҳо</b>	таълим олувчилар билим, кўникма ва малакаларининг миқдорий баҳолашда бал ёки рақамлар воситасида шартли ифодаланиши	preparation of knowledge, skills and experience by means of number or the size of a quantitative assessment of conditional expression
<b>Баҳолаш</b>	ўқувчи ёки талабанинг эгаллаган билим, кўникма ва малакалари ҳамда шахсий сифати даражаларини белгилаш	the student or the student of knowledge, skills and yexperience to define a level of quality and personal
<b>Билим</b>	ўқувчи ва талабаларнинг табиат, жамият, фан-техника ютуқлари ҳақида ҳосил қилган маълумотлари. Ўқувчи ёки талабаларга тақдим этиладиган назарий маълумот	school students and students of the nature, society, achievements of science and technology. Theoretical information will be provided for pupils or students
<b>Билиш назарияси</b>	билиш қонуниятлари ва имкониятлари, билимнинг обектив реалликка муносабатини ўрганади	the nobility governed also opportunities for studying of interrelation between knowledge of objective reality

<p><b>Бошқарувчи педагогик технология</b></p>	<p>нафақат яхлит педагогик жараёни, балки унинг алоҳида қисмларини қамраб олувчи, юксак ижтимоийлаштирилган шарт-шароитни таъмин етувчи технологиялардир, уларга ташхисловчи, мониторинг, шунингдек, коррекция қилувчи технологиялар кирди</p>	<p>not only in all educational process, but also the covering parts of technology which provide high sociality of a condition in diagnostics, monitoring, and also correction of technology</p>
<p><b>“Бумеранг” технологияси</b></p>	<p>ўқувчини машғулот ва машғулотдан ташқари жараёнларда турли ўқув адабиётлари, муаммоли тажриба бажариш мазмуни билан таништириш, фикрни еркин баён этиш ҳамда муайян тажрибани бажариш давомида уни баҳолашга қаратилган технология</p>	<p>In the course of training of the reader and educational literature and to present the maintenance of productivity of problem experience in the course of realization of freedom of expression, and</p>
<p><b>Вербал мулоқот шакллари</b></p>	<p>Лестурес, диссуссионс, куестионс анд ансверс, соунсилс, диссуссионс, диссуссионс, мессаГЭС, греетингс, форбид, а греетинг а респонсе</p>	<p>Lectures, discussions, questions and answers, councils, discussions, discussions, messages, greetings, forbid, a greeting a response</p>
<p><b>Гностик кўникма</b></p>	<p>бўлажак мутахассис шахсини касбий фаолиятни ижодий жиҳатдан амалга оширишга йўналтирилиш, унинг тадқиқотчилик характерини ифодаловчи кўникма</p>	<p>are concentrated on realization of the creative person of future expert of professional activity, his ability to represent the research nature</p>

<b>Давлат таълим стандарти (ДТС)</b>	таълимнинг зарур, етарли даражаси ва ўқув юкнамалари ҳажмига қўйиладиган асосий давлат талаблари мажмуасидир	adequate education level and preparation of the main requirements of a government complex by the size of working loading
<b>Дарс</b>	1) узлуксиз таълим муассасаларида амалга ошириладиган таълимнинг асосий шакли; 2) ўқув ишларининг асосий ташкилий шакли, мантиқий тугалланган, яхлит ўқув-тарбиявий жараённинг аниқ вақт билан чекланган қисми	1) continuation of educational institutions will be the main form of education; 2) studying by the main organizational form of the work performed in logical complete educational the part of process is limited for a certain period of time
<b>Дарс турлари</b>	ўқув машғулотини бир бутун яхлит ҳолда ёки муайян бўлақларга бўлиб баҳолаш	complex academic preparation in general or separate parts of an assessment
<b>Дарсни жиҳозлаш</b>	қўйиладиган дарс мавзусига кўра ўқув-дидактик материаллар, қўлланма, мултимедиа, ўқув воситалари кабиларни танлаш ва тартибга келтириш	On a training subject in the curriculum and didactic materials, manuals, multimedia tutorials, such as selection and an arrangement
<b>Дастур</b>	ўқув фаолиятини амалга ошириш режаси ва ушбу фаолиятнинг мазмунини ифодаловчи меъёрий ҳужжат	activity and content of activity of normative documents
<b>Дастурлаштирилган таълим технологияси</b>	материални (қисмларга бўлиб) қадам-бақадом, ҳар бир қисмнинг ўзлаштирилганлигини назорат қилган ҳолда ўрганиш	materials (components) step by step, each part of development of technology of management

<b>Дастурли таълим</b>	тадрижий кетма-кетликда жойлашган сертармоқ ўқув материали қисмларидан ташкил топган ўргатувчи дастурлар ёрдамида ўқитиш технологияси	evolutionary sequence of sertarmoq educational technologies with use of an yequipment of training programs
<b>Диагностика</b>	таълим жараёни, ўқитувчи ҳамда ўқувчи фаолиятининг муайян қиррасини ўрганиш мақсадида амалга ошириладиган текшириш	Educational process, teachers and students to check activity of certain yelements which will be carried out for the purpose of studying
<b>Дидактик материал</b>	ўқувчиларга таълим-тарбия беришга йўналтирилган махсус ўқув материаллари	The educational and training materials directed to students
<b>Дидактик тизим</b>	таълим мазмуни, уни ташкил этишнинг шакл, метод, жараёнлари ва ўқитиш мақсадларидан иборат тизим	content of training, form of the organization, methods, processes and purposes of system of training
<b>Дидактика</b>	1) педагогиканинг таълим назарияси билан шуғулланадиган тармоғи; 2) таълим назарияси	1) business with the theory of pedagogics of an yeducational network; 2) Theory of education
<b>Жараён</b>	муайян натижага эришиш учун амалга ошириладиган ўқув ҳаракатлар мажмуи	set of the actions which are carried out for achievement of certain results, training
<b>Жорий назорат</b>	ўрганилаётган мавзуларни ўқувчи талабалар томонидан қандай ўзлаштираётганини мунтазам равишда дарс жарёнида назорат қилишдан иборат усули.	research subjects students training of students how to put on a regular basis to make a method of management of process.
<b>Замонавий педагог</b>	таълим олувчининг қандай ўқиётганлиги ва ривожланаётганлигини тўлиқ тушуниб, ҳис қила оладиган, яъни унинг ҳаётини ўз шахсий ҳаёти	Development it is trained how to read and to fully understand that you can feel that his life to feel as in the private life, the student, moral, spiritual and

	сингари ҳис қилиб, ўқувчининг ички, ахлоқий-маънавий, умуммаданий ўсиб ривожланишига, болалар ҳамда катталар ҳамжамиятининг мустаҳкамланишига кўмаклаша оладиган ўқитувчи	umummadaniy development in children and adults who can help to strengthen community of teachers
<b>Индивидуал ўқитиш</b>	ўқувчи шахсига алоҳида ёндошган ҳолда таълим-тарбия бериш	the pupil of the personal focused yeducation and vocational training
<b>Инновацион таълим</b>	1) таълим соҳасига киртилган ва киритилаётган янгиликлар; 2) янгиланган, янги технологиялар асосида ташкил этилган таълим жараёни	1) yeducation in China, and news; 2) it is updated on the basis of new technologies of yeducational process
<b>Инновация</b>	янгидан киритилган тушунчалар, тартиб қоидалар, технологиялар ва янгиликлар	new concepts, procedures, technologies and innovations
<b>Ишланма</b>	муайян мақсадга йўналтирилган ўқув жараёни ёки ўқув материалининг лойиҳаси	purposeful yeducational or training materials for the project
<b>Касбий тайёргарлик</b>	таълим олувчиларнинг муайян иш ёки ишлар мажмуини бажариш учун зарур малакаларни жадал эгаллаш мақсадини назарда тутадиган педагогик жараён	Development of the concrete work or work necessary for yend of a set of skills which provides accelerated occupy yeducational process
<b>Касбий таълим</b>	муайян соҳага оид иш фаолиятини шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган таълим	performance to this or that sphere of formation and development of yeducation
<b>Кейс</b>	(ингл. Case – ҳодиса, шарт- а case	- Has put the



<b>Кейс усули</b>	ўқувчиларда ижодкорлик кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган усул	way to develop creative skills of students
<b>Кейс технологияси</b>	ўқувчиларнинг мустақил қарорлар қабул қилишлари, муаммоли саволларга тўғри ва ҳаққоний жавоблар топишларига қаратилган, ўқитувчи кузатувчи (эшитувчи) вазифасини бажарадиган таълим технологияси	students to make independent decisions, the problem to find the correct and truthful answers to questions of the observer, teachers (hearing) carries out a role of yeducational technologies
<b>Компетенция</b>	у ёки бу соҳа бўйича билимдонлик	in this or that sphere of competence
<b>Креативлик (ижодийлик)</b>	қандайдир янги, бетакрор нарса ярата олиш лаёқати, бадий шакл яратиш, фикрлаш, ғоя ва ечимга олиб келувчи ақлий жараён	something new, something unique ability to create to create a form of art, thoughts, ideas and can lead to the solution of intellectual process
<b>Кузатиш методи</b>	объектив борлиқдаги нарса-ҳодисаларни тизимли, узлуксиз, батартиб, мукамал идрок қилиш жараёни	objective things and yevents in systematic, continuous, yexact, full understanding of process
<b>Кўникма</b>	ўқувчи ёки талабанинг ўзлаштирган билимлари асосида	student or knowledge of the student of development of
<b>Лойиҳалаш методи</b>	педагогиканинг прагматик ёъналишига асосланган ҳолда, таълим жараёнида ўқувчиларга бериладиган амалий топшириқларни лойиҳалаш ва уларни ўқувчиларнинг бажаришлари жараёнида билим ва кўникмаларини	On the basis of the direction of pedagogics is pragmatcal, practical training in tudents at design and performance of the pupils, providing knowledge and skills of training

	намоён қилишларини таъминловчи таълим шакли	
<b>Малака</b>	ўқувчи ёки талабада муайян ўқув материали ва касбни чуқур ўзлаштириш натижасида ҳосил бўлган автоматлашган маҳорат	pupils or students in a certain training material and a profession as a result of development of the automated skills
<b>Маъруза</b>	ўқув материалига оид бирор масала, илмий, сиёсий мавзуларнинг изчил, тартибли, оғзаки баёни	training materials on a subject, scientific, political subjects in a consecutive manner, the verbal description
<b>Метод</b>	таълим жараёнида тақдим этилган амалий ва назарий билимларни эгаллаш, ўзлаштириш, ўргатиш, ўрганиш, билиш учун хизмат қиладиган йўл-йўриқлар, усуллар мажмуи	Practical and theoretical knowledge in yeducational process, development, teaching, training, service instructions, a set of methods
<b>Методология</b>	тадқиқотчининг назарий-амалий педагогик фаолиятини ташкил этиш тамойиллари, у амал қиладиган меъёрий-ҳуқуқий, назарий-фалсафий ёндашувлар, қонуниятлар, қарашлар йиғиндиси	scientific work of the theoretical and practical pedagogical principles, is legal, theoretical and philosophical approaches, laws and the sum of views
<b>Миллий модел</b>	“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг ўзагини ташкил этувчи яхлит тизим	"The program of training at the national level" make a basis of all system
<b>Модул</b>	ўқув ахборотининг мантиқий бўлакка бўлинган қисми, ушбу қисм мантиқан яхлит ва тугалланган бўлиб, унинг ўзлаштирилишини назорат қилиш мумкин бўлади	educational information is divided into logical segments and has been finis'hed by an integral part of logic of this part, you will have an opportunity to control his payments
<b>Модулли таълим</b>	модуллаштирилган ўқув	Process of training is

	дастури асосида ташкиллаштириладиган ўқитиш жараёни	organized on the basis of the training program of modul
<b>Муаммоли вазият</b>	индивид ёки гуруҳ фаолиятига кучли таъсир кўрсатувчи ҳолат	strong influence on work of the individual or group status
<b>Мустақил таълим</b>	инсоннинг ўзи танлаган воситалар ва адабиётлар ёрдамида авлодлар тажрибасини, фан ва техника ютуқларини ўрганишга йўналтирилган шахсий ҳаракатлари жараёни	the person has chosen tools and publications on yexperience of generations, yefforts have been concentrated on studying of achievements of science and technology
<b>Назорат</b>	ўқитишнинг барча босқичларида натижалар сифатини назорат қилиш, таълим олувчиларнинг ҳамда уларнинг шахсиятини аниқлаш жараёнибилим, кўникма,	malakalari Results of quality control at all stages of yeducation, training, recipients of knowledge, abilities, skills and definition of their personality
<b>Олий таълим</b>	турли олий мактабларда юқори, олий малакали мутахассислар тайёрлаш	various higher yeducatio institutions, universities training of yexperts
<b>Олий таълим Давлат таълим стандарти</b>	олий таълимнинг давлат томонидан тасдиқланган модели, эталони, намунаси ҳамда таълим мазмунининг максимум даражаси ва унга қўйилган минимум талаблар	The standard model is approved by the state of higher yeducation, design the maintenance of leve preparation of requirem to maximum and minim
<b>Педагогик жараён</b>	аниқ мақсадга йўналтирилган, мазмунан бой, таркиби жиҳатидан қатъий шаклланган ўқув вазиятида ўқитувчи ва ўқувчилар орасидаги ўзаро ҳамкорлик	target, substantial, from the point of view of structure of an yevent it was strongly approved yeducational interaction between teachers and students
<b>Педагогик лойиҳалаш</b>	педагогик жараённинг яхлит мазмуни ва унинг таркибий	the content of teaching and yeducational process is his



	қисмларини босқичма- босқич муайян узвийликда режалаштириш	integral component step by step of planning of box
--	--	---

## VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Раҳбарий адабиётлар.

1. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
2. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
3. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. –Т.: 2008.-176 б.
4. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011.-440 б.
5. Ўзб. Рес. Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг “2017-2021-йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. Т.: -2016й. 29-декабр.
6. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.
7. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. –Т.: “Ўзбекистон”, 2017.- 48б.
8. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. – Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 102б.
9. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021-йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори Т.-2016-йил 29-декабр
11. “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури Т.: -2016 йил.
12. “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили ” Давлат дастури Т.: -2017 йил.

### II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

13. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Президентининг «Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 30 сентябрдаги ПҚ-3955-сонли қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 13 майдаги 391-сонли Қарори

### III. Махсус адабиётлар

20. Futures for higher yeducation: analysing trends. HIGHEREDUCATION: meeting thechallengesof the 21st century. www.universitiesuk.ac.uk - ISBN: 978-1-84036-268-8 Universities UK January 2012- 128 b.

21. R.P. Pathak. Methodology of Yeducational Research. USA-2008 Atlantic

22. O’Neill, G. (2015). Curriculum Design in Higher Education: Theory to Practice, Dublin: UCD Teaching & Learning. ISBN 9781905254989 //www.ucd.ie - 189 b.

23. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006. – 163 б.

24. Қўйсинов О.А. ва б. “Касб таълими методикаси” фанидан мустақил таълимни ташкил этиш. – Т.: “Юсуф янги нашр”, 2012. – 60 б.

25. Чичерина Я., Нуркелдиева Д. Ва б. Мутахассислик фанларни ўқитиш методикаси. -Т.: “Фан ва технологиялар, 2013 й.

26. A Handbook for Teaching and Learning in Higher Yeducation, publis’hed 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York.



#### IV. Интернет сайтлар

27. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.
28. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
29. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази.
30. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали Ziyonet
31. <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси.